

*Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз*
ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
СЕНТЯБРЬ — 1990

**Ўзбекистон
Фанлар
академиясининг
илмий-оммабоп
ойномаси**

БОШ МУҲАРРИР
Комилжон ЗУФАРОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Камол БОБОМУРОДОВ
Галина МАТВИЕВСКАЯ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Уктам ПРАТОВ
Уткир РАСУЛОВ
Асом РАФИҚОВ
Зокиржон САЛИМОВ
Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ
Елқин ТУРАҚУЛОВ
Нурислом ТУХЛИЕВ
Раҳим УСМОНОВ
Файзулла УСМОНОВ
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Шабот ХУЖАЕВ
Эркин ЮСУПОВ

БУЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД
МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи
Рустам БОЙТУРА

Ассалому алайкум азиз муштарий!

Ойноманинг ушбу сониди

РАШИДОВ Т., ЗОКИРОВ М., ЖУРАЕВ О. Хушёрликка даъват	2
ҲАСАНОВ М. Туркистон муҳторияти: Ҳақиқат ва уйдирма ФИТРАТ	4
«Мен сенинг учун тирилдим, Ватан»	7
ДОЛИМОВ Т., Ҳусниддин УМАРЗОДА Илмобод	11
Ҳадис	16
МУҲИДДИНОВ Н. Ниятлари қалбидек пок эди	18
ҚОБУЛОВ В. Социализм ва жамият	20
ХУРШИД ДАВРОН Самарқанд хаёли	22
ДАВЛАТОВ Я. Популяция нима	24
МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ Ислоҳ — илм демақдир	26
ОБИДОВ Р. «Си-ас»нинг сирлари	28
АРТЕМЬЕВ В. Ўтмишга бир қиё боқ	30

каби мақолаларни ўқийсиз

МУҚОВАДА

КЕЛГУСИ СОНДА

1-бет. Бу сонда ҳам хилма-хил мавзудаги, чунончи Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллик тўйи, буюк бобомиз Бобурнинг муборак асари ва бошқа мақолаларга онд суратлар акс эттирилган.

● Туркистон муҳторияти тўғрисида: ҳақиқат ва уйдирма ● Навонийнинг тиббиёт ҳақидаги фикрлари ● Рух абадий қоладими! ● Биринчи математик олима ким бўлган ● Сталинизм қурбони ва миллий малайлар ● Муштарийларимизга айтар сўзимиз бор.

ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Турсун РАШИДОВ,
Узбекистон ССР ФАнинг академиги,
Мажид ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори,
Обид ЖУРАЕВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.

Ер сайёраси ажойиб шакл ва сифатларга эга бўлган мураккаб астрономик ҳамда геологик объект бўлиб, биринчи ва ягона ҳаёт қайнаган макондир. Ерда содир бўлган ва бўлаётган жараёнларнинг кўпи ҳали ечилмаган.

Хўш, нега қўққисдан ер сатҳида даҳшатли zilzilалар рўй бериб, аста-секин яна ғойиб бўлади! Умуман, сайёрамиз ҳам яшайди, у доимо ҳаракатдадир. Таъбир жоиз бўлса, даҳшатли вулқонлар, кулфатли zilzilаларни Ернинг нафас олиши деб аташ мумкин. Чунки сайёрамиз тинимсиз ҳаракат қилар экан, Ер сатҳининг бир хил жойлари чўкиб, бошқа жойлари кўтарилиб туради. Чунинчи, Фарғона водийсини ўраб турган қорли тоғлар кейинги 10 — 12 миллион йилда 7 километр кўтарилиб, водий эса чўккан.

Фарғона водийсининг бу умумий чўкиш ҳолати билан бир қаторда унинг турли жойларида яна турлича чўкиш ҳодисаси юз бераётгани ҳам қайд этилган. 1930 — 1944 ва 1944 — 1957 йиллар давомида Ўзбекистон геологлари ўлчов ишларини ҳам олиб боришган. Аввалги 14 йил давомида водийнинг уч жойида 15 сантиметргача турли даражадаги чўкиш ҳодисаси кузатишган. Шу давр ичида Оқбел — Норин ҳудуди 14 — 16 сантиметр, Қоратоғ — Андижон оралиғи 20 — 21 сантиметргача кўтарилган. Кейинги 13 йил (1944 — 1957) давомида водий нисбатан сокин ҳолатни бошидан кечирган: водийнинг шимолий қисми қарийб кўтарилмаган, жанубий қисми эса фақат 3 — 4 сантиметргача кўтарилган, холос. Шу кезларда Асака, Найдик, Қайтан ноҳиялари 1 — 3 сантиметр чўккан. Шу тариқа олдин чўка бошлаган Ванновка қишлоғи аста-секин кўтарилиб Хонободнинг сатҳи пасайган. Кузатишлар водийдаги чўкиш-кўтарилиш ҳодисалари ўша даврдаги ер силкинишлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда Тошкент замини ҳам ҳар йили 1 — 2 миллиметргача кўтарилмоқда.

Ер тебранишлари — ер қаърида турли ҳодисалар туфайли йиғиладиган куч-қувватнинг қўзғалиши демакдир. Бу, аввало, кўтарилиш ва чўкиш ҳаракатидан пайдо бўладиган механик куч, қолаверса, кимёвий реакциялар, радиоактив унсурларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган қувват, Ой ва Қуёш тортиш кучлари оқибатидир. Ана шу кучлар Ер бағрида йиғилади ва тобора ошиб боради. Сўнгра Ернинг бўшроқ жойларидан ташқарига «туртиб» чиқади ва кўп ҳолларда zilzilлага сабаб бўлади. Ана шу


ернинг бўшроқ ҳисобланган минтақаларига биринчи навбатда Тинч океанининг «оловли ҳалқаси», иккинчи навбатда экватордаги тоғолди ва тоғли ўлкалар киради. Ўзбекистон майдони иккинчи сейсмоактив зонада жойлашган. Шу боисдан жумҳуриятимиз ҳудудиде тез-тез zilzila содир бўлиб туради. Олимларнинг кузатишича, Ер сатҳида бир йил давомида 1 миллиондан ортиқроқ тебраниш содир бўлади. Бу ҳар соатда 120 та «туртки» демакдир. Одамлар шундан фақат 100 мингини сеза оладилар, холос. Қолганини ўта сезувчи қурилмалар қайд этади.

Ҳисобларга кўра 10 балли zilzila пайтида Ер бағридан 10^{25} эрг га тенг қувват ажралади. Бу 1 квадриллион от кучи демакдир. Ер қимирлаш пайтида ҳар бир сонияда 10^7 эрг — 10 миллион киловатт қувват ажралиб чиқади. У бешта йрик гидроэлектр станцияси кучи билан баробардир. Ана шу беқиёс катта кучга эга бўлган ва ҳар дақиқада қўққисдан юзага келиши мумкин бўлган zilzilаларни олдиндан узил-кесил айтиб бериш имкони ҳозирча топилгани йўқ. Чунки мавжуд даракчилар — балиқ, илон, мол ва қўйлар, электр ва оҳанрабо майдонларнинг ўзгаришини кузатиш ва сизот сувларда радон унсурининг миқдорини ўлчашлар ҳали zilzilани олдиндан башорат қилиш даражасига кўтарилганича йўқ.

Маълумки, zilzila ҳеч кимга вақт бермайди. Шунинг учун бу фалокат юз берганидан сўнг айюҳаннос билан тадбир-чоралар излагунча бу офат содир бўлишдан аввал унинг олдини олиш чораларини излаш зарур. Шунинг учун, энг аввало СССР ҳудудиде, жумладан Ўзбекистоннинг zilzilлага мойил майдонларининг хариталарини тузиш катта аҳамият касб этади. СССРни сейсмик ноҳиялаштириш харитасининг охириги талқини 1981 йилда амалга оширилган. Лекин уни яна янгилаш керак.

СССРнинг сейсмик ноҳиялаштириш харитаси кейинги 50 йил мобайнида камида 3 марта панд берди ва ўз навбатида харитага жиддий ўзгаришлар киритишга сабаб бўлди. Булар қуйидагилардир:

АШХОБОД zilzilаси 1948 йили 5 октябрь тунги соат 1 да рўй берди. Унинг ер юзидаги кучи 9 — 10 баллга етди. Ваҳоланки, харита бўйича zilzila макони 7 балли ҳудудга кирар эди. Жуда кўп уй-жой вайрон бўлди. Уйларнинг аксарияти хом гиштан қурилган эди. Zilzila нати-



жасида Ашхобод шаҳрида яшовчи 132 минг аҳолининг 110 минги ҳалок бўлди. Яқин-яқингача қурбонлар сонини яшириб, эълон қилинмаган эди.

ГАЗЛИ зилзилалари (1976 йил 8 апрель ва 17 май). Бир вақтлар мамлакатимизда энг йирик ҳисобланган табиий газ кони яқинида 9 — 10 балли зилзила содир бўлди. Бу ерлар 1986 йилги харитада 6 балли ҳудудга киритилган эди. Зилзила марказидан 30 чақирим жанубда жойлашган Газли шаҳрида зилзила кучи биринчи ер ости тебраниши таъсирида ўртача 8 балл, иккинчисида эса 9 баллга етди.

Маълумки, 6 балли ҳудудда қуриладиган бино ва иншоотлар зилзилага бардошли бўлмайди. Шунинг учун биринчи зилзиладаёқ шикастланган бинолар иккинчи галда дош бера олмади.

Зилзиладан сўнг шошилиш тарзда сейсмик харита қайта кўриб чиқилди ҳамда зилзиланинг маркази ва Газли шаҳри 8 балли ҳудудга ўтказилди. Шундан кейин шаҳарни қайта тиклашда лойиҳа ва қурилиш ишлари 8 баллга мос келадиган зилзилага бардошлик чоралари қўлланиб олиб борилди.

Орада 8 йил ўтгач, яъни 1984 йил 20 мартда кучли зилзила ўша жойда такрор содир бўлди. Бу сафар зилзила кучи марказда 10 баллга ва Газли шаҳрида 9 баллга етди 1976 йилдан кейин 8 балли ер ости силкиншига бардошли қилиб қурилган иморатлар яна жиддий шикастланди, баъзилари вайрон бўлди. Зеро, лойиҳа ва қурилиш жараёнида заминнинг нобоб муҳандислик геологик шароити ҳисобга олинмагани маълум бўлди. Лекин ҳамон жумҳуриятимизнинг сейсмик харитасида Газлининг зилзила маркази ва Газли шаҳри аввалича 8 балли ҳудуд билан белгиланганича қолапти. Бунинг оқибати маълум, албатта.


СПИТАК зилзиласи. Жаҳон афкор оммасини ларзага солган даҳшатли зилзила 1988 йили 7 декабрь кунини Арманистоннинг шимолида жойлашган Широқ водийсида юз берди.

Зилзила кучи Спитак шаҳрида 9 — 10 балл, ундан 25 чақирим жануби-ғарбда жойлашган Ленинанкан шаҳрида ўртача 9 баллга етди.

СССРни сейсмик районлаштириш харитаси бўйича бу зилзиланинг маркази 7 — 8 балли ҳудудга киритилган эди. Демак, Спитак зилзиласининг ер юзидаги кучи мўлжалдагидан 2 баллча юқори бўлган. Оқибатлари эса ниҳоятда аянчли бўлди. Буни сиз матбуот хабарларидан жуда яхши биласиз.

Зилзилаларнинг иморатларга, иншоотларга таъсирини ўрганиш зилзила кучи билан иморатларнинг замин шароити орасида боғлиқлик бор эканлигини кўрсатди. Иморатларнинг замини қанчалик мустаҳкам бўлса, зилзила таъсири шунчалик кам ва, аксинча, иморатлар замини қанчалик бўш бўлса, зилзила кучи шунчалик юқори бўлар экан.

Бундан ташқари, зилзиланинг ер юзасидаги кучи сизот сувларнинг сатҳига, ер сиртининг таркибига ҳам боғлиқ. Ана шу омиллар ҳисобга олиниб, йирик шаҳарлар, халқ хўжалиги иншоотлари жойлашадиган майдонлар заминига қараб, ҳар тарафлама тадқиқотлар натижасида сейсмик микроноҳиялаштириш хариталари тузилади. Ана шу хариталарда тадқиқотлар ўтказилган иншоот майдони зилзила



Газлидаги бу иморат 1976 йил 8 апрелида рўй берган 8 балли силкиншига дош берган эди. Лекин, у 9 балли зилзилада вайрон бўлди.

кучи ўзгарадиган ҳудудларга ажратилади. Буни Тошкент шаҳри ҳудудини сейсмик микроноҳиялаштириш харитаси мисолида кўриш мумкин. Асосий чоралардан яна бири — Ўзбекистонда қурилган иморатларнинг 8 — 10 балли зилзилаларга бардош бера олишини қайта текшириб, тафтиш қилиш ва қурилиши мўлжалланаётган иморатларнинг мустаҳкам бўлишини назоратга олишдир. Сўнгги зилзилаларнинг аччиқ тажрибаси бунга асос бўла олади.

Шу ўринда яқка тартибда қуриладиган иморатлар ҳақида тўхталиш ўринлидир. Хўш, улар зилзилага қай даражада дош бера олади!

СИНЧЛИ УЙЛАР. Бундай уйларнинг девори қўшинч ва яккасинч қилиб қурилади. Сифатли қурилган чўпқори уйлар 8, айрим ҳолларда 9 балли зилзилага бардош бера олади. Қўшинчилилари айниқса мустаҳкам ҳисобланади.

ПАХСА УЙЛАР. Бетон пойдевор устига деворининг пастки қисми захламайдиган қилиб қурилса, 7 — 8 балли зилзилада қуламайди. Бундай уйларнинг зилзила таъсирига дош бера олмайдиган жойлари — деворлари туташадиган бурчаклар — раҳидир.

ХОМ ҒИШТЛИ УЙЛАР. Зилзилага бардоши бўйича пахса уйлардан кейинги ўринда туради. Чунки девор ғишталари боғлиқлиги мустаҳкам эмас. Бундай уйларнинг деворлари 7 балли зилзилада ёрилиб кетади, 8 баллга дош беролмайди.

ГУВАЛА ДЕВОРЛИ УЙЛАР. Бундай уйлар жумҳуриятимизнинг айрим қишлоқларида, жумладан Фарғона водийсида кўпроқ учраб, зилзилага ниҳоятда чидамсиз, 7 баллдаёқ қулаб тушиши мумкин. 1902 йили Андижонда, 1948 йили Ашхободда рўй берган кучли зилзилалар вақтида гувала ва хом ғиштли уйлар остида минглаб кишилар ҳалок бўлган. Минг афсуски, зилзиладан кейин вақт ўтиши билан унинг фалокатли оқибатларини кишилар унутадилар, иморатларни аввалгидек қураверадилар, табиий офат вақти келиб яна уларни жазолашини ўйламайдилар.

Жумҳуриятимиз ҳудудида хом ғиштли ва гувала деворли уйларни қуришни тўхтатиш даркор. Уларни бузиб, қайтадан мустаҳкамлаш зарур.

Кейинги йиллар давомида жумҳуриятимиздаги хавфли зилзила бўладиган ноҳияларда аҳоли ва саноат иншоотларининг сони тобора ўсиб бормоқда. Мутахассислар баҳосига кўра, бу жойларда Спитак ва Газлидагига ўхшаш силкинши рўй берса, ундан келажак моддий зарар Арманистондагидан бир неча баробар ортиб кетиши мумкин.

Жумҳуриятимиз халқ хўжалиги учун зилзила хавфини пасайтириш, аҳолини ўлим хавфидан сақлаш, экологик жиҳатдан даҳшатли бўлган ишлаб чиқариш иншоотларини мустаҳкамлаш ва зилзила оқибатларини тугатишга сарфланадиган харажат ва ҳаракатларни қисқартириш учун, бизнинг фикримизча, умумжумҳурият миқёсида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

— Зилзила бўлиб турадиган ноҳияларда мавжуд биноларни синчиклаб текшириб, уларнинг қай даражада мустаҳкамлиги тўғрисида паспорт тузиш ва уларнинг бардошлилигини ошириш бўйича техник тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу мураккаб ва масъулиятли ишларни илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳаловчи ташкилотлар ўз зиммаларига олиши керак.

Давоми 13-бетда.



1988 йилнинг 8 декабрида Арманистонда бўлиб ўтган зилзиладан сўнгги манзара — Ленинанкан шаҳридаги Савдо марказининг харобаси.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ: ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМА

Кўҳна Туркистон тупроғи аср бошларига келиб, не-не зулмларни кўрмади, не-не балоларни бошидан кечирмади. Ҳақ-ҳуқуқни поймол этилган, қуллик занжирни остида қолган бобокалонлар ҳар сафар миллии озодлик, фарзандлар истиқболи учун курашиб келди. Яқин пайтларгача улар кураши «миллатчи», «туркпараст», «исломпараст», «ватан хонни» деган ёрликлар ниқоби остида талқин этилди. Утган 73 йил мобайнида эса халқ номидан не-не адолатсизликлар, ғайриинсоний ишлар қилиб келинганлигининг бугун гувоҳимиз. Бизда қайта қуриш, демократия ва ошкораликнинг йўқ даражадалигини шундан ҳам билиш мумкинки, мустақиллик Декларацияси

эълон қилинган ҳозирги шароитда ҳам 1917 йилдаёқ мустақил ҳукумат тўзган, шу йўлда жон фидо этган боболар фаолиятига сиёсий баҳо берилмади. Бунинг сабаблари кўп, шулардан бири — ўз ўтмишини билмаслик: бу билимсизлик эса нафақат сиёсий арбобларга, оддий журналхонга ҳам шараф келтирмайди. Қуйидаги мақолани эълон қилиш ила, Туркистон мухторияти тарихининг кўп йиллар халқдан [нафақат халқдан!] яшириб келинган саҳифалари билан таништиришни давом эттираемиз. [Утган сонларга қаранг: «ФТ», 7-сон — «Туркистон мухторияти маромнома ва низомномаси»; 8-сон — «Мухториятининг тугатилиши»].

Туркистон ўлкасига мухторият мақоми бериш ғояси Октябрь инқилобига қадар тугилганди. Бу ғоя тарафдорлари сафида халқчил кайфиятдаги зиёлилар, меҳнаткаш деҳқонлар бор эди.

1917 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган «Уламо» қурултойида мухторият ғояси биринчи марта расмий равишда тилга олинди. Унда 500 дан кўпроқ киши қатнашди. Маълумотларга кўра, «нафақат Туркистон вилоятларидан, шунингдек Урал ва Тўрғай вилоятларидан ҳам делегатлар иштирок этди». «Улуғ Туркистон» рўзномасида келтирилишича, делегатларнинг «кўпчилигини мухтарам муллалар, мударрислар ва мансабдорлар, яъниким кўпчилик аҳоли қўллаб-қувватлаган, халқ фойдасига ишлаётган кишилар ташкил этади».

4 кун давом этган қурултой ишида социал-иқтисодий ва сиёсий мазмун-

даги бир қатор масалалар кўрилди. Улар бўйича қабул қилинган қарорлардан 1917 йилги февраль инқилоби шабадалари туркистонликларнинг маърифатли қатламларини ижтимоий-сиёсий фаолликка илҳомлантиргани яққол кўринади. Жумладан, «ҳозирдаёқ Таъсис мажлисига номзодлар кўрсатиш»га қарор қилинди. Чунки «у ерда Русиядаги жамики мусулмонларнинг тақдирлари ҳал бўлади».

Қурултойдаги энг муҳим воқеа шу бўлдики, «Жаноби Муҳаммад хожа Эшон ва мулла Содиқ хожа Эшоннинг бошқарувини тузилиши ҳақидаги маърузаларини эшитиб, қурултой аҳли Туркистон мухториятини таъсис этишга бир овоздан (таъкид бизники. — М.Х.) қарор қилди.»

Қабул қилинган ҳужжатлар ўлканинг истиқболдаги ижтимоий-сиёсий тузилиши режаларини ўзида тўлиқ акс эттиради. Жумладан Туркистон

федерациясининг олий органи — мажлиси мабъусон (парламент)га «Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар мутаносиб вакиллик мажбурияти асосида 5 йил муддатга умумий, баробар, ёширун ва бевосита сайлов усули ила сайланадур». Шунингдек, «Туркистон мажлиси мабъусонининг қонунлари Русия жумҳуриятининг асосий қонунлари ва шариат талаблари билан келишилган бўлмоғи лозим». «Умумдавлат масалаларини ҳал этиш учун Туркистон мажлиси мабъусони Русия жумҳурияти олий ҳукуматида ҳам ўз вакилларига эга бўлади». Туркистон федерацияси, шунингдек, пул зарб этиш ҳуқуқи, ўз милицияси ва ҳарбий қўшинларига эга бўлади. «Тинч пайтда федерациянинг хорижий давлатлар билан чегараларини кўриқлаш учун» ўз қўшинларига эга бўлиш зарур. Уруш пайтда ташқи чегараларни кўриқлаш Русия жумҳурияти ҳукумати томонидан амалга оширилади ва бу ҳолда Туркистон федерацияси қўшинлари қўмонда муносабатларида бутунлай Русия жумҳурияти ҳукумати ихтиёрига ўтади».

Мулкчилик, ер ва сув масалаларида, бугунги кун нигоҳи билан қаралса, эътиборга лойиқ қарорлар қабул қилинди. Қурултой ер қўмиталари тузилишига салбий муносабат билдирди, «Туркистон ер ва сувлари умумхалқ мажлиси бошқарилувида, яъни Тур-

кистон халқларининг ўз ихтиёрида бўлиши лозим», дейилди.

Агар Туркистон мухториятининг маромномасига (яқинда журналда берилган) диққат билан разм солсангиз, юқоридаги қарорлардан ташқари, бу муҳим ҳужжатда ҳам бугунги кун учун катта аҳамиятга эга бўлган фикрлар борлигини кўрасиз:

— «Мухториятли ўлкалар дохийий масалалар (идорий, молиявий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлар(и)да мустақилдур».

— «Хуррияти виждон (виждон эркинлиги) том маъноси-ла ижро қилинуб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва тазийқ қилинмас».

— «Ҳар ким ўз фикрини, хаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқа воситалар ила нашр ва эълон қилмоққа ихтиёрлидур».

— «Жамъият ёки бир иттифоқ яса-

моқ учун ҳеч кимдан рухсат сўрамоққа эҳтиёж йўқдур».

— «Поспорт усули битирилуб, хоҳ мамлакат доҳилинда, хоҳ хорижинда ўлсун, ҳар ким хоҳлаган ерига ҳеч кимдан сўрамасдан кетмоққа ҳақлидир».

— «Фирқа барча солиғларни битируб ва барҳам беруб, фақат ер, сув ва тижорат даромадлари ва бошқа шаръий йўллардан солиғ пули олмак тарафдоридур».

— «Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи доҳилий (ички) ишларда ихтиёрий ва тадрисотда (дарс ўтишда) озод (мустақил) бўлурлар».

Маромномада келтирилган бу каби чинакам ҳалқчил руҳдаги фикрлар, ҳақиқий мустақил давлат барпо этиш ғоялари ҳали кўпчиликда фикр уйғотади, деган умиддаман. Шу боис кўп тўхталиб ўтмадик, энди яна воқеаларга қайтсак.

Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари И. В. Сталин ва Совнарком Раиси В. И. Ленин имзо чеккан икки ҳужжат эълон қилинди: «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» (1917 йил 15 ноябрь) ва «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномаси (3 декабрь). Биринчисида жумладан шундай сатрлар бор: «Халқ Комиссарлари Совети Россия миллатлари ҳақидаги масала бўйича ўз фаолиятига қуйидагиларни асос қилиб олишга қарор қилди... 2. Россия халқларининг ажралиб чиқиш ва мустақил давлат ташкил этишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи. 3. Барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чекланишларни ман этиш.» Иккинчисида, мурожаатномада шундай сўзлар ёзилганди: «Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва ҳеч қандай тўсиқсиз барпо этинг. Сиз бунга ҳақлисиз. Билинги, сизнинг ҳуқуқларингиз Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби инқилоб ва унинг органлари, ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун куч-қудрати билан қўриқланади».

Бугунги кунда айтилавериб, ёзилавериб сийқаси чиқиб кетган, бошқа томондан, шунча йиллардан буён амалга олмаган ва ошиши ҳам амри маҳолга ўхшаб кўринадиган бу сўзларни яна такрорлашга не ҳожат? Бунга алоҳида эътиборни тортишни-чи?

Ҳожати бор. Икки сабабга кўра. Биринчидан, Туркистон ўлкаси Советларининг 3-съезди томонидан сайланган (1917 йил 15—22 декабрь) ҳукумат В. И. Ленинга ва Петроград Совнаркомига юборган махсус телеграммасида «Сизнинг барча декретларингизни ҳаётга татбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани» ва шу муносабат билан «бизнинг тўлиқ қўллаб-қувватлашимизга таянишни сўрашини алоҳида таъкидлайди. Иккинчидан, бу ваъдалар амалда бажарилмади. Мазкур съезд сайлаган ҳукуматнинг чақирғида марказнинг юқорида айтилган икки ҳужжати ҳақида лом-мим дейил-

маган. Бу пайтда Туркистон мустақиллиги ифодаси бўлган мухторият ғояси оддий тушунчадан конкрет ишга айланган эди.

1917 йилнинг 12 ноябрида Тошкентда «Шўрои Уламо» раҳбари Шерали Лапин бошчилигида турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган маслаҳат йиғини (съезд) бўлиб ўтди. Кун тартибидеги масалалардан бири «Туркистонда ҳукумат тузиш ҳақида»ги масала эди. Уни кун тартибига киришининг сабаби бор. Бундан уч-тўрт кун аввал омма ўртасида катта таъсир кучига эга бўлган бу ташкилотнинг кўзга кўринган фаолларидан бири Шоаҳмедов Петрограддан қайтиб, мусулмонлар ўз мустақил давлатини тузиши мумкин, деган хабар келтирган. Қабул қилинган резолюцияда шундай дейилади: «Ҳокимиятнинг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари Совети қўлига ўтиши муносабати билан Туркистон ўлка мусулмонлари съезди Бутун Туркистоннинг 98 фоизини ташкил этувчи 10 миллион жон мусулмонлар Россия инқилоби ваъда этган озодлик, тенглик ва биродарлик асосида миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга деб топади». Бу кунларда ўз ҳукуматини туза бошлаган Туркистон ўлкаси Советларининг 3-съезди муносабат эса қуйидагича бўлди: «Ҳокимиятнинг маҳаллий аҳоли манфаатларидан узоқ ва тасодиқий бўлган кишилар — фақат ҳарбий, ишчи-деҳқонлар қўлида тўпланиши демократик принципларга тўғри келмайди ва маҳаллий аҳолини халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида турмуш кечиришга кафолат бера олмайди». Шунингдек, қуйидаги мулоҳазалар ҳам айтилди: «Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўллари ва уларнинг умум-башар тараққиётига эришувчи Қуръон ва шариятда кўрсатилганидан бошқача бўлиши мумкин эмас, шундай экан мусулмонлар инқилоб туфайли эришган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш йўлида Русияда мавжуд сиёсий партияларнинг бирортасига қўшила олмайди ва уларнинг сиёсий курашида қатнашолмайди».

«Шўрои Уламо» раҳбари Шерали Лапин Туркистон ўлкаси Советларининг 3-съездида нутқ сўзлаш имкони берилди. У ўз сўзида «Мусулмонлар рус инқилобининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги ваъдасига ишонди, лекин улар бунга Таъсис мажлисидан кутади», деди. У, шунингдек, «агар ўлкада фақат бир инқилобий демократия ҳукм сурар экан, мусулмонлар бу ҳол билан келишмайди», дея алоҳида таъкидлади. Советлар съездида яна шу нарса айтилдики, «мусулмонлар бутун ҳокимиятни талаб қилиши мумкин эди, бироқ келгинди унсурларга ён бериб, уларнинг вакилларини ҳукуматга киритади». Нотиқ огоҳлантирди: «Ҳукуматни бошқача ташкил этишда мусулмонлар қатнашмайди». Чунки «мусулмонлар йўли мустақил — у Қуръон ва шарият



қоидалари томонидан кўрсатилган, шу боис улар бирор бир рус сиёсий партияларига қўшилмайди, бироқ мамлакатни Таъсис мажлисига олиб борадиган барча халқ ташкилотларига суянувчи ҳукуматни қўллаб қувватлайди».

Лапин нутқини муҳокама этиш чоғида меньшевиклар ўлка Совети тартибига мусулмонлар съезди делегат қилиб йўллаган вакилларни киритишни таклиф этишди. Бироқ бу таклиф меньшевикларнинг сиёсий рақиблари томонидан бўлиб ўтаётган съезд тартибига ўз мавқеини кучайтириш сифатида баҳоланди ва йўққа чиқарилди. Ундан ташқари съезд резолюциясида очикдан-очик бундай дейилди: «Ҳозирги пайтда мусулмонларни ўлка олий инқилобий ҳукумати органига киритиш маҳаллий аҳолининг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари Советига муносабатининг буткул ноаниқлиги, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотларининг йўқлиги туфайли номатлубдир».

1917 йилнинг 26 ноябрида Қўқонда, собиқ хонлик пойтахтида, 50 минг кишилик аҳолиси, 382 масжиди, 40 мадрасаси, 6 минг нафар диний хизматчиси ва 11 банки бўлган бу шаҳарда машҳур 4-ўлка мусулмонлари Фавқулдда съезди иш бошлади. Ўлка почта-телеграф маҳкамаси хизматларининг чўзилиб кетган иш ташлаши туфайли съезда таклифномалар жойларга кеч етиб борди ва мўлжалланган муддатдан бир кунга кечиктирилди. 25 ноябрь кеч соат 7 да «Шўрои Исломия» ташкилотининг Қўқондаги қароргоҳида съездолди йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидеги масалалар орасида ўлканинг бошқарув шакли, Туркистоннинг «Қазак қўшинлари, тоғли Кавказ ва эркин саҳрои халқлар жануби-шарқий Иттифоқи»га кириши масаласи, Туркистон мусулмонлари Советини қайта сайлаш, жойлардан келган вакиллар маърузаларини тинглаш, Туркистон Таъсис мажлисини ўтказиш, милиция тузиш, молиявий ишлар ва бошқалар бор эди. Эрталаб соат 12 да съезд ташкилий бюроси ва ўлка мусулмонлар советининг аъзоси, Петербург дорилфунунни ҳуқуқшунослик шўъбасининг битирувчиси Мустафо Чўқаев съездни очик деб эълон қилди. Мандат комиссияси аъзоси Норбўтабеков съездга қатнашувчилар сони билан тиништирди: Фарғонадан — 151, Сирдарё вилоятидан — 22, Самарқанд вилоятидан — 21, Каспий ортидан — 7, Бухородан — 4 киши. Охир-оқибатда улар сони 203 нафарга етди. Делегатлардан ташқари «Шўрои Исломи», «Шўрои Уламо», мусул-

Давоми 6-бетда.

мон аскарлари кенгаши, ўлка яҳудийлари ташкилоти ва бухоро яҳудийлари вакиллари иштирок этди.

Мана, орада неча ўн йиллар ўтяти, ҳатто XX аср тугаб ҳам боряптики, менинг кўплаб тарихчи ҳамкасбларим ушбу съездга «миллатчилар йиғини» ёрлиғини ёпиштириб келишади. Аслида эса қандай? Менинг назаримда тўлиқ маънода бундай дейиш виждонсизлик, иккиюзламачилик, мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Ахир, демократик кайфиятдаги бир қатор миллий зиёлилар вакиллари съездда шундай фикрларни баён этдики, уларни тор дунёқарашли миллатчи сира айтолмаган бўлур эди. Жумладан улўф ўзбек маърифатпарвари Маҳмудхўжа Бехбудий съезд ҳайъатига номусулмон гуруҳлари вакилларидан ҳам киритилишини таклиф этди. Съезд ишида сиёсий фикрлар плюралиزمни яққол кўринди. Қўқонлик Маҳмудов шундай деди: «Ҳайъатга сайлов вилоятлар ва алоҳида диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдон, зўкко ва ишбилармонлигига кўра ўтказилиши керак». Музокаралардан сўнг 13 киши сайланди: М. Чўқаев, У. Хўжаев, Ю. Оғаев, Акаев, Гернфельд, А. Маҳмудов, Шоаҳмедов, Кишчинбоев, Камол қози, Абдул Бадин, Уразаев, Тиллаев, Каримбоев. Съезд 3 кун давом этди. Унда вақтли ҳукумат тузилиб, инженер М. Танишбоев бу ҳукуматга бош бўлди.

Съездда Туркистоннинг истиқболдаги сиёсий тузуми тузилиши тўлиқ ишлаб чиқилди. Жумладан 27 ноябрь куни ярим кечада — соат 24 да қабул қилинган резолюцияда шундай дейилади: «Съезд Туркистонда яшовчи миллатларнинг иродасини ифодалаб, Улуғ Русия инқилоби ваъда этган ўз тақдирини ўзи ҳал этиш негизига, Федератив демократик Русия жумҳурияти асоси узра, Туркистонни территория жиҳатдан мухторият шаклида белгилашни топширди». Шунингдек, «Туркистонда яшовчи миллий озчилик ҳуқуқлари ҳар томондан муҳофазат этилади».

28 ноябрда бўлажак давлат тузилмасининг номи «Туркистон Мухторияти» деб белгиланди. Туркистон Таъсис мажлиси қақирилгунча бутун ҳокимият Туркистон Вақтли Кенгаши ва Туркистон халқ бошқаруви (Кенгаши) қўлида бўлиши съезд томонидан маъқулланди. Вақтли Кенгаш аъзолари сони (32 киши) илгари Туркистондан Бутунрусия Таъсис мажлисига юборилган делегатлар сонига қараб белгиланди.

54 кишилик халқ бошқаруви Кенгаши таркибига шаҳар бошқарувлари съезддан 4 вакил киритилди. 54 ўриндан 18, яъни учдан бир ўрин ўлкадаги турли европалӣ миллатлар ташкилотлари вакилларига ажратилди. Улар, гарчи, барча аҳолининг 7 фоизини ташкил этса ҳам. Мухториятчиларнинг қанчалик демократик кайфиятдаги кишилар бўлганини улар таклиф этган сайлов системасидан ҳам



Мустафо ЧўҚАЕВ.

Мунаввар қори АБДУРАШИДХОН ўғли.



кўриш мумкин. У Туркистондаги ҳар бир йирик этник гуруҳнинг олий ҳукумат органида мутаносиблик принципи бўйича қатъий ўрин олиши асосида тузилди. Хусусан, «Туркистон Таъсис мажлисига Сайловлар» низомига мувофиқ, муслмон ва номусулмон, яъни икки курия бўлиши кўзда тутилди. Муслмонларга — учдан икки қисм, номусулмонларга учдан бир қисм ўрин ажратилди. Умуман эса 234 киши сайланиши мўлжалланди.

Жануби-шарқий иттифоққа кириш масаласи мураккаб масала эди. Съездда иштирок этаётган демократик кайфиятдаги зиёлилар казакларни собиқ чор ҳокимияти, подшоҳ режими рамзи сифатида яхши билишар, айниқса қозоқ ва қирғиз қабиалари вакиллари илгари казаклар амалга оширган ваҳиёна қирғинларни унутмаган эди. Бироқ узоқ давом этган баҳслардан сўнг бу иттифоққа ки-

ришга қарор қилинди. Бу ўринда стратегик манфаатлар умумийлигидан ташқари, иттифоқ вакилларининг «очарчилик пайтида ўлкага буғдой етказиб бериш, уни пахта, жун ва мануфактура ёки тайёр маҳсулот нархида айирбошлаш учун шартлашиш»ни таклиф этгани муҳим роль ўйнади. Бу, аҳолиси очарчиликка яқинлашган Туркистон учун зарур эди.

Съезд қабул қилган бу қарорнинг сиёсий аҳамияти регион сарҳадларидан ташқарига чиқди. Бу ҳол инглизларнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ёрдамига таянган Жануби-шарқий иттифоқ ва генерал А. М. Каледин мўлжаллаган ғайрисовет занжирининг яна бир ҳалқаси вужудга келди, деган сўз эди. Шу ойларида Совет ҳокимиятининг рақиблари ўз манфаатлари йўлида устумонлик билан иштутиб, региондаги муайян қатламларнинг ўз миллий давлатини яратиши йўлида мураккабликлар келтириб чиқарди.

«Улуғ Туркистон» рўзномаси 1917 йилнинг ноябрь ойидаёқ турли сиёсий партияларнинг мухториятчилар таърифдорларини сиёсий курашга жалб этишга уринаётганига эътиборни қаратиб, илгари мухторият ғоясига кескин қарши бўлган «Қурьер» ва «Туркестанское слово» рўзномалари ўз муносабатини тўсатдан ўзгартиргани, «ўз манфаатларини амалга ошириш учун муслмонларни совет ҳокимияти билан курашга жалб этаётгани»ни алоҳида қайд этган эди.

1917 йил 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар ҳам бу кузатишнинг тўғрилигини исботлайди. Туркистон Мухториятининг вақтли ҳукумати шу кунни муслмонларнинг Мавлуди шариф байрамини «мустақиллик ва ҳурриятни мустаҳкамлаш мақсадида миллий жамғарма учун умумхалқ хайр-эҳсони куни» деб белгилаш ҳақида қарор қилди. Ҳукумат раҳбарлари қўл қўйган мурожаатнома «Туркистоннинг барча фуқаролари — муслмон, рус, яҳудий, ишчи, аскар, деҳқонлар»га қаратилган қақирқиқ эди. «Ўлкада яшовчи барча қабила ва халқлар, шаҳар ва земство кенгашлари, сиёсий, жамоат, касаба ташкилотлари ва уюшмалар, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасаларни Туркистон халқ ҳокимияти атрофига жипслаштишга ва унга юкланган оғир вазифаларни ҳаётга татбиқ қилмоқ учун ёрдам беришга қақиради... Шундай вақт келдики, энди кишанлардан қутулган Туркистон ўз ерининг эгаси бўлади ва ўз тарихини ўзи яратади. Олдимизда турган вазифаларнинг жиддийлиги ва улўфворлигини англаб, ишимизнинг ҳақлигига чуқур ишонган ҳолда, биз бу меҳнатларимизга Оллоҳнинг раҳмати ёғилишини тилаймиз ва ишга киришамиз».

(Давоми келгуси сонда).

Марат ҲАСАНОВ,
УзССР ФА Тарих институтининг
бўлим мудир, тарих
фанлари номзоди.

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!
Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдур?
Нечук кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг,
ўғулларнинг оилаларининг шонли бе-
шиклари! Қани учқидининг юксак
ўринлари? Қуллик чуқурлариға недан
тушдинг?!

Дунёни «урҳо»лари билан титратган
йўлбарс юракли болаларининг қани?
Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ
ғавдали ўғлонларининг қани? Нечун то-
вушлари чиқмайдур?

Ер юзининг бир неча полвонлар бўл-
ган ботир туркларининг қани? Нечун че-
кидилар? Нечун кетдилар? Кураш
майдонларин ўзгаларга нечун қўйди-
лар? Нечун... нечун... нечун? Гапир

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлка-
си! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен
қурмадингми? Ҳиндустоннинг, Эрон-
нинг, Оврупонинг улуғ хоқонларини
сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчо-
ғи! Эй қахрамонлар тўғойи! Қани у
чақмоқ чопишли ботир хоқонларининг?
Қани аввал ўқ юрушли отли бекла-
рининг? Нечун «урҳо»лари эшитилмай-
дур?

Дунё халқини бўйсундирмаган сал-
танатларининг нечун бузулди? Инсонлик
оламини қанотлари остинда олган

хоқонлигининг нечун кучи ўлди? Кучинг-
ми кетди? Кимсасизми қолди?

Йўқ... Йўқ... Тангри ҳақи учун йўқ!..
Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз
эмассан! Бугун Ер юзида саксон мил-
лион болан бор. Буларнинг томирла-
ридаги қон Чингизларнинг, Темурлар-
нинг қонидур.

Буларнинг кучлари сенин кучинг-
дур!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!
Қайғурма! Эски давлатининг, эски салта-
натининг, эски йигитларининг, эски арслон-
ларининг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқол-
мамишдур.

Елғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишдур.

«Хуррият», 1917 йил 28 июль.

«МЕН СЕНИНГ УЧУН ТИРИЛДИМ, ВАТАНИ!»

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

(БИР ЎЗБЕК ЙИГИТИНИНГ ТИЛИДАН)

Етсам тушумда, уйғонсам ёнимда,
кўз юмсам миямда, кўз очсам қар-
шимда мунгли бир хаёл келиб тура-
дур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотун-
ки, эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва
эски бир кўйлақдан бошқа бир кийим
йўқ. Бош-оёғлари яланғоч, тирсақла-
ригача қоп-қора лойқадан ботган, ба-
қирурға товуши, қутилурға кучи қол-
маган!..

Қарайман: кимсасизлик юкидан
ориғланган танда, золимона урулган
қамчиларнинг яраси бор. Кўраман:
жоҳилона қилинган эмлардан носулға
қайтган яралариндан қонлар оқиб ту-
радур!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй
ғамли она, нечук мундан айрилмай-

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

(Темур олдинда)

Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим
синик, бўйим букук. Сенинги зиёратин-
га келдим, султоним! Эзилган бошим,
қисилган виждоним, куйган қоним, ўр-
танган жоним учун бу сағанангдан
даво излаб келдим, хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб,
ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз
ёшларини этакларинга тўкарга келдим.
Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўз-
бек кўзлари учун. Тупроғиндан сурма
олгани келдим. Номусини бад киши-
ларнинг оёғлари остинда кўруб турк-
лик қони қайнағай, мусулмонлик ҳа-
мияти тошгай, тумуғ оловлари каби
сачрагай. Лекин ўз кучсизлигини англаб
қайтиб ўтирган ва қон йиғлаган турк-
нинг ҳолини арз этарга келдим, хоқо-
ним!

Улуғ хоқоним! Турклик шарафи та-
ланди. Турк учун қўйдиғик давлат
битди, турк отиға қурдиғик хоқонлик
ёғмаға кетди. Туркнинг номуси, эъти-

сан? Енимда, кўзимда, миямда, юра-
гимда нима ахтарасан, нечук кетмай-
сан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз
қолган кўзларининг, у ёш ёмғурларин
нечун тўкадур? Зулм занжирлари
билан боғланган қўлларининг нечун ҳар
ёнга узатиладур, нима тилайсан?.. Оҳ..
Билдим... Билдим.. Англадим! Сен ме-
нинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли
хаёлисан.

Эй муқаддас Туронимнинг хаёли
кетмайтур, айрилма. Енимда, кўзла-
римда, юрагимда, виждонимда қол,
кетма. Юртим, Туроним сендан
айрилмоқ — менинги ўлимим. Сенинги
учун ўлмоқ — менинги тириклигим-
дур.

Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ед-
ларининг сени шу кунгами солдилар?
Тилагим, истагим, саодатим! Болала-
рининг сени шу ҳолдами қўйдилар?
Суюнчим, овунчоғим, ўчоғим! Золим-
лар сени кимсасизми кўрдилар?

бори, иъмони, виждони, золимлар-
нинг оёғлари остинда қолди. Туркнинг
юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлла-
рга тушди. Туркнинг белгуси, онги,
йўлови, зйрақлиги жаҳолат ўлжасига
кетди. Сенинги қиличнинг билан дунё
эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ
тополмай қолди. Сенинги кучини билан
дунё хўжаси бўлган турк қарлуқ те-
мурларига кирди.

Хоқоним! Туркликка хиёнат қилган-
лар турк бўлсалар ҳам қонларини
оқитмоқ сенинги муқаддас одатингдур,
ётма, тур! Сенинги омонатинга хиёнат
қилганларни эз, ур, ўлдур!

Султоним! Биламан, шу тобда
сенинги у юксак ва улуғ руҳониятининг
мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз
бир боласининг шу ҳолига ғазабли ку-
луб турибдур. Биламан, шу чоғда
сенинги тўлқунли денгизларга ўхшаган
юрагининг мен каби юраксиз бир ўғлинг
шу кўришингдан нафрат қиладур.
Чунки юқориди айтдиғим ишларнинг
ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барча-
сини ўзим қилдим, сенинги Туронингни
ўзим талатдим, сенинги туркингни ўзим
ездирдим, сенинги омонатларингга
хиёнат ўзим қилдим.

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана
мен, бутун борлигим билан сенга
кўмак қилурға ҳозир. Мана мен, чин
кўнгил билан сенинги йўлингга ўлурға
рози. Қоғ тоғлари йўлимда тушса.
Тамуғ оловлари қаршимда чиқса, яна
сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар
қўшини келса, оёғимга занжирлар
эмас, жаҳаннам илонлари сорилса,
яна сен сари чопарман. Дунёнинг бу-
тун балолари бошимга тўкилса, зулм
чўлинининг темир тиконлари кўзларим-
ға кирса, яна сени қутқараман.

Мен сенинги учун тирилдим, сенинги
учун яшарман, сенинги учун ўлурман.
Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!
Улим сенинги ўлимингни истаганларга,
нафрат сени кўмганга келганларга!

«Хуррият», 1917 йил 18 август.

Мен уч кунлик умримни тинчгина
ётиб ўтказмоқчи бўлмасам эдим, шу-
ларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен
қўлимга топширдиғини қиличини таш-
лаб, чолғуни олмасам эдим, Туроним
таланмас эди!..

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу
сағананга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқ-
ларимни (гуноҳларимни) иқрор этарга
келдим, хоқоним. Мени қўйма! Мен
ёлғиз ёзиқларимни иқрор этарга эмас,
Туронга бердиғим зарарларни тўла-
моқ учун келдим, хоқоним. Мендан
нафрат этма!

Эй арслонлар арслони! Меним
ёзуқларимдан ўт, меним қўлимни тут,
белимни боғла, муқаддас фотиҳангни
бер!

Сенинги дунёда сиғмаган ғайратингга
онт ичаманки, Туронинг эски шараф
ва улуғлигини қайтармасдан бурун оёқ-
дан ўтирмасман (тўхтамасман).

Абдурауф ФИТРАТ

«Хуррият» 1917 йил 31 октябрь.

Нашрга тайёрловчи
Самд Акбар АЪЗАМ ХОЖА

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Темурнинг ҳаётида муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган яна бир пири шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий эди. Тайобод Хуросонда Ҳарируд дарёси бўйидаги қишлоқ. Темур 1381 йили шу ерга келганида шайхни ўз ҳузурига келтиришни амр қилади. Лекин шайх амир элчиларига, агар мен Темурга керак бўлсам ўзи келсин, дейди. Темур бу шартни қабул этиб, унинг ҳузурига боради. Темурнинг айтишича, руҳонийлар ундан кўрқинсирар эдилар. Лекин бу гал Тайободий билан учрашганда Темурнинг ўзи ҳаяжонга тушади ва унинг олдида тиз чўқади. Шайх Темурнинг елкасига қўлини қўйганида унинг назарида осмон унинг устига тушгандек ва ўзини осмон билан ер орасида эзилгандек ҳис этган. Тайободий гарчанд Темур сафарларида унга ҳамроҳ бўлмаса ҳам, мактуб орқали маслаҳат бериб турган.

Шундай қилиб бу уч руҳоний Темурнинг асосий пирилари эди. Лекин у бошқа шайх ва дарвешларни ҳам ўзига яқин тутган. Шундайлардан бири Ҳазрат Убайдулло эди. Ҳазрат бир кун масжиддаги йиғинда «Темур — қонхўр турк, у кўп одамни қириб ташлади. Унинг шаънига дуо ўқиб бўлмайди» деб баралла айтди. Темурнинг айтишича, Ҳазрат Убайдулло шундан сўнг бир туш кўради. Тушида унга пайғамбар ва унинг ёнида ўтирган Темур кўринади. Убайдулло пайғамбарга уч марта таъзим қилиб, салом беради. Лекин пайғамбар унга қайрилиб қарамайди ҳам, саломига жавоб ҳам бермайди. Бундан қаттиқ ранжиган Убайдулло пайғамбарга алам узра айтди: «Эй расулулло! Мен сенинг шаръиятинг хизматчисиман. Темур эса кўп одамни қириб юборган қонхўр. Лекин сен унга қараб менга аҳамият ҳам бермайсан!» Пайғамбар Убайдуллонинг бу сўзларини эшитиб, унга эътироз билдириб айтди: «Ҳа, филҳақиқат, Темурнинг амри билан кўп одамлар ҳалок бўлди. Лекин у ўзининг бу гуноҳини менинг авлодларимга бўлган ҳурмат-эҳтироми билан ювди. Шунинг учун шубҳасиз, халқ бундай ҳокимни дуо қилиши шарт». «Пайғамбарнинг ўзидан бундай сўзларни эшитган Убайдулло уйғониб, югуриб менинг олдимга келди ва ранжитганлиги учун мендан кечирим сўради».

Шундан сўнг Ҳазрат Убайдулло ҳам Темурнинг пириларидан бирига айланади. Темур Мовароуннахрдаги пайғамбар авлодлари — сайидларни

кўчманчи ўзбекларнинг ҳуружидан ҳимоя қилгани ва Мозандарон сайидларини ҳам ўз ҳимоясида тутиб, Самарқандга олиб келгани ҳақида маълумот бор. Булардан бошқа ҳолларда ҳам Темур бошқа авлиё ва дарвешлар билан яқинлиги ҳақида кўп маълумотлар бор. Демак, Темур ўзининг дунёқароши, юриштириши ва маданияти билан В. В. Бартольд айтганларига зид ўлароқ, мўғуллар ҳамда дала ўзбеклари маданиятига бутунлай зид бўлиб, Мовароуннахр ва Хуросоннинг ўтроқ маданиятига яқин бўлган.

Энди Темурнинг ҳарбий юришлари ва у юртдан ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўхталиб ўтайлик. Узининг сиёсати ҳақида Темур «Тузуклари»да анча муфассал баён қилган. Лекин унинг «Таржиман ҳоли»да келтирган ўн икки ахлоқий сифатлар бу нуқтаназардан муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун биз бу ерда мазкур сифатларнинг таржимасини келтирамиз. Уйлаймизки, бу сифатлар Темурнинг ўз ҳаёт йўлида ва сиёсатида тутган дастурамалами ҳам эрур. У сифатлар қуйидагилардир:

1. Бундай сифатларнинг энг аввали деб мен беғаразлиқни ҳисобладим. Ҳаммага ҳам мен бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч кимни биридан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўямас эдим.

2. Мен ҳар доим дин ақидаларига қатъий риоя қилардим ва Тангри таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарардим.

3. Мен камбағалларга кўп ҳайру эҳсон қилдим; ҳар бир можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар яхши ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим.

4. Бутун ҳаракатимни умумий фойдага қаратдим. Бунда бировга бесабаб озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг амри бандалар учун вожибдир, деган маънодаги барча оятларни ўзимга фарз билиб, ўқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда уларга амал қилдим.

5. Диний масалалар билан боғлиқ ишларни мен кундалик ва дунёвий ишлардан доимо юқори қўйиб келдим. Фақат кишилар учун диний тарафдан худо амрига кўра керак бўлган нарсаларни бажариб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим.

6. Мен барча сўзларимда ҳақиқат-гўйликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳа-

қиқатни ёлғондан ажрата билдим. Жумладан, мен бир ҳикоятда эшитдимки, парвардигор таоло биринчи инсон — Одам Атони яратганида, малойиклар у яратган биринчи мавжудотидан норози бўлиб, Оллоҳ таолонинг бу иши яхшилиқка олиб келмайди деб қайғурганлар. Малойиклар худо яратган одам, шубҳасиз ўзи кабиларни алдайди, берган ваъдаларини бажармайди, уларни ўлдиради ва ўзининг разил қилмишлари билан Оллоҳни инсонни яратганидан афсуслантиради, деб парвардигорни ишонтирмоқчи бўлдилар. Оллоҳ таоло малойикларига жавоб бериб айтдики, инсон жаҳолат кўрсатишини аввалдан билиб, унинг чорасини кўриб қўйганлигини ва инсониятни яратиш билан улар орасидаги жинойткорларга керакли жазони берувчи қилишни ҳам юборишни назарда тутганлигини айтган.

Бу ҳикоятнинг маъносини яхшилаб ўйлаб ва мағзини чақиб кўрганимдан кейин парвардигор гуноҳлари учун жазо берувчи қилчи деб, ўзи яратган одамнинг ҳокимларини назарда тутган деб тушундим. Шунинг учун мен ҳар бир ишда адолат сақлашга ва тўғри йўл тутишга умр бўйи ҳаракат қилдим.

7. Мен ҳеч қачон бажаролмайдиган ваъдани бермаганман. Берган ваъдамни тўлиқ бажараётим, мен ҳеч бир кимсага ноҳақлик билан зиён етказмадим.

8. Мен ўзимни Оллоҳнинг ердаги энг биринчи итоаткор бандаси деб билдим ва унинг ёки пайғамбарининг амрисиз бирор ишга қўл урмадим. Парвардигорнинг амрисиз ерда яшайтган халқларнинг биронтасига зиён етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрият қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунингдек ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳам ҳаракат қилмадим. Мен ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим. Бу борада амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибрат бўлди: ўз фуқароларининг мол-мулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди.

9. Мен динга ҳар доим бирдек қарардим, Тангрининг амрини ва пайғамбар ҳадисларида айтганларини тўла адо этишга интилдим. Мен барча қилмишларимда шаръият йўсуларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбарни ва унинг маслақдошларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим.

10. Мен ислом байроғини баралла кўтардим ва имон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен имон билан қудрат

¹ Темур тузуқлари. Форс тилидан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. «Шарқ юлдузи» журнали. № 8. 1989, 131—179-бетлар.

(Давоми. Боши ўтган сонда)



бир онадан туғилган деб эшитганман. Шунинг учун мустаҳкам имонга таянган қудрат буюк бўладур.

11. Мен доимо сайидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишилар ҳар доим менинг мажлисимда иштирок этардилар. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини мен диққат билан тинглаб олардим ва аниқ бажарардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди. Мазкур шахсларга муносабатимда подшоҳ Қўстантиннинг воқеаси менга ибрат бўлди. Бу адолатли подшо бир кун лашкар йиғиб, Рай подшоҳи томон юриш қилган. Уз лашкари билан бунинг мамлакатига келаётиб, Қўстантин ноғоҳ Рай подшоҳининг мажлисида сайидлар, уламолар ва шайхлар ҳозир эканлиги ҳақида эшитади. Буни билганидан сўнг Қўстантин Рай салтанатини забт этишдан воз кечади ва лашкари билан тезда ортга қайтади. Ортга қайтганининг сабабини сарой аъёнлари ва лашкарбошиларига тушунтириб, Самовий деган доғишманднинг китобида подшолар мажлисида диний арбобларнинг ҳозир бўлиши муҳим нарса эканлигини уқтиради. Уша китобда айтилишича, агар подшонинг мажлисида диний арбоблар ҳозир бўлса, бу подшонинг ҳеч ким енголмайди дейилган. Қўстантин қайтаётиб, йўлдан Рай султониغا хат ёзиб, унинг подшолиги худди шаҳаншоҳларникидек эканлигини ва шу сабабли уни енгилшига ишонмаганидан у билан уришишдан воз кечганлигини айтган.

12. Мен ўзимнинг икромиятим ва раҳмдиллигим туфайли кишиларнинг энг паст табақаларининг ҳам, ҳатто гадоларининг ҳам раҳматига сазовор бўлдим. Мен бутун жаҳдим билан бу табақадаги кишиларнинг аҳволини осонлаштиришга ҳаракат қилдим. Му сулмонларга нисбатан олийжаноблик қилдим, ҳар қандай арзимас гуноҳ учун ҳам қаттиқ жазо беравермадим. Пайгамбар авлодларига ҳар доим катта ҳурмат билан қарардим.

Мен ёлғон сўйловчиларни тинглашдан бош тортдим. Эшитганманки, подшоҳларнинг шўхрати уларнинг ўз фуқароларига раҳмдиллигидадир. Қўрьонда ҳам айтилганки, подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшолар менга ибрат бўлди. Мен яна эшитганманки, агар парвардигор бирор кимсани улуглаган бўлиб, бу одам барча қилмишларида ҳақоният ва адолат билан иш тутиб ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади деб. Мабодо у подшо адолатсизлик ва шафқатсизлик йўлига оғадиган бўлса, тезда унинг қудрати ҳам синади.

Ана шунга кўра ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шаъмини ва иккинчи қўлимга

беғаразлик шаъмини олиб, бу икки шаъм билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондаларига рноя қилдим. Мен ўзимга шундай ғояларга амал қиладиган тўрт вазирни танладим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насириддин Маҳмуд ал-Дромий эрди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришни ва агар мен адолатсизлик қиладурган бўлсам, дарҳол мени тўхтатишни, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонсам ёки бегона кимсанинг мулкидан фойдаланадурган бўлсам дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим.

Мен яна эшитганманки, худо бирор кимсани улуглаш билан унга раҳмат ато қилган бўлади. Тангрининг бундай раҳматига эришган киши эса одил ва раҳмдил бўлиши керак. Мен салтанат тахтига ўтиришим билан шу қондаларга доимо амал қилдим ва бу сифатларни ўзлаштириб олдим.

Юқорида келтирилган парчага диққат билан разм солсак унинг яхшилаб таҳрир қилинганлигини кўрамиз. Ахир Амир Темурдек шахс таржиман ҳолини ёзади-ю, уни саройдаги кўп сонли адиб ва муаррихлар таҳрир қилмайдими. Лекин Де Клавихонинг «Қундалиқлар»ини диққат билан ўқиган киши бу ерда Темур айтганларига зид келувчи фикрларни учратмайди.

Темур болагидан ҳарбий ўйинларини яхши кўрарди. 16—18 ёшлигида қилчбозлик, найзбозлик ва айниқса ов билан астойдил қизиқади. 20 ёшида чавандозлик билан шугулланади. Бу даврга келиб у анча чиниққан йигит бўлиб етишади. Уз тенгқурларини икки гуруҳга бўлиб жанг машқларини бажаради. Кези келганда айтиш керакки, бўлажак рус саркардаси Суворов ҳам Темурдан 400 йил кейин ана шундай машқлар билан шугулланади.

Темур биринчи марта сиёсатга 22 ёшида аралашади. Шу ёшида у ўзининг собиқ мактабдош тенгқурлари билан аскар тўплаб амир Қазағонга қарши қўзғолон кўтаришга отланади. Лекин бу пайт онасининг вафоти ва яна бошқа бизга номаълум қолган сабаблар қўзғолоннинг олдини олган кўринади. Ҳар ҳолда қўзғолон бўлгани ҳақида хабар сақланмаган. Лекин ўша оралиқда Темур отаси Тарағай билан амир Қазағоннинг ҳузурда бўлади. Амир унинг ҳаракатларидан хабардор бўлса керак, Темурнинг қўлини боғлаб қўйиш мақсадида унга хотинликка ўз набирасини, яъни бўлажак амир Ҳусайннинг синглисини беради, соғға-саломлар тортиқ қилади. Темур амир Қазағоннинг ўша даврдаги аҳволи ва мавқеи ҳақида гурур билан бундай дейди: «У [амир Қазағон] айтарлик даражада қудратли ҳоким эмас эди, унинг қўлидан осонлик билан подшоликни тортиб олишим мумкин эди. Лекин менга қилинган

лутфу қарамга нисбатан кўрнамаклик қилмоқчи эмасдим». Афтидан амир Қазағон вақтинча мақсадига эришган кўринади. Темур амир Қазағонга неварга куёв бўлиши билан унга яқин ва ишончли одамлар даврасига қиради. Бу ишончдан Темур моҳирона фойдаланади, амир Қазағон ўлдирлишидан бир оз аввал унга уюштирилган фитнани Темур фош қилади ва Қазағон унга мукофот сифатида Шибирғон шаҳрини ишом қилади.

Темур ўз мақсадига қон тўкмасдан эришишда яна бир моҳирона сиёсат ишлатади. Амир Қазағон Хоразмни босиб олмоқчилигини ва бу ишни Темурга топширмоқчи эканлиги Темурнинг қўлоғига етади. Шунда у Қазағонга яқин бўлган амир Хусрав Баянқулини чақириб, унга Хоразмни босиб олиш мушкул эмас, бу ишни Қазағон ўз ўғли Абдуллога топширса яхши бўлади, зеро Абдуллонинг Хоразмни забт этиши ўз номига ҳам, отасининг номига ҳам шўхрат келтиради, дейди. Баянқулидан бу сўзларни эшитган Қазағонга бу фикр маъқул тушади ва Абдуллони Хоразмга юборади. Абдулло хоразмликлардан енгилгани ҳақида отасига мактуб йўллайди. Бундан газабланган Қазағон Темурга дарҳол Хоразмга юришга фармон беради. Темур хоразмликлар билан аввалдан келишиб олганидек, уларни урушсиз таслим бўлишга рози қилади. Бу ғалаба Қазағон Темурга Хоразм амирлигини ҳада қилади.

Амир Қазағон анча калтабин ва содда турк эди. Темур уни ўз куёви Тугдуқ Темурнинг ҳужум ва найрангларидан яна бир неча бор қутқаради. Лекин Қазағон ўзининг сиёсий калтабинлиги туфайли унга энг яқин бўлган амирлардан Хусрав Баянқулини ҳам ўзига душман қилиб қўяди. Бу киши эса Қазағоннинг ўғли Абдуллонинг қайнотаси эди. Темур бу сиёсий можаролардан усталлик билан фойдаланиб, амир Қазағондан Мовароуннаҳр амирлигига ваъсиятнома олади. Баянқули билан Туглуқ Темур тез орада Қазағонни ўлдириб, унинг ўрнига ўғли Абдуллони тахтга ўтқаздилар. Бир оз муддатдан сўнг Абдуллони ҳам ўлдирдилар ва тахтга Ясур Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ Уғлонни ўтқаздилар. Лекин расман Қазағондан кейин бутун Туркистоннинг амири Темур бўлди. Шунинг учун эди у ўз душманлари билан очиқ қурашга ўтади. Расмий жиҳатдан бу кураш амир Қазағон учун қасос олиш ва Мовароуннаҳрда тартиб ўрнатишдан иборат эди. Темур-

Давоми 15-бетда

БОБОКАЛОНЛАР ШАҲРИ

МАНГИТЛАР ҚАДИМГИ ЎЗБЕК ҚАБИЛАЛАРИДАН. Муаррихлар маълумотига қараганда, илгари мўғулларга қарши курашиб келишган. Мангит амирларидан бирининг ҳатто Жўжихонни ўлдиргани маълум. Кейинчалик эса, мўғулларнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми пайтида, мангитлар Чингизхонга ёлланиб, қўшинларининг ўнг қанотини ташкил қилишган.

Мангит амирларидан доврўқли Идику (рус солномаларида-Едигей) Ватанимиз тарихида сезиларли из қолдирган. Унинг фаолияти ҳақида кенгроқ ҳикоя қилиш зарур. У 1352 йилда туғилган бўлиб, Қоратов яқинидаги Қумкент қалъаси ҳокими, Олтин Урда хони Темурмаликнинг маҳрами Қутлу Қабо (бошқа манбаларда — Болтичоқ)нинг ўғли эди. 1377 йилда Идику Урусхоннинг набираси Темур Қутлуғ билан Жаҳонгир Амир Темур хизматида келади. Оқ ўрда хони Тўхтамиш Урусхоннинг ўғли Тўқтабийдан енгилгандан кейин у ҳам Амир Темур ҳузурига келади. Соҳибқирон уларни эҳтиром билан қутиб олади ва амир унвони билан тақдирлайди. Учала амир ўз уруғдошлари билан Амир Темур қўшинида хизмат қила бошлайди. Амир Темур ёрдами билан улар Оқ Урдада ҳокимиятни қўлга олиш учун курашади. Бироқ, Тўхтамиш Оқ Урда, сўнгра эса бутун Олтин Урдада ҳокимиятни қўлга киритгач, Идику билан Темур Қутлуғни тан олмай қўяди. Шунда улар яна Амир Темур ҳузурига келади. Амир Темур 1391 йилда Тўхтамишга қарши юриш қилади. Идику, Темур Қутлуғ ва Кунча ўғлон жаҳонгирга йўлбошловчи бўлади. Қундузча мавзеидаги жангда (ҳозирги Куйбешев вилоятида) Амир Темур қўшинлари улкан ғалабани қўлга киритади. Тегишли улушини олган мазкур амирлар Амир Темур қайтаётганда Дашти Қипчоқда қолишади. Идику Идил (Волга) ва Ейиқ (Урал) дарёлари оралиғидаги ерларда алоҳида хонлик ташкил қилади. У Нўғой хонлиги деб ҳам аталган.

1395 йилда Терек дарёси бўйида Тўхтамиш Амир Темур томонидан тор-мор келтирилгач, Идику дўсти Темур Қутлуғ ибни Темурхонга Олтин Урда тахтини эгаллашга ёрдам берди. Узи эса унинг амирлашари бўлди. Идику Тўхтамишга қарши узоқ муддат кураш олиб борди. Араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, улар ўн беш бор тўқнашишган. Ун олтинчисида Идику Олтин Урдани қўлга киритиб, Темур Қутлуғни хон деб тайинлайди. Хонлиқнинг асосий иш юритувчиси Идику эди. Унинг йигирмага яқин ўғли бўлиб, улар Олтин

Урдага қарашли кўпчилик вилоятларда ноиб эди.

Темур Қутлуғ 1400 йили вафот этгач, ўрнига унинг ўғли Шодибек ўлтирди. Тўхтамиш 1405 йили Утрорга Амир Темур ҳузурига ўз навкарларидан Қорахожани элчи сифатида жўнатиб, у билан Идикуни йўқотиш йўлида битим тузади. Буни эшитган Шодибек Идикудан қутулиш йўлларини излади. Шодибек билан қуролли тўқнашувда Идику ғолиб чиқди. Шодибек Дарбанд томон қочди. Амир Темур вафотидан кейин Идику Хоразмни босиб олди ва амир Анқони у ерда ноиб қилиб қолдирди. Шодибек вафотидан кейин унинг ўғли Пўлод султон замонидан Идику Литва ва Москва князлигига юриш қилади. У Москва князи Василий Дмитриевични Витовтга қарши гиж-гижлайди, унга ўз қўшини билан ёрдам беради. Витовт билан Москва буюк князи ўртасида уруш бошланиб, кўп қон тўкилади. Идику сўнгисини кучсизлантирмақ ниятида эди. Мақсадга эришади. 1409 йил декабрида эса иккинчи бор Василий Дмитриевич ҳузурига элчи юбориб, Пўлод султон Витовтга қарши юриш бошлади, деган хабарни етказди. Аслида эса Москва князлигига Идику бошчилигидаги қўшинлар бостириб киради. Москва ни қамал қилади. Олтин Урдадаги тартибсизликлар Идикуни шаҳарни олмасдан, йирик тоvon пули олиб қайтиш билан чекланишга мажбур қилади...

1419 йили Олтин Урда шахзодаларининг ўзаро тахт талашилари кучаяди. Идику уларнинг бу курашига аралашмоқчи бўлиб қўшини билан йўлга чиқади. Тўхтамиш ўғилларидан Каримберди ва Қодирберди лашкарлари уни тор-мор келтиришади, яраланган Идикуни Саройчиқ яқинида дарёдан чиқариб олишади. Бу ерга етиб келган Қодирберди навкарларига айтиб, уни чопиб ташлайди.

Муаррихлар ёзганидек, «шундай қилиб, улкан ирода, қудрат ва жасорат эгаси, шунингдек, тадбиркор ва маккор, Олтин Урдани сиёсий тадбирлар ва куч билан қайта тикламоқчи бўлган Идикунинг ҳаёти охирига етди». Рус солномаларида уни улкан давлат арбоби сифатида тилга олишади.

Ибн Арабшоҳ Идику сийратини қуйидагича таъриф этади: «Бўғдой-ранг, ўрта бўйли, миқти гавдали, важоҳатли, жасур, вале ақли ўткир, сакхий қалб, мулоим табассумли, ўта зийрак ва фаросатли, олим ва фозиллар ҳурматини жойига қўядиган, диёнатли ва фақир кишилар билан тез

тил топа оладиган, зукко ва аскиябоз...»

Идику вафотидан кейин Олтин Урда кучсизланиб, мустақил майда давлатларга бўлиниб кетди. Тўхтамиш авлодидан Улуғ Муҳаммад 1437 йили Қозонни босиб олиб, Қозон хонлигига асос солди. 1446 йили Ҳожи Гирай Қрим хонлигига асос солди. Бу хонлик Нурдавлат ва Менгли Гирайлар даврида гуллаб яшнади. 1475 йилда Қрим ва Қофани турклар босиб олди.

Дашти Қипчоқда Абулхайрхон (1429—1468) бошчилигида кўчманчи ўзбеклар давлати, Идилнинг қуйи оқимида 1450—1464 йилларда Аштархонийлар хонлиги ташкил топади. Идил ва Ейиқ дарёлари оралиғидаги Нўғой хонлиги гуллаб яшнади. Бу ерда Идику ўғиллари ҳукмдорлик қилар эди. Пойтахти Туман шаҳри бўлган улкан Сибирь хонлиги барпо бўлади. Идику авлодидан Илёс, Давлат Мирзо ва Сўқмабийлар бошчилигидаги мангитлар қабиласи Хоразмда яшар эди. Давлат Мирзо хоразмлик мангитларнинг меҳтари (улўғи) эди.

Шайбонийхон Мовароуннаҳрни забт этаётганда унинг қўшинлари қаторида мангит лашкарлари ҳам бўлган. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да ёзади:

Кўп эди монғкиту наймон асру,
Борча шойистайи эҳсон асру.
Ҳожи Ғози эди монғкит улўғи,
Монғкит эли аро ақду уруғи.
Тўрт минг ўзбек эди ушбу тарик,
Борча бир-бирига қардошу рафиқ.

Бу ерда номи зикр этилган Ҳожи Ғози, шунингдек Мусобек (Жонибек) Идику ўғиллари эди. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни забт этгандан кейин Давлат Мирзо ва унинг ўғли Қурбон Мирзо ўз мангит эли билан Миёнколга келиб ўрнашади, бу ердаги серҳосил ерларни сотиб олганларни ерли тўқ мангитлар дейишган.

Қурбон мирзонинг Хўжамберди ва Шайдуллабий деган ўғиллари бўлган. Хўжамбердининг авлодини бек жамъи, Шайдуллабийнинг авлодини бой жамъи деб атаганлар. Хўжамберди вафотидан кейин унинг ўғли Бекберди мангит ва кенагас қабилаларининг амираи деб тан олинган.

Шайбонийлардан Искандар султон ва Абдуллахон замонидан (1558—1595 йиллар) Бекбердининг ўғли Чобушбий катта обрў-эътиборга эга бўлган. Аштархонийлардан Надрмуҳаммад ва Абдулазиз даврида Чобушбийнинг ўғли Келдиёрбий амирул умаро эди. Унинг ўғли Худойқули Субхонқули-

Давоми 14-бетда



ИЛМОБОД

Мана, 70 йилдирки, ўлкамизда Шўро ҳокимияти даврида илк бор ташкил этилган дорилфунун туп қўйиб, палак ёзиб, олий таълим равнақида беқия аҳамият касб этиб келмоқда. Унинг бағридан нечача олий ўқув юртлари бамисоли қуш полапонларидек парвоз этиб, ўзлари ҳам бугунги кунга келиб йирик илм масканларига айланди. Дорилфунун жумҳуриятимизда 1943 йили барпо этилган Фанлар академияси учун ҳам, айтиш мумкинки, волидалик қилган.

Илм-фанимизнинг чинакам байрами бўлмиш қутлуғ санани нишонлаш арафасида ойномамиз муҳбири Хусниддин УМАРЗОДА дорилфунуннинг илмий ишлар бўйича ректор муовини, жумҳурият Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Тўрабек Нўмонович ДОЛИМОВ билан суҳбатлашди. Ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Тўрабек Нўмонович, аввало жумҳуриятимиз илмий жамоатчилиги Сизга юксак ишонч билдириб, Фанлар академиясининг муҳбир аъзоллигига сайлаганлиги билан кўп мингли муштарийлар номидан муборакбод этаман. Илм-фан қадимдан кишилар эътиборида бўлган. Пайгамбаримиз Муҳаммад аллайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар» дейилган. Дорилфунуннинг нуруний ёши ҳақида ўй сурар эканман, Сиз посбонларидан бири бўлган бу илм даргоҳининг илк даврлари беихтиёр кўз олдимга келади.

— Табрик учун ташаккур. Аввало, дорилфунуннинг ибтидоси Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларига бориб тақаллишни таъкидлаб ўтмоқчиман. Дарвоқе, 1917 йил ноябрда Тошкентда Туркистон Шўроларининг III ўлка қурултойида олий таълим бошламаси сифатида халқ дорилфунунни очиб ҳақида қарор қилинди. 1918 йил февралда таъсис этилган Олий таълим фидоқорлари жамияти ўз олдига дорилфунун ташкил қилиш масаласини қўйди. Таркибда муҳандислар, шифокорлар, муаллимлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар бўлган бу жамиятнинг саяёҳ ҳаракатлари натижасида ўша йил 21 апрелида Туркистон халқ дорилфунунни барпо этилди. Унинг эҳтимоли учун 2 миллион сўм ажратилди. А. Попов ректорлик қилган дорилфунун хайъатига В. И. Романовский, Р. Р. Шредер ва бошқа таниқли олимлар сайланди.

— Демак, Туркистон халқ дорилфунунини ўлкамиздаги биринчи олий ўқув юрти деса бўлар экан-да?

— Бу дорилфунунини том маънода олий ўқув юрти деб бўлмасди. Гап шундаки, у турли тоифадаги таълим ва оқартув муассасаларини уйғунлаштирувчи ўзига хос ўқув-маърифий муассасадагина иборат бўлган. Тўғри, унинг таркибда олий ўқув юртларидагидек ижтимоий-иқтисодий, табиий-риёзиёт, қишлоқ хўжалик, техник, адабий-фалсафий куллийётлар бўлиб, уларга, маълумот даражасидан қатъий назар, ҳамма қатнайверарди. Фикрининг далили сифатида шунини келтиришим жоизки, дастлаб дорилфунунга 1200 талаба қатнаган бўлса, кейинроқ олий ўқув юртида ўқишга ноқобиллигини тушуниб етган 600 дан зиёдроқ талаба дорилфунунини тарк этди.

Бундан ташқари, халқ дорилфунунини ўрта ҳунар билми юртлари даражасидаги электр монёрларни, ўрмон техникаларни, ер-сув қўмиталарни йўриқчиларни, автомобиль ишларни, темирйўл, чизмачилик, савдо, муаллимлик, мактабгача тарбия йўриқчиларни, чет тиллар, бичиш-тиқиш, косиблик ва бошқа курслар бўлган. Шунингдек, ўзбек тилида дарс олиб бориладиган 11 та умумтаълим ҳамда 2 та ҳунар мактаби ва рус тилида ўқитадиган 11 та бошланғич мактаб, 8 та болалар майдончалари ҳам шу халқ дорилфунунини таркибига кирган.

— Бу ўша кезларда малакали ўқитувчи ва ўқув ускуналарининг ниҳоятда танқислиги билан боғлиқ бўлгандир, балки?

— Шундай. Мазкур сабаблар туфайли Туркистонда олий таълимнинг вужудга келиши анча қийин кечди. В. И. Ленин муҳим давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, Тошкентда дорилфунун ташкил этишга алоҳида эътибор берди. Доҳий кўрсатмалари асосида РСФСР Маориф халқ комиссарлиги 1918 йил кузига Туркистон давлат дорилфунунининг махсус ташкилий қўмитасини барпо этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қўмита Тошкентдан ташқари Москвада ҳам қизғин иш олиб борди. 1919 йил кузига келиб марказий дорилфунун ва институтларнинг 60 дан зиёд профессор ва ўқитувчилари Туркистон давлат дорилфунунини ишлаш истагини билдиришди.

— Шубҳасиз, ўша вақтларда маҳаллий миллат вакиллариининг аксарияти олий ўқув юртларида бевосита ўқиб кетавериш тайёргарлигига ҳали эга эмас эди. Уларни дорилфунунда ўқишни кўн-гилдагидек олиб кетишлари учун муайян вақт тайёрлаш керак бўлган. Бунинг учун, маълумки, ишчилар куллийётлари ташкил этилган.

— Дарҳақиқат, бундай куллийётлар 1919 йил 11 сентябрда ташкил этила бошлаган ва уларга кенг кўламда маҳаллий миллат вакиллари жалб қилинган. Ишчилар куллийёти илк бор 1920 йил 11 февралдан иш бошлаб, унда 150 нафардан зиёдроқ киши шугулланган. Туркий тилда дарс олиб борилган ўзбек бўлимида маҳаллий мутахассислардан Бурҳон Ҳабиб, Усмон Хўжаев, Иброҳим Тоҳирий, Ҳодид Файзи, Аҳмад Файзи она тили, рус тили, физика, риёзиёт, табиётшунослик дарсларидан сабоқ беришган.

— Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон, деганларидек талабаларга билим бериш учун тегишли фан соҳалари бўйича китоблар, лаборатория ва кабинетлар зарурлиги аён.

— Ҳада ва сотиб олиш ҳисобига дорилфунун кутубхонасидаги китоблар тобора кўпая бориб, 1920 йили қарийб 50 минг жилдини ташкил этди. Янги-янги лаборатория ва фан хоналари ташкил этилди. Бу вақтга келиб 1970 талабага 90 га яқин муаллим сабоқ берди. Илмий тадқиқот ишлари ҳам жонланиб, турли илмий жамиятлар барпо бўлди. Бироқ малакали ўқитувчилар, ўқув ускуналари ва зарурий илмий адабиётлар ниҳоятда тақчил эди.

— Дорилфунун ташкил этилиши билан боғлиқ бир фильмда санитария поездида Москвадан профессор-ўқитувчилар, китоб ва асбоб-анжомлар келтирилганлиги ҳақида тасвирлар бор.

— Биз юқорида Туркистон давлат дорилфунунининг Москвада Ташкилий қўмита бошқармаси иш олиб борганлигини айтиб ўтган эдик. Бу бошқарма Тошкентга профессор-ўқитувчилар ҳамда ўқув ускуналари юборишдек муҳим масалани ҳал этишга киришди. Бунинг учун РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши фавқулодда тадбир сифатида 159-рақамли санитария поездини ажратди. Шундай қилиб 1920 йил февралда Москвадан Тошкентга ўқитувчилар ва уларнинг оилалари, анжомлар ортилган поезд йўлга чиқди. Йўл азобларини ортда қолдириб, бу поезд нақ икки ойда — 1920 йил 10 апрелда Тошкентга етиб келди. Уша йил август — октябрь ойларида яна тўртта поездда профессор-ўқитувчилар, асбоб-ускуна ва китоблар келтирилди. Марказдан келган илм-фан вакиллари орасида И. А. Райкова, Ю. М. Голубкова, А. И. Введенский ва А. С. Уклонский каби таниқли олимлар ҳам бор эдики, улар узоқ йиллар дорилфунунда ёшларга самарали сабоқ беришди.

Шундай қилиб, бағри тўлган дорилфунун 1920 йил кузида тўла-тўқис олий ўқув юрти сифатида ўз фаолиятини бошлади. Хуллас, РСФСР ва Туркистон жумҳурияти давлат, илмий ва жамоат ташкилотларининг улкан ташкилий ишлари натижаси ўлароқ дорилфунун қонуний расмийлашиш учун тўла ҳуқуққа эга бўлди. РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1920 йил 7 сентябрида В. И. Ленин раислигида бўлиб ўтган мажлисида Туркистон дорилфунуни ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, Халқ Комиссарлари Кенгаши Тошкентда давлат дорилфунуни таъсис этиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Ҳа, дорилфунуннинг шонли тарихи худди ана шу санадан бошланди.

— Дорилфунуннинг номи кейинчалик бир неча бор ўзгарганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Яна бир масала: ушбу дорилфунундан жами қанча илм даргоҳлари мустақил бўлиб ажралиб чиққан?

— Дарвоқе, Туркистон жумҳурияти Маориф халқ нозирлигининг 1924 йил 16 февралдаги қарорига мувофиқ бу илм маскани Урта Осиё давлат дорилфунуни, 1960 йил 20 апрелидан эса Тошкент давлат дорилфунуни деб аталадиган бўлди. 1954 йилда унга В. И. Ленин номи берилди. 1970 йил 4 сентябрда В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Дорилфунунимизни, таъбир жоиз бўлса, Урта Осиё жумҳуриятларидаги кўплаб олий ўқув юртларининг ва ўлка илм-фанининг онаси дейиш мумкин. Бўлиқ заминдаги азим чинор йил сайин шохлаб барқ урганидек, дорилфунун ҳам тобора қўлоқ отиб, ундан йил сайин кўплаб мустақил йирик олий ўқув юртлари ажралиб чиқди. Айниқса 20-йилларнинг охиридан дорилфунуннинг бир қанча қуллиётлари негизда ихтисослашган олий ўқув юртлари вужудга келиб, улар халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрлайдиган йирик марказларга айланди. Дорилфунунимиз ўзининг етмиш йиллик тарихи давомида Ўзбекистон ва Урта Осиёнинг бошқа жумҳуриятлари учун 120 тадан зиёд олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасаларининг вужудга келишига асос солди.

— Аини вақтда дорилфунуннинг ўзи ҳам тармоқ отганлиги шубҳасиз.

— Ҳозирги вақтда Тошкент давлат дорилфунуни мамлакатнинг 70 та етакчи олий ўқув юртлари жумласига кирди. Унда, математика, амалий математика ва механика, физика, химия,



Дорилфунун ректор муовини Тўрабек Долимов.

биология, тупроқшунослик, геология, география, тарих, ҳуқуқ, шарқшунослик, журналистика, роман-герман филологияси, рус филологияси, ўзбек филологияси, философия-иқтисод ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг фуқаролари учун тайёрлов қуллиёти, 145 та кафедра ишлаб турибди. Эндиликда дорилфунунда 2040 дан зиёд профессор-ўқитувчилар ёшларга билим беришяпти, шулардан 114 нафари фан доктори, профессор, 1134 нафари фан номзоди, доцентлардир. Бешта докторлик ва етти та номзодлик илмий даражаларини олиш учун ихтисослаштирилган кенгашлар самарали иш олиб бориб, жумҳуриятимизда юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашга салмоқли ҳиссасини қўшяпти. Утган етмиш йил мобайнида дорилфунун 17 мингга яқин малакали мутахассис етиштирди.


Дорилфунунда ўқув ишларини яхши йўлга қўйиш баробарида илмий тадқиқотлар қўламини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериб келиняпти. Хусусан, бу борада саккизта проблема ва учта тармоқ лабораториялари, ҳисоблаш маркази, ботаника боғи, гербарий ва илмий кутубхонанинг ҳиссаси катта. Бу ерда бир илмий тадқиқот институти, икки илмий марказ ва бўлим ишлаб турибди. Дорилфунун тарихи унинг ўз музейида тўлақонли ифодасини топган.

— Дорилфунун жумҳурият олий ўқув юртлари ичида отахони бўлганлигидан унда кўплаб илмий йўналиш ва мактаблар шаклланган бўлиши керак, албатта.

— Илм даргоҳимизда эҳтимоллар назарияси, сонлар назарияси ва математик статистика, топология, электроника, органик кимё ва ўсимлик моддалари кимёси, минералогия ва геохимия, чўкинди рудалар, гидрология, агроклиматология, экология, ўсимликлар эмбриологияси, фитогельминтология, Урта Осиё археологияси, шунингдек ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар, тилшунослик ҳамда адабиётшуносликнинг муҳим назарий муаммолари бўйича илмий йўналиш ва мактаблар мавжуд. Дорилфунунимизда 400 дан зиёд илмий ходим турли фан соҳаларида тадқиқотлар олиб бориб, табиёт, ижтимоий ва жамиятшунослик муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшишяпти. Илмий тадқиқотлар миқёси йил сайин ортиб бораётгани, бунда хўжалик шартномаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар 80 фоиздан зиёдни ташкил этади.

— Сўнги йилларда дорилфунун олимлари эришган илмий натижалар устида тўхталиб ўтсангиз.

— Марҳамат. Полимер материалларни майдалагич ускунасини яратиш усули ишлаб чиқилди, унинг дастлабки саноат нусхаси тайёрланди. Бундан ташқари, антигепарин, лагоден сингари бир қанча турдаги дори-дармонлар яратилди, ҳозирга қадар улар барча: клиник, завод синовларидан ўтди. Геологларимиз эришган салмоқли илмий натижалар жумласига Тяньшанда йирик манфий аномалия ошкор этилганлиги, сейсмик маълумотларни қайта ишлаш усуллариининг ишлаб чиқилганлиги ва Болгария ҳамда Юнонистонда қўлланаётганлиги, Хитой олимлари билан ҳамкорликда Урта Осиё геологик тараққётининг геодинамик таҳлили асосларининг яратилганлигини ҳам киритиш жоиздир. Шунингдек дорилфунун олимлари социологик марказ ҳамда миллатлараро муносабатларни ўрганиш марказини, гўшт-сут ва кўнчилик саноати чиқиндиларининг туташ системасини яратдиларки, сўнги система ҳозир Янгийўлдаги «Рассвет» шўро хўжалигида муваффақиятли қўлланыпти. Математик олимларимиздан икки кишининг асари АҚШда нашр этиляпти.



Биотехнология кафедрасида толиба Мукамбар Муслимова мустақил амалий иш олиб борапти.



Дорилфунун геология куллиётининг петрография кафедраси ходимлари Ш. Фаниева ва Ш. Толиповалар минерал ва жинсларни тадқиқ этишяпти.

Сураткаш Сергей ДАВИДОВ.

- Қанча Ленин стипендианти бор?
- Талабаларимиздан 16 нафари Ленин стипендианти, бундан ташқари, 90 нафар талаба эса бошқа машҳур шахслар номидаги стипендияни олишга муяссар бўлишяпти.
- Дорилфунуннинг хорижий мамлакатлар билан алоқаси хусусида нима дея оласиз?
- Хорижий мамлакатлардан айниқса АҚШ билан алоқаларимиз кенгайиб борапти. Бу мамлакатта талабаларимиздан икки кишини ўқишга юборяпмиз. Муаллимларимиздан бир неча киши Вашингтон дорилфунунинида профессор лавозимида ишлаб қайтишди. Дорилфунунимизда бир қанча америкалик талабалар таҳсил кўришяпти, улар асосан ўзбек тилини ўрганиш билан машғул. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 42 мамлакатидан 662 нафар хорижий талаба билим оляпти. ТошДУ — дорилфунунлар халқаро уюшмасининг аъзоси. У Скопле, Айн-Шам, Лахнава дорилфунунлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келади. Келгусида хорижий мамлакатлар билан борди-келди алоқаларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.
- Бу йил қанча талаба дорилфунунга қабул қилинди?
- 2000 нафар.
- Бир йилда кундузги таълимда қанча мутахассис битириб чиқади?
- 1600 — 1700 атрофида.
- Ниҳоят, сўнги савол...
- Чамаси, муаммолар ҳақида сўрамоқчисиз, шундайми!
- Шундай.

Давоми. Боши 3-бетда.

- Янгидан қуриладиган биноларнинг зилзилага бардош бериш даражасини ошириш учун лойиҳа ҳужжатларини махсус экспертзадан ўтказиб, қайта баҳолаш керак.
- Ўзбекистон зилзилаларининг минтақа хоссаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун биноларнинг зилзила кучи ўзгаришларини ўрганишга бағишланган заминдор, назарий ва тажрибавий тадқиқотлар соҳасида илмий муассасалараро алоқаларни кенгайтириш керак. Улар асосида жумҳуриятимизга мос алоҳида қурилиш маъромларини ишлаб чиқиш лозим. Бу ишларни бажариш учун жумҳуриятимизда сейсмологик тажриба ва компьютер асосларини ташкил этиш керак. Академик Муҳаммад Урозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлиги институти қошида ягона сейсמודинамика илмий-муҳандислик марказини ташкил қилиш вақти келди.
- Шахсий уй-жой қурилишларига ер ажратилган ол-

— Аввало, дорилфунун билан жумҳурият Фанлар академияси ўртасида илмий тадқиқот ва илмий ходимлар тайёрлаш юзасидан алоқани мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш зарур, ваҳоланки ҳозир бундай алоқа ниҳоятда суст. Аслида дорилфунун Фанлар академиясини илмий тадқиқот олиб боришга қодир ходимлар билан таъминловчи муҳим манба бўлиши керак. Тўғри, бундан олти йил муқаддам бу борада дорилфунун Фанлар академияси билан шартнома тузган эди. Лекин бу ҳужжат ҳозир фаолиятсиз. Бу соҳадаги ишларни босқичма-босқич, соҳалар бўйича олиб бориш керак. Масалан, дорилфунун амалий математика кафедраси билан академиянинг Кибернетика институти ўртасида ва ҳоказо тарзда ҳамкорлик иш олиб бориш керак. Мана, бу йил Фанлар академиясининг Убай Орифов номидаги Электроника институти ўз оталигидаги ўрта мактабда битириш имтиҳони олди. Юқори баҳоларга имтиҳон топширган бир қанча ёшлар дорилфунунга ҳеч бир кириш имтиҳонисиз қабул қилинди.

Жумҳуриятимиз олтинга бой ўлка бўлишига қарамай бу соҳа бўйича тадқиқот олиб борадиган биронта илмий текшириш институти йўқ, ваҳоланки Хитойда шундай махсус институт мавжуд. Ўлкамизда асосан сўғорма деҳқончилик қадимдан таркиб топганлигига қарамай сув муаммолари институти йўқ, бу ҳол дорилфунунда шу соҳада мутахассис тайёрлаш ишига катта салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, маблағлар фанга — бир модда, ўқитиш ишларига бошқа модда бўйича ажратилади. Бу ҳол, шубҳасиз, дорилфунун билан Фанлар академияси ўртасидаги алоқаларни мураккаблаштиради.

Илмий тадқиқотларнинг савияси ҳақида ўйлар эканман замонавий асбоб-анжомларнинг ниҳоятда тақчиллиги қалбимни ўртайди. Бу борада Оврупо мамлакатларидаги ҳаммасларга ҳавас қилса арзийди.

Илгарилари жумҳурият вилоятлари учун талаба қабул қилишда муаяян ўрин ажратиларди. Бу эса вилоятларнинг малакали мутахассисларга бўлган талабини маълум даражада қондириш имконини берар эди. Лекин эндиликда бу усул йўқ. Унинг ўрнига тайёрлов бўлими ташкил этилган. Уни муваффақиятли тугатганлар дорилфунунга талабалikka қабул қилинадилар.

Дорилфунуннинг ўз нашр-ёти йўқлиги олимларимиз олиб бораётган илмий тадқиқот натижаларини ўз вақтида нашр этишни қийинлаштириб, узоқ йилларга чўзиб юборяпти. Компьютерлаш ҳам жиддий муаммолардан саналади.

— Улуғ санани кенг кўламда нишонлашга тайёргарлик кўрилатётган шу дамларда дорилфунун профессор-ўқитувчиларига, талабаларига нималарни раво кўрган бўлардингиз?

— Шиддатнок замонамиз ҳар бир кишидан ўз билимини, дунёқарашини, қувван ҳофизасини мунтазам ошира боришни талаб қилади. Бу талаб айниқса профессор-ўқитувчилар учун долзарб аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ешларга билим беришга жумҳурият Фанлар академияси илмий тадқиқот институтиларининг етакчи, йирик олимларини жалб этиш зарур. Талабалар эса фан соҳаларини чуқур ўрганиб, хориждаги тенгдошлари билан илм-савияда бемалол беллаша оладиган бўлишларини истардим. Зеро ҳаёт бамисоли шундай бир улкан дарёки, унинг оқимиға монанд қулоч отмайдиганларни соҳилга улоқтириб юбориши ҳеч гап эмас.

— Муҳтарам Тўрабек Нўъмонович, шу улуғ айём кунлари Сизга ҳам улкан илмий заковат, ижодий фаолиятингизга баракот тилаймиз.

дин улар заминининг зилзилага чидамлилиқ даражасини аниқлаган ҳолда лойиҳаларини тайёрлаб бериш одат тусини олиши керак.

— Аҳоли ва раҳбар ходимлар ўртасида зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва сўнгра қандай тадбирлар кўриш тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш, махсус ўқув курслари ташкил этиш лозим.

— Зилзилага тайёргарчиликни ташкил этиш, қўтқариш ва тез ёрдам, вайронгарчиликни тугатиш каби тадбирларни ўтказувчи махсус хизмат ташкил этилиши керак.

Зилзила хавфини камайтириш бўйича қилинадиган барча ишлар, фикримизча, муҳим давлат аҳамиятига моликдир. Шунинг учун бу ишларни ташкил этиш ва тўғри йўналтириш борасида Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши аъзоси бошчилик қиладиган нуфузли давлат комиссияси иш олиб борса кўнгилдагидек бўларди.

хонининг амир лашкари ҳисобланган.

Хива хони Абдулғози [1603—1664 йиллар] Миёнкол шаҳарларига устмас-уст ҳужум қилавергач, манғит ва кенагас қабилалари бу ерларни тарк этиб, Шахрисабз воҳасининг шимолига келиб ўрнашади. Бу ерлардаги ёбу қабиласини эса аста-секин суриб чиқаради. Ёбулар ўз амирлари Тамғабий оталиқ ибни Кепакбий бошчилигида Миёнколнинг шарқий қисмига келиб ўрнашади.

Манғит сулоласи тарихчилари ёзишча, XVIII асрга келиб, Мовароуннаҳрда манғитлар 12000 уйликни ташкил қилган. Улар тўрт фирқа (гурӯх) ва бир неча уруғ бўлган. Масалан, тўқманғит фирқаси 300 уйлик. Булар бек жамъи 200 уйлик ва бой жамъи 100 уйликка бўлинган. Оқманғитлар 2000 уйликни, қораманғитлар 5000 уйликни ташкил этган. Манғитлар элининг яна қўзиқўчқор (350 уйлик), кўкалдар (300 уйлик), қорапир (50 уйлик), бовурдоқ (1000 уйлик), учуруғ (3000 уйлик) уруғлари маълум. Учурӯғ ўз навбатида эсарбой, кўлик ва бойғунди тоифаларига бўлинган.

Қораманғитлар тўққиз фирқа бўлган: чуқи, ўникки, кўса, бовурчи, кўла туғмоли, парча, қора, тоз (тос), бешкал. 5000 уйлик қурма уруғлари ҳам манғитлар қабиласи ҳисобига кирган ва тўқманғитларга хирож тўлаб келган. Қурама уруғлари юзга яқин фирқага бўлинган.

Аштархонийлардан Убайдуллахон [1702—1711] замонда манғитлар амира Худойқулибий ибни Келдиёрбий Шахрисабз вилоятига ҳокимлик қилган. Абулфайзхон [1711—1747 йиллар] даврида унинг ўрнини ўғли Худоеёрбий эгаллади. Кенагаслар манғитлар билан келишолмай Шахрисабз ҳокимлигига Иброҳимбий кенагаснинг тайинланишига эришганларидан кейин Худоеёрбий ўз яқинлари билан Бухорога кўчиб келди ва хонининг эътиборини қозониб, оталиқ унвонини олишга муваффақ бўлди. Лекин кенагаслар яна кучлилик қилишиб, Худоеёрбийнинг Нишопурга сургун қилинишига эришадилар. Худоеёрбийнинг ўғли Ҳаким қўрчи Иброҳимбий кенагас билан тил топишиб, отасининг Нишопурдан чақириб олинишига эришади. 1732 йилга келиб Ҳаким қўрчи додхоҳ ва оталиқ унвонларига эришади. Қарши вилоятига ҳоким этиб тайинлангандан кейин, у барча қабиладолларини Шахрисабз вилоятига тўплади. Ҳакимбий оталиқ 1745 йилда вафот этганда, ўрнига ўғли Муҳаммад Раҳимхон оталиқ этиб тайинланди. Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Урта Осиёга ҳужуми шу даврга тўғри келади. Унинг буйруғи билан 1745 йили Муҳаммад Раҳимхон оталиқ тайинланган эди. У Нодиршоҳ қолдирган ўн минг кишилик эрон қўшини ёрдамида осонгина Абулфайзхонни ўлдириб, ўрнига ўзи хон бўлди. Шундай қилиб, ҳокимият 1920 йилги Бухоро инқилобигача ман-

ғит ҳукмдорлари ихтиёрида бўлган.

Яна шу нарсани қайд этмоқ лозимки, манғит амирлари бошқа ўзбек қабилалари вакиллари билан қариндош тутинган. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Аштархонийлар сулоласининг сўнги вакили Абулфайзхоннинг қизига уйланган эди. Унинг беवासига кейин амир Шоҳмурод [1785—1800 йиллар] уйланган. Амир Ҳайдар [1800—1826 йиллар] Абулфайзхоннинг ўша қизидан туғилган эди. Амир Ҳайдар Жўйбор шайхларига куёв бўлди. Шунинг учун ҳам ундан кейинги манғит амирлари ўзларини сайидлар, яъни пайгамбар авлодидан ҳисоблашган.

ХУЛЛАС, МАНГИТЛАР 92 УЗБЕК ҚАБИЛАСИНИНГ БИРИДИР. Бу борада барча ўтмиш муаррихлари ҳамфикр. Чунончи, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон Исфаҳоний ўзининг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида шундай ёзади: «Ўзбеклар мансуб жамоанинг уч тоифаси Чингизхон улуси машҳурларидир. Бири кулли шайбонийлардирки, бир неча аجدод ўтиб, бугунги кунда ҳазрати (Шайбоний)хон улар хонидир. Иккинчиси қозоқ тоифасики, қудрати ва шижоати билан дунёга машҳурдир. Учинчиси, манғит жамоасики, Ҳожитархон подшолари шулардандир».

Бугунги кунда баъзи мавзелардаги манғит уруғлари, шунингдек, Самарқанд ва Бухорода аҳолининг маълум қисми тожик тилида сўзлашади. Бунга муҳим ижтимоий ва тарихий воқеалар сабабдир.

Убайдуллахон [1702—1711 йиллар] ва айниқса Абулфайзхон [1711—1747 йиллар] ҳукмронлиги даврида вилоят ҳукмдорларининг ўзаро низолари кучайиб, йил сайин ҳосил камайиши, шаҳар ҳунармандчилиги ва савдосининг тушкунлиги халқнинг қашшоқлашуви ва хонавайронлигига сабаб бўлди.

Хитой-қипчоқ, кенагас, еттиуруғ қабилалари Шахрисабз ҳокими Иброҳимбий кенагас бошчилигида Самарқандда мустақил хонликни ташкил қилди. 1721 йили улар Иброҳимбийнинг куёви, чингизнаход Ражабхонни хон деб эълон қилишди. Бир неча дафъа юз берган кучли ҳарбий тўқнашувлар натижасида Ражабхон мағлуб бўлди. Шунда Ражабхон Жунғорлар давлати томонидан тазйиқ қилинган қозоқ чўлларидаги кўчманчи қабилаларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди.

1723 йилда жунғорияликлар Қозоқ хонлигига ҳужум қилиб, ўтов ва молу йилқиларини, ёш йигиту қизларини қул қилиб олиб кетади. Халқ сарғардон кезарди. Уша қаро кунларни қозоқ халқи эслаганда «Ак табан шубрунди», яъни «оқ товон шилинди» дейишган. Ҳеч вақосиз қолган қозоқ бийлари қолган элдошлари билан Ражабхон таклифига жон-жон деб рози бўлишади. Улар мамнулик билан бутун Миёнкол воҳасининг серунум ерларига кўчиб ўтади. Улар «етти йил давомида деҳқонларнинг бор-йўғи-

Янги рубрика: ўтган кунингни унутма

ни чигирткадек едилар. Узлари билан очлик, қашшоқлик ва вайронгарчилик келтирди. Ҳикоя қилишларича, баъзилар ҳатто ит гўштини ейишга мажбур бўлиб, дарбадарликка юз тутди». [Муҳаммадамин ибн мулла Нурмуҳаммад. Мазҳар ул-аҳвол. 1743 йил]. Кўчиб келган халқ айни ҳосил йиғиштириш пайти босқинчилик уюштириб, деҳқонлар хирмонини таг-туғи билан олиб кетган. Айниқса Самарқанд ва Бухоро халқи кўп талафот кўрган. Кўчманчилар дастидан Самарқанд ва Бухоро халқи Кўлоб, Ҳисор, Балжувон томонларга кўчиб кетишга мажбур бўлган. 12 мингга яқин аҳоли Ҳиндистон сари кетиб қолган.

Абулфайзхон бўлса шу етти йил давомида Арқдан чиқмади. Қушбегиси Тошмуҳаммад қалмоққа айтиб, ўзининг етти нафар ўғлини ўлдиртирди. Давлат ишлари билан иши бўлмай, кайфу сафога берилди. Ражабхон бошлаб келган кўчманчилар Бухоро атрофларини талаётган бир пайтда у Ҳакимбек қушбегига ўз одамларидан юбориб, қобдо қушбеги Арқа яқинлашиб мабодо қозоқларга қарши курашиш нияти бўлса, Арқ наққоронасидан туриб тамошо қилмоқ орзусини айган. Шунда амирнинг жаҳли чиқиб, хондан қўлини ювиб қўлтиғига урган экан. Уша давр шоирларидан бири 1735 йилда шундай ёзган экан:

Ба соли ҳазору саду
чеҳелу ҳашт,
Ки шаҳри Самарқанд
гардид дашт.

Бажуз чўғз онжо
набуд одаме,
Ки шаҳри чўғз мегуфт:
«Ку ҳамдаме!»

[Таржимаси: Самарқанд шаҳри даштга айланди. Бойқушдан бўлак унда одам зоти қолмади. Бойўғлилар шоҳи «Қани ҳамдамим!» деб сайрагани сайраган.] Қиш чоғларида кўчманчилар Регистондаги дунёга машҳур мадрасаларда молларини сақлашган!

Ана шундай сиёсий тарқоқлик ва мамлакат харобалигидан Эрон шоҳи Нодиршоҳ усталик билан фойдаланди ва Марвадан туриб, Мовароуннаҳрни талаш билан шуғулланди. 1740 йилнинг 12 сентябрида Абулфайзхон Нодиршоҳ ҳузурига келиб, мамлакатни унга таслим қилди. Муҳаммад Ҳакимбий қушбегининг ўғли Муҳаммад Раҳимбийни Нодиршоҳ ўн минг кишилик қўшин билан гаров тариқасида ўз қўлида сақлади. Абулфайзхон ва Муҳаммад Ҳакимбий бошлиқ манғит амирларининг таслимчилик сиёсатиға қарши халқ норозилиги кучайди. Шу

жиҳатдан Ибодулла хитой бошчилигидаги халқ қўзғолони диққатга сазовордир.

Ибодулла хитой бошлиқ қўзғолончилар бутун Миёнколни қўлга киритиб, 12 минг кишилик қўшин билан 1745 йилнинг апрелида Бухорога ҳужум қилади. Улар катта ўлжа ва асирлар билан қайтишади. Самарқанд яқинида бўлган жангда Бухоро хони қўшинлари яна мағлуб бўлади. Кейин 20 минг кишилик хон қўшини билан Хатирчи яқинида тўрт кун жанг бўлди. Абулфайзхон сулҳ сўраб, бутун Миёнкол ва Самарқандни Ибодулла хитойга топширмоқчи бўлади. Бироқ битимга имзо чекмасдан, Нодиршоҳдан мадад сўрайди. Нодиршоҳ қўзғолонни бостирмоқ учун Муҳаммад Раҳимхонга мадад тариқасида Бехбудхон ва Ҳасанхон бошчилигида 50 минг кишилик қўшин жўнатади. Муҳаммад Раҳимхон 1745 йилнинг қишини қўзғолончиларга қарши қўшинларни тайёрлаш билан ўтказди. 1746 йилнинг 10 мартида катта қўшин билан Миёнкол томон юрди. Бу ҳашамларни эшитиб Ибодулла хитой ўз кўч-ўлани ва ўн минг кишилик қўзғолончилар лашкари билан Жиззах ва Зомин томон кетади. Муҳаммад Раҳимхон Миёнколни олгач, қолган хитой ва қипчоқ уруғларини қирғин қилди.

Муҳаммад Раҳимхондан кейин Бухоро тахтини эгаллагани Донмёлбий замонда (1758—1785 йиллар) Шоҳмурод ибни Донмёл Самарқанд вилоятига ҳокимлик қилди. Ургутлик муаррих Мулла Жумъақул Хумулий (1776—1855 йиллар) ўзининг «Тарихи амирони манғития» асарида бутунлай вайрона ҳолга келган Самарқанд қандай таъмир этилгани, шаҳарнинг кўпгина қисми қайта қурилгани ҳақида қимматли маълумотлар келтиради: «Жаноби Маъсумий ўз қўллари билан йигирма тўрт гузардан иборат йигир-

ма тўрт масжид тарҳини чекдилар ва иморат қилдилар... Қадим уч дарвоза ўрнида уч дарвозани очиб, дарвозан Қаландархона номи билан машҳур Дарвозан Ферузани, яна Дарвозан жаноби ҳазрати Шоҳи Зиндани, ва яна Дарвозан Пойи Қабоқни, шунингдек Дарвозан Сўзангаронни қайтадан қурдилар. Шаҳар марказида эса Чорсу қурилди...» Шоҳмурод Бухоро тахтига ўлтиргач, Самарқандга Марв ва Эроннинг бошқа шаҳарларидан 17 минг оилани кўчириб келтирди. Муҳаммад Раҳимхон замонда (1747—1758 йиллар) Бухоронинг ҳам вайрон бўлган маҳаллалари таъмир этилиб, девор билан ўраб чиқилади. Эрондан 20 минг оила кўчириб келтирилади. Манғит амирлари одатда эрон маликалари ёки зодагонлари қизларига уйланади. Баъзи тарихчилар Шоҳмуроднинг юқоридаги тадбирларини ипакчилик ила шуғулланадиган оилаларгина кўчириб келтирилгани билан изоҳлашади.

Самарқанду Бухоронинг — тарихан туркий бўлган бу икки шаҳарнинг аҳолиси бошига тушган беҳисоб фожеаларнинг бир лавҳасини муҳтарам муштарийларимиз эътиборига ҳавола этиш билан бирга, ўз тарихдан беҳабарликнинг қанчалик нотўғри мулоҳазаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

XVIII аср бошларида бўлиб ўтган феодал қабила бошлиқлари ўртасидаги низолар оқибати билан бошланган урушлар натижасида мазкур шаҳарлар аҳолиси жалойи ватан бўлди, қувғин этилди. Самарқандни қайта таъмир этган Шоҳмурод (лақаби амири Маъсум — гуноҳсиз, пок амир маъносидан) қайнотаси Абулфайзхонни юзхотир қилиб, Ражабхоннинг хон кўтарилишига йўл қўйгани таъзири учун самарқандликларни ўз шаҳрига қўймади. Натижада уларда кўпроқ эрони-

лар жойлашиб қолди. Бу эрон тилли халқлар ўзларини тожик дейишади. Айни пайтда илгари Самарқандда тожиклар яшамаган деган андешадан йироқлигимни алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистон ва Тожикистон жумҳуриятлари ташкил топмасдан олдин ҳам тожиклар билан туркий халқлар ўртасида фақат дўстона, биродарона муносабатлар давом этган. Маданиятимиз тарихида неки яратилган бўлса, бу халқ фарзандларининг ҳам ҳиссаси бор. Эт билан тирноқни ажратиш қанчалик мушкул бўлса, бу икки халқни ажратиш ҳам шунчалик қийин. Қадимги туркийзабон ва тожикзабон халқлар вакиллари томонидан яратиб келинган Ўрта Осиё маданиятини бугунги кунда «мениксеники» қилиш бир фарзандни икки онага бўлиб бермоқчи бўлган қозининг ҳаракатини эслатади. Бизга бундай «қозилар» керак эмас!

Менинг тожик зиёлиларидан ўнлаб ажойиб шарқшунос дўстларим бор. Улар фан ва маданият тарихи бўйича қандай ютуққа эришган бўлишса албатта ўзбек дўстлари билан баҳам кўради. Чунки уларнинг ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиз эканлигини яхши билишади. ЗуллISONАЙН [икки тилда ёзувчи] алломаларимиз [жаҳон фани тарихида салмоқли из қолдирган Фаробий, Замашарий, Аҳмад Фарғобий, Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Жомий ва Навоийларни назарда тутмоқдаман] бугунги даврга келиб «хотмалаш» бўлишлари мумкинлигини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Тожик Ғафур Ғулом ёки ўзбек Мирзо Турсунзодани иккига бўлиб бўладими! Йўқ, асло. Худди шу каби, ўз тарихидан хабардор одам ҳам бундай қилмайди.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди,
Низомий номидаги Тошкент
пединститутининг катта ўқитувчиси.

Боши 9-бетда

нинг таъсири орта бориб, Баян Салдурий ва Хожӣ Барлос исмли амирлар ўз аскарлари билан Темурга қўшиладилар. 1366 йилга келиб Темур бутун Мовароуннаҳрни забт этади ва шу йилнинг ўзида Хуросон тарафига интилиб, Балхни босиб олади. Шундан сўнг Темурнинг сиёсати халқаро тус олади.

Бу даврга келиб Темур халқаро миқёсда иккита жуда хавфли душман орттиради. Бирини Қазағоннинг катта ўғли, Хуросон ва Эроннинг амири Ҳусайн бўлиб, у ҳам Мовароуннаҳрга даъвогарлардан эди. Иккинчи душмани Мовароуннаҳр ва Жетенинг Чигатой ҳокимларидан бўлмиш Туглуқ Темурхон эди. Темур Мовароуннаҳрга амир бўлиши учун Қазағон васиятномасининг ўзи кифоя қилмасди. Бунинг учун бу ерларнинг расмий хони Туглуқ Темурнинг

ёрлиғи ҳам керак эди. Бу рақибларнинг иккиси ҳам Темурни ўзига тобе қилиш ва сиёсатдан четлатиш мақсадида бўлади. Лекин Темур уста сиёсатчи эканлигини яна исботлайди.

Бу ҳокимлар билан сиёсат олиб боришда Темур шундай бир тузукка амал қилдики, унга кўра Туглуқ Темурхондан бутун Мовароуннаҳр амири деган ёрлиқ олишга муяссар бўлади. Амир Ҳусайн билан эса бўри битимига амал қилади. Бошқача айтганда, кези келганда у билан олишади, дўппи тор келганда эса муроса қилади. Амир Ҳусайн 1366—1370 йиллар орасида Мовароуннаҳр ишларига ҳаддан ташқари кўп аралашаварар ва ўзини бу ерларнинг амиридек ҳис этарди. Лекин Темурнинг қўлида Қазағоннинг васиятномаси ҳамда Туглуқ Темурхоннинг ёрлиғи бўлганлиги, қолаверса, ҳарбий қудрати ва шўхрати сабабли Ҳусайн ундан ҳайиқарди. Темур Ҳусайннинг феъл-атворидаги салбий сифатларни таъкид-

лайди: ҳасад, хасислик, очкўзлик ва кибр. Ҳусайндаги мана шу «фазилат»ларни яхши билган Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бу ерни рақиблардан тозалашда фойдаланади.

Туглуқ Темурхон ўрнига хон бўлган иродали ўғли Илёс Хўжага қарши курашда ҳам Темур амир Ҳусайндан фойдаланади. Бироқ хотини Улҳой Турконоға (Ҳусайннинг синглиси) вафот этганидан сўнг [бу даврга келиб мамлакатда ҳам осойишталик деярли ўрнатилиб бўлган эди] ва натижада у билан қариндошлик алоқалари узилганидан кейин Темур унга қарши курашади, тез орада уни ҳалок қилади. 1370 йилга келиб Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ягона ҳокимига айланади.

[Давоми бор]

Ашраф Аҳмедов,
тарих фанлари доктори.

Ҷағли

Муҳанмад ҳализамбарлик ҳаёти, фаолияти ва кўрсатишлари ҳақида қалғилар

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС САЛОМ АЙТАДИЛАР:

Мен одамларнинг қалбларига ёриб кириш ёки уларнинг қоринларини ёриб кўриш учун буюрилмаганман.

Амирлик (подшоҳлик) нималигини сизларга айтсам, у биринчидан маломатга қолиш, иккинчидан пушаймонлик, учинчидан қиёмат кунндаги азобга қолиш. Одил подшоҳлар бундан мустасно.

Бирор нарсага муҳтожлик сезиб, уни сўраш жуда зарур бўлиб қолса, солиҳ, яхши одамлардан сўрангиз.

Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман.

Узинга назар қил. Сен қизил ёки қора танил одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан қўриқиб ва тақво билангина фазилатинг зиёда бўлиши мумкин.

Сизлардан олдинги ўтган қавмлар нима учун ҳалок қилинганлар! Чунки улар ҳурматли одамлар ўғрилиқ қилса кечирганлар, аммо заиф ва бечора ҳол одамни эса жазолаганлар.

Яхши одам билан ўтириш гўё мушқу анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабидир. Мушқу анбари бор кишидан ҳушбўй ҳид таралади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки ҳушбўй ҳиддан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин.

Мен лаънат айтишга эмас, балки раҳмат учун юборилгандирман.

Мен ҳам ҳазил-мутойиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман.

Тангри сенга берган неъматларини ўзинга ҳам сарфлагин!

Васият қиламанки, махфий ҳам ва ошқора ҳолда ҳам худодан қўриқ, агар ёмон иш қилиб қўйсанг, уни ювмиш учун яхши, савобли иш ҳам қилиб қўй. Бировдан ҳеч нарса сўрама, омонат тутма. Икки кишининг ўртасида ҳукм чиқарма.

Сизларга ибодатнинг енгилроғи ва бажарилиши ҳам осонроғидан хабар берсам, у хомушлик ва хушхулқликдир.

Қиёмат кунини кимга дўзах ўти ҳаром бў-

лишини айттайми!! У ювмиш, мулойим, яхши муомалали, бир гапга осон келишадиган одамдир.

Қилиб қўйиб, сўнг узр сўраладиган ишдан сақлан, э аёл!

Савдо-сотикда кўп қасам ичишдан сақланинглари. Зеро у олдин кўпайтириб, сўнг барбод қилади.

Ҳинда ҳаддан ташқари гулув кетманглари. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари гулув кетманглари сабабли ҳалок бўлганлар.

Бу икки бадбўй ўсимликни (саримсоқ ва том пиёз) еб масжидга киришдан сақланинглари. Мабодо есанглари яхши пишириб, сўнг енглари!

Кимнинг қалбига Тангри инсониятга нисбатан раҳму шафқат ато этмаган бўлса, у энг зиёнкор бандадир.

Кимки шошилмай сабру қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади ёки шунга яқин бўлади. Шошилган одамнинг иши хато чиқади ёки шунга яқин бўлади.

Ғуноҳига пушаймон бўлиш ҳам тавба ҳукмидадир.

Э одамлар, Тангридан қўрқинглари, ризқларингизни яхши йўл билан топиб ейишга ҳаракат қилинглари. Ҳеч бир инсон ўз ризқу насибасини еб тугатмагунча оламдан ўтмайди. Эртами, кечми, бари бир унга ўз улуши келади. Шунинг учун тирикчиликни яхши йўлга қўйиб, ҳалолни олинглари, ҳаромини қўйинглари.

Судхўрликда фойда олувчи билан уни берувчининг ғуноҳлари баробардир.

Қайси бир аёлнинг учта фарзанди ёшлиғида оламдан ўтса, улар қиёмат кунини унга дўзахни тўсиб турувчи парда бўлади.

Мақбара ва ҳаммомдан бошқа ер юзининг ҳаммаси намоз учун яроқлидир.

Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг. Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг. Савол сўраш одобларини билиш илмнинг ярмига баробар.

Исломи, яъни мусулмончилик ошқора нарсадир, имон эса дилдадир.

1 Яъни чуқур кетманглари.

Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар.

Сабр ва бардош Тангридан, шошқалоқлик эса шайтондандир.

Имон билан амал бир-бирига жуда яқиндир. Улар бир-бирисиз дуруст эмас.

Бармоқ билан кўрсатиладиган даражада шуҳратга эга бўлиш — ёмондир. Аммо Тангри уни такаббурликдан сақласа зарари йўқдир.

Уйига меҳмон қўнмайдиганлар ёмон одамлардир.

Яхшилик — эскирмайди, ғуноҳ — унутилмайди, жазоловчи (Тангри) эса ўлмайди. Хоҳлаган ишни қил, диёнатинг қандай бўлса, жазонинг ҳам шундай бўлади.

Фаровонлик вақтларингда Тангрини таниб унга илтижо қилиб юр, токи қийинчилик вақтингда У ҳам сени танисин.

Вазминлик, тежамкорлик, бамаъни хомушлик пайгамбарлик (сифати)нинг йигирма тўртдан бир бўлагидир.

Ростгўй, ишончли савдогар пайгамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлу.

Қўрқоқ савдогар бойликдан маҳрум, қўрқмас савдогар омадлидир.

Уч хил сифат бордирки, ким уларни Тангрига ишончли ҳолда ва савоб умидида қилса, Тангри унга ёрдам бериши ва барака ато этиши ҳақдир: 1. Қўлни озодликка чиқаришга ҳаракат қилса. 2. Уша умидда оила кўрса. 3. Қўриқ ерини ўзлаштира.

Ҳаммомда ашула айтиш, ҳазил-мутойиба қилиш ва куй қилиб ҳуштак чалиш одобсизлик ҳисобланади.

Уч хил нарсага қасамёд қиламан:

1. Садақа қилган билан банданинг моли камайиб қолмайди.

2. Қайси бир банданинг молига зулм билан хиёнат қилинса-ю, у унга сабр айласа, албатта Тангри унинг иззат ва шарофини зиёда этади.

3. Қайси бир банда тиламчилик эшигини

очиб кўйса, Тангри унга фақирлик эшигини очиб кўяди.

Сизларга бир ҳадисни айтаман, сизлар уни ёдда тутинглар!

Дунё тўрт тоифа одамлар учун яратилгандир:

1. Ҳар кимга Тангри ҳам бойлик, ҳам илм ато қилган бўлса, у шу бойлигидан фақат ўзигина фойдаланмай, балки қавм-қариндошларига ҳам иноят қилиб турса ва илми сабабли Тангрининг ҳаққини ҳам адо этса, бу мартабаларнинг энг афзалидир.

2. Кимгаки фақатгина илм берилиб, бойлик ато қилинмаган бўлса: «Меңда ҳам давлат бўлганда эди, фалончи каби ишлар қилур эдим», — деб соф ният билан айтса, у шу нияти билан сахий бойнинг савобига эга бўлур.

3. Агарда кимгаки молу дунё берилиб, илм ато қилинмаган бўлса, қавм-қариндошларига муруватда бўлмай, Тангрининг ҳаққини ҳам адо этмаган бўлса, бу мартабаларнинг энг ёмонидир.

4. Кимгаки илм ҳам, молу дунё ҳам насиб этмаган бўлса, у: «Молим ва илмим бўлганда эди, мен ҳам фалончилар каби яхши амалда бўлур эдим», деса бу нияти ила улар билан савоблари баробар бўлади.

Уч хил кишилар борки, уларнинг обрўсини тўкиб ҳақоратлаш мумкин:

1. Фисқ-фасод ишларни ошқора қилувчи одамни.

2. Золим подшоҳни.

3. Бидъат-хурофот ишлар қилувчи одамни.

Уч хил киши бордирки, Тангри қиёмат кунин уларга раҳмат назари билан боқмайди:

1. Ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган киши.

2. Узини [кийим ва пардозда] эркакларга ўхшатиб олган аёл.

3. Уз хотинига рашк қилмайдиган эр.

Молу дунёнингдан учдан бирини садақа қилишинг мумкин, лекин шу ҳам кўп. Меросхўрларнинг одамларга муҳтож қилиб камбағал ҳолда қолдириб ўтганидан кўра, бой ҳолда қолдириб кетганинг яхшидир. Шунин билан кўйиб, Тангрининг ризолиги йўлида ҳар бир қилган нафақанг учун, ҳатто хотининг оғзига солиб кўйган луқма учун ҳам ажр олурсан.

Катта ёшдагилар билан сўхбатда бўлинглар, уламолардан масалалар суранглар ва ҳукамолар билан аралашиб туринглар.

Бола-чақа кўп бўлиб, моддий маблағнинг оз бўлиши катта баҳодир.

Ер юзида битта жинойатга берилган жазо Ер аҳли учун қирқ кун ёмғир ёққанидан афзалдир.

Яхши гумон қилиш ҳам яхши ибодат қилиш билан баробардир.

Хизматчиларга яхши муомалада бўлиш — баракадир, ахлоқсизлик шумликдир, аёл кишига итоат қилмоқлик — надо-

матдир. Садақа эса балони қайтарувчидир. Ҳисобга олиш аини эҳтиёткорликдир.

Мўминларнинг бир-бирларида олтига ҳақлар бор: салом бериш, чақирса бериш, маслаҳат сўраса бериш, аксирса жавоб айтиш, касал бўлса бориб кўриш, ўлса бориб дафнида қатнашиш.

Тангрининг ҳар бир мўминдаги ҳақи етти кунда бир марта бутун аъзосини ювиб гусл қилишидир.

Ҳар бир мўминнинг зиммасида учта ҳақ бордир: 1. Мисвок [тиш тозаллагич] тутуш, 2. Жума кунлари гусл қилиш. 3. Аёлнинг хушбўй нарсаларидан олиб ўзига сепиб туриш.

Сизлардан олдин ўтган бир одам ҳисоб-китоб қилинди. Қаралса, номайи аъмолида бирорта савобли ишн йўқ экан. Лекин ўзи бой бўлиб, камбағаллар зиммасидаги ҳаққини кечиб юрар экан. Шунинг учун Тангри ҳам: «Кечинга мен лойикроқман» деб унинг гуноҳларини кечириб юборган экан.

Имкониятларинг ва тоқатларингга яраша ибодат қилинлар. Сизлар чарчайсизлар, лекин Тангри зинҳор чарчамайди.

Мўмин кишида кўйидаги икки ҳислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.

Беш хил зарарли жониворларни ўлдириш мумкин: илон, ола қарға, сичқон, қопагон ит, калхат.

Беш хил гуноҳ кечирилмайди: 1. Тангрига ширк келтириш. 2. Ноҳақ қон тўкиш, 3. Мўминларга нисбатан бўҳтон уюштириш. 4. Жангдан қочиш. 5. Қасам ичиб бировнинг ҳаққини ноҳақ ўзлаштириш.

Сизларнинг яхшиларингиз — ҳушхулқ ширин сўхбатиларингиздир. Ёмонларингиз эса оғзини тўлдириб, эзмалик ила кўп гапирувчиларингиздир.

Садақанинг яхшиси — уни қилгандан кейин ҳам яна ўзида қоладиганидир. Пастдаги [олувчи] қўлдан юқоридаги [берувчи] қўл яхшидир. Садақани ўз оилангдан бошла.

Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади.

Одамларнинг яхшиси — одамларга фойдалироғидир.

Никоҳнинг яхшиси — унинг маҳри енгилроқ бўлганидир.

Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳли аёллари фақат ёмон одамларгина хору зор қилур.

Сизларнинг яхшиларингиз — дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга малоллик туширмайдиганларингиздир.

Ҳазинадаги нарсани буюрилган жойига розилик билан тўлиқ ҳолда берадиган ишончли, мўмин хазиначи ўз ёнидан садақа қилган одам билан баробардир.

Таржимонлар:

Абдулазиз МАНСУРОВ,
Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ПАРҲЕЗДАГИ ЮҲОЛАР

Илонлар ғалати бир парҳезга амал қилишади. Бошқача айтадиган бўлсак, — деб ёзади «Смитосанион» илмий-оммабоп ойномаси, — улар овқатланишда қатъий қоидага риоя этишади.

Шундай илонлар борки, фақат шилликқуртни ейди, айримлари учун чаён, бошқалари учун эса қурбақа увилдиригидан мазали луқма йўқ. Булар қаторига қушхўрлар ва балиқхўрларни ҳам киритиш мумкин.

Илон оғзини катта очиб ўз танасидан йўғон ўлжаларни ҳам бемалол юта олади. Илонлар оғзида нафас олишга ёрдам берадиган махсус пайлар бўлмаганида эди улар шубҳасиз бўғилиб ўларди. Чунки ўлжани ютишга ҳам айнан шу пайлар ёрдам беради. Боа, анақонда каби илонлар эса ёввойи чўчка каби йирик ҳайвонларни бемалол юта олади. Ҳатто баъзан қоплон ҳам бўғма илонларга ўлжа тушган.

Илон ўзига хос айёр жонивор. Масалан, уларнинг калтакесак овлайдиган турини олайлик. Калтакесак хавфдан ҳоли бўлиш учун дарахт шохининг энг учда ёки барглари устида тунайдди. Хавф-хатар сезиши биланоқ ўзини ерга ташлайди. Аммо илонлар бу борада калтакесаклардан ҳам маккорроқ. Улар калтакесакни пайқаган заҳоти унга сездирмаган ҳолда ёнма-ён ўсган бошқа шохдан яқинлашиб келиб бирдан ташланади.

Илон ўз танасининг ярмини эгмасдан муаллақ тутиб тура олади, бу эса бамайлихотир турган ўлжани ушлаш учун ниҳоятда мақбул. Маълумки, илонларнинг асосий қуроли заҳардир. Заҳарнинг таъсир кучи эса турлича бўлади. Бир хил заҳар асаб томирларини ишдан чиқарса, бошқаси қон ивишини тўхтатиб кўяди, қизил ва оқ қон таначаларини бузади.

Ўз қурбонининг мурдасини тезда чиритиб юборадиган заҳарлар ҳам бор. Кўпгина денгиз илонлари шундай кучли заҳарга эгаки, унинг 1 граммми 500 кишини ўлдириши мумкин ва бир неча сониядаёқ балиқни ҳалок этади.

Лекин илон заҳари ҳамма жонзотларга ҳам бир хилда таъсир этавермайди. Масалан, баъзи хил илон турлари билан ёнма-ён яшовчи қопчиқли каламушлар илон заҳарини писанд қилмайди. Синов мақсадида улар танасига инсонни 60 марта ўлдиришга етадиган миқдордаги қора илон заҳари юборилган. Натижа қандай бўлди денг? Каламушларнинг қон босими салгина ошди, холос. Ваҳоланки, худди шу каламушлар яқин атрофда яшамайдиган кобралар чақишидан шу заҳотидеқ тил тортмай ўлади.

Одатда, илонларни ёқимсиз ва қўрқинчли кўриниши туфайли хуш кўришмайди. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, биз ҳечам улар учун ов ўлжаси эмасмиз.

НИЯТЛАРИ ҚАЛБИДЕК ПОК ЭДИ

Нуриддин МУҲИДДИНОВ

Ўзбекистонда илм-фан, маълум маънода, 50-йиллардан кейин гуркираб ривожлана бошлади. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлганлиги шубҳасиз. Жумладан, Улуғ Ватан уруши айна қизиб турган бир пайтда — 1943 йили Ўзбекистонда Фанлар академияси барпо этилди. Қолаверса, мамлакатимизнинг Европа қисмидан — Москва, Ленинград, Украинадан бир қатор йирик илмий тадқиқот институтлари вақтинча республикамизга кўчирил-

ганди. Шу йиллари Ватанимиз фаннинг йирик намоёндалари С. В. Бахрушин, Е. Э. Бертельс, Б. Д. Греков, М. П. Костенко, А. А. Михайлов, Н. К. Пиксанов, В. В. Струве, М. А. Шателен, В. Ф. Шишмарёв, А. Ю. Якубовский ва яна бир қатор атоқли олимлар Ўзбекистонга келишган эди. Бу даврга келиб ўзбек олимлари орасидан йирик сиймолар етишиб чиқди. Мана шу омиллар, асосан, республикамизда фаннинг кўпгина

тармоқларининг вужудга келишида замин ҳозирлади. Қуйида республикамизда фан ва маданиятнинг ривожланишида жонбозлик кўрсатган ва кўпгина улкан воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Нуриддин Акрамович Муҳиддинов хотираларидан 1988 йилда ёзилган бир лавҳани эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

Узоқ йиллар Ватанингдан йироқда яшаганингдан кейин она шаҳринг кўзинга бошқача кўринади. Тўғри, Тошкент ниҳоятда ўзгарган, лекин у қандай қиёфага кирмасин, унинг тарихий жойлари, маҳаллалари, тепаларининг кўҳна номлари шаҳарнинг илгариги қиёфасини эслатиб туради. Шаҳарни айланар эканмиз, кўп воқеалар ёдга тушади, қанчадан-қанча одамлар кўз олдимиздан бирма-бир ўтаверади.

Ҳозир республика Фанлар академияси жойлашган бинода узоқ йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлаган эди. Қизиқ, шу бинода республикамиз фанининг равнақи, келажаги тўғрисида қанчадан-қанча баҳс юритганмиз, бир қатор қарорлар қабул қилганмиз. Эндиликда, айна шу бинода Академиямиз бош штаби жойлашганлигида қандайдир рамзий маъно бордек, демак ўша ва кейинчалик қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши анча осон кўчаркан-да, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Дарҳақиқат, қайси давлат мамлакат илм-фани ривожига раҳнамолик қилмас экан, аҳли дониш маслаҳатига қулоқ солмас экан, унинг таназулга юз тутиши муқаррар. Бунга тарих шоҳид.

Беихтиёр хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади. Яхши хотирамда, 50-йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий тадқиқот натижаларини халқ хўжалигига жорий этиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинган. Қолаверса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика Фанлар академияси илмий муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва бу соҳада амалий ёрдам кўрсатишни сўраб СССР ФА Президиумига мурожаат қилган эди.

Бу илтимос тезда қондирилди ва Тошкентга академик Н. М. Тихомиров бошчилигида турли соҳанинг етакчи олимлари етиб келишди. Мазкур группа 20 кун давомида илмий тадқиқот институтларида бўлиб, улар ишини атрофлича ўрганиб, дўстона маслаҳат, йўл-йўриқлар кўрсатди, группа аъзолари ўнлаб докладлар қилишди. Мана шу холисона кўмак республика фани бош штабининг фаолиятини кейинчалик анча жонлантириб юборди.

Шу комиссиянинг хулосаси, таклифлари туртки бўлдики, ёки давр шуни тақозо этганмиди, хуллас, 50-йилларда республикамизда янгидан бир қатор илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртли ташкил этила бошладики, ҳозир бу даргоҳлар ўн чандон кенгайиб, уларда ғайратли, иқтидорли ёш илмий ходимлар шижоат билан изланиш олиб бораётганларидан қувонасан, киши.

...Бундан қирқ йилча муқаддам илмий тадқиқот мақсадларида атом энергиясидан фойдаланиш зарурати туғилган эди. Шунга кўра, Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ), Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университети,

ЎзССР ФАнинг Физика-техника институти, Тошкент Политехника ва Медицина институтларида илмий изланишлар бошлаб юбориш режалаштирилганди. Бироқ бу илмий даргоҳларда атом энергиясидан фойдаланиш кўлами ниҳоятда чекланган, бунинг устига ҳали техникавий база ҳам заиф эди.

Кейинчалик Урта Осиё региони экономикаси ва фани жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида қўлланиш кўлами тобора кенг қулоқ отаётганлиги мустақил Ядро физикаси институтини ташкил этишни тақозо қилди. Шундай илтимос билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Иттифоқдаги тегишли органларга мурожаат этди. Атоқли совет олими Игорь Васильевич Курчатова бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлади ва мазкур институтини ташкил этилишига катта ёрдам кўрсатди. Мен Москвада Игорь Васильевич билан бир неча бор учрашдим, кейин Курчатова Тошкентда бўлиб, Ядро физикаси институтини барпо этиш билан боғлиқ барча ташкилий ишлар билан ўзи шахсан шуғулланди.

Узоқ тайёргарликдан кейин 1956 йилнинг бошларида СССР Министрлар Совети Тошкентда Ядро физикаси институти ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Институт ядро физикасининг фундаментал проблемалари, физика, химия, геология, биология, медицина, саноатнинг турли тармоқлари ҳамда қишлоқ хўжалигида радиоактив изотоплардан фойдаланиш муаммолари хусусида илмий тадқиқотлар олиб бориш белгиланди.

Институт учун Тошкентдан чамаси 30 километр нарида Қибрай даҳасида, Бўзсув каналига яқин жойдан майдон ажратилди.

Бўлажак институт таркиби — неча бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб олинди, бир неча минг киловатт қувватга эга бўлган реактор, нейтрон тезлаткич трубкаси ва циклотрон қуриш лойиҳаланди.

Мазкур институтини ташкил этишда республикамизнинг таниқли олимларидан Ҳ. Абдуллаев, С. Стародубцев, У. Орифов, С. Азимов, Ё. Тўрақулов, Т. Заҳидов ва бошқалар ўзларининг баракали ҳиссаларини қўшишди.

Иттифоқимизнинг турли заводлари керакли асбоб-ускуналарни етказиб турди, энг муҳими етакчи илмий муассасалар малакали кадрларни ёрдамга юборди.

Урта Осиёда ягона бўлган бу институтда қардош республикалар олимлари ҳам келиб тадқиқот олиб боришларига, хорижий Шарқ мамлакатларидан келган олим, инженер ва студентлар ҳам малака оширишларига барча шароит яратилган эди.

Шу тариқа, республикамизда Ядро физикаси институти барпо этилганди. Ҳозир бу катта илмий даргоҳни бир шаҳарча дейсиз. Икки, тўрт қаватли турар жой бинолари,

меҳмонхона, маданият уйи, кинотеатр, шифохона, магазинлар, маиший хизмат уйлари, хуллас илмий ходимларнинг яшаши ва самарали ижод этишлари учун барча шароит яратиб берилган. Шаҳарча кўм-кўк боғ-роғларга ўралган.

Яқинда Қибрайда бўлдим, институтни, унинг атрофидаги жойларни айландим, табиийки, бундай чоғларда хотиротга берилмай илож йўқ.

Мана шу жойларда (у пайтда ҳали хиёбонлар йўқ эди) Игорь Васильевич Курчатова билан кўп сайр этганмиз, мунозаралар қилганмиз, маслаҳатлашганмиз. Бу буюк зот билан таниш бўлганимдан беҳад қувонаман.

Игорь Васильевич билан дастлаб 1954 йили СССР Олий Советининг сессиясида танишган эдим. Бу даврда атомчи-физик олим Курчатовнинг номи афсонавий қаҳрамонлардек машҳур эди.

Яхши хотирамда, сессия мажлисига раислик қилувчи навбатдаги сўз депутат — академик И. В. Курчатова берилади, деб эълон қилганда залда, дипломатлар, журналистлар, хориждан келган меҳмонлар ложасида жонланиш пайдо бўлди. Мана, у шахдам, узун-узун қадам ташлаб минбарга кўтарилди, унинг адл қомати ҳаммани ҳайратда қолдирди: оппоқ кўйлак, ҳаво ранг галстук, қора костюм, кўксини Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг учта Олтин Юлдуз медали, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг тўртта нишони, депутатлик нишони беэаб турарди. Баланд бўйи, чўзинчоқ юзини янада узунроқ, кўрсатувчи қалин соқоли, йирик кўзлари унга улуғворлик бахш этарди. Нотиқ мамлакатимиз атом энергетикаси соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз тўғрисида, илмий-техника тараққиётининг аҳамияти ва равнақи хусусида жўшиб гапиргани, залда ўтирганлар унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингларди.

Игорь Васильевич нутқини якунлар экан, гўё Ғарбдаги «совет уруш» тарафдорларига мурожаат қилаётгандек: «Совет халқи ўз армиясини атом ва термоядро қуроллари билан етарлича миқдорда таъминлади. Бироқ совет халқи урушни хоҳламайди, башарти кимда-ким бизга қарши атом қиличини кўтармоқчи экан, шу қиличдан ўзи ҳалок бўлади», деб минбардан тушди.

Зал бир сония сукутга чўмди, кейин бирдан жунбишга келди, ҳамма ўрнидан турди, гулдурос қарсақлар янгради. (Шунда Ғарб мамлакатлари дипломатлари ўтирган ложага беихтиёр кўзим тушди, улар қовоғини уйиб жим ўтиришарди).

Танаффус пайтида мен Курчатова ёнига бордим, ўзимни таништирдим ва жиддий бир масала юзасидан маслаҳатлашиб олмоқчи эканлигимни айтдим. У сессия ўз ишини тугатгандан кейин институтда учрашишга таклиф этди.

Уша кезлари бутун дунёда атом энергияси, атом бомбаси тўғрисида катта шов-шув юрар, ер куррасининг ҳар еридан уран излашарди. Мана шундай атом ваҳимаси ҳаммани ғулғулага солган бир пайтда мен биринчи совет атомшунос олими, жаҳонга номи машҳур бўлган атомчи-физикнинг иш кабинетида яккама-якка сўзлашиб ўтирибман. Игорь Васильевичнинг йирик олим ва ташкилотчи, чин ватанпарвар ва ажойиб нотиқ эканлиги яхши маълум эди. Мен суҳбат асносида ундаги яна бир инсоний сифатни кашф этдим. У суҳбатдошини ниҳоятда қунт билан тинглар, нима демоқчи эканини дарҳол тушунар, ўз фикрини, таклифларини ҳам содда, лўнда қилиб етказа оларди.

Гипноз нималигини билмайман, буни ўзимда синаб ҳам кўрмаганман, лекин Игорь Васильевич ўз фикрининг теранлиги, аниқлиги, ишонарлиги билан суҳбатдошини шундай сеҳрлаб қўярдики, бу мулоқот ҳар қандай гипноздан ҳам кучли эди. У ҳаяжонланиб, сўзларининг кучини қўл ҳаракатлари билан тўлдириб гапирарди. Ҳа, чиндан унинг қўли ҳам гапирарди. Суҳбатдошига кетма-кет ахборот ёғдирар, дастлабки содда мисоллар, тушунчалар аста-секин мураккаблаша борарди. Унинг булоқдек қайнаб чиқаётган фикр оқимини узиб қўймаслик учун чуқурроқ нафас

олишга ёки ҳаракат қилишга ҳам ийманади, киши. У худди эртактардаги сеҳргар сингари қўлингдан тутганча улкан бир ёғду, иссиқлик, энергия шарофати ила ҳамма ёғи нурафшон, чароғон бўлиб турган ажойиб бир салтанат ичра сайр эттирарди. Бу салтанат атомлар дунёси эди.

Игорь Васильевич республикаимиз ҳаёти, одамлари, фани маданияти билан қизиқиб қолган эди. Унинг саволларига жавоб берар эканман, «Игорь Васильевич, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейдилар, яхшиси бизнинг ўлкага бир боринг, бошимиз кўкка етади», — деб таклиф этдим. У, имкон топилгач, албатта боражагини билдирди.

И. В. Курчатовни мен партияимизнинг XX съездида яна учратдим. У салом-алиқдан кейин, сўзининг устидан чиқолмаганлиги учун узр сўради ва тез орада Ўзбекистонга бораман, деб сўз берди. Ҳақиқатан ҳам, орада кўп вақт ўтмай у Тошкентга келди. Эртасига республика Компартияси Марказий Комитетида бирга иш программасини тузиб чиқдик. Кейин Фанлар академиясида бўлдик. Игорь Васильевич республиканинг атоқли олимлари билан, уларнинг илмий ишлари билан танишди, илмий тадқиқотларнинг мавзуга эътибор берди, кейин республика фан штабида кенгаш ўтказди.

Игорь Васильевич ўз таассуротлари ҳақида сўзлар экан, илмий ходимларимиз ва улар олиб бораётган тадқиқотлар тўғрисида яхши фикр билдирди, айни пайтда, бу хусусда ўз мулоҳазаларни баён этди. Биз республикада Ядро физикаси институтини очиш орзуси борлигини айтганимизда, Игорь Васильевич бу таклифни маъқуллади ва радиоактив изотоп ўлкада, айниқса, химия, пахтачилик соҳасида тупроқнинг шўрланишига қарши курашда, умуман, илмий тадқиқот ишлари учун жуда зарурлигини таъкидлар экан: «Ҳа, дарҳақиқат, Тошкентда реактор бўлиши мақсадга мувофиқ» деб хулоса чиқарди. Темирни қизғида бос, деганларидек, биз ўша кунийёк Игорь Васильевич ҳамкорлигида КПСС Марказий Комитетида хат тайёрлади, орада кўп ўтмай СССР Министрлар Советининг қарори чиқди. Тошкентда Ядро физикаси институтининг вужудга келиш тарихи шундай бошланган эди.

Игорь Васильевич сафари қариб, Москвага қайтиш арафасида ўзбек одати бўйича унга тўн, дўппи кийдирдик. Ута жиддий олим ниҳоятда дилкаш, ҳазилка инсон ҳам экан.

И. В. Курчатова кейинчалик ҳам Тошкент билан алоқасини узмади, реактор қурилишини мунтазам кузатиб турди, программа тузишга, институтни жиҳозлашга ёрдам берди, айниқса ёш кадрлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатди.

1959 йили Тошкентда Ядро физикаси институти ва реактори ишга туширилди.

Мен физик эмасман, шу боис атом энергетикаси ривожини ва фаннинг бу етакчи тармоғига Игорь Васильевич Курчатова қўшган ҳиссани тўлалигича баён этишга ожизман. Бироқ, бу улкан олимнинг атом сирини очишга, унинг қаърида яширинган туганмас куч-қудратни мамлакатимиз мудофааи учун ва тинчлик мақсадига хизмат эттиришдаги фидойи жонбозликларини яхши биламан. Қисқа вақт ичида совет олимлари соф уран олишини ва уни бойитишни йўлга қўйишга муваффақ бўлишди, мамлакатда қудратли атом sanoати вужудга келди.

Игорь Васильевич сўзининг устидан чиқар, ўйлаган ишини орқага сурмасди, сансалорликни, буйруқбозликни ва айниқса қоғозбозликни ёмон кўрарди. У Москва яқинидаги дунёда биринчи Обнинск атом электр станцияси қурилишини лойиҳалаш ва бунёд қилишда иштирок этди, Дубнадаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти яратиш ташаббускори бўлди, Иттифоқимиздаги ва бир қатор социалистик мамлакатлардаги талай илмий марказларда шу соҳадаги илмий тадқиқотларни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатди.

И. В. Курчатова ниҳоятда катта обрўга эга эди. Мен уни рафиқаси Марина Дмитриевна билан Кремлдаги мўътабар қабулларда кўп кўрганман. Улар залга кириб келганларида ҳамма ҳурмат ва ҳавас билан қарар, самимият билан

Давоми 21-бетда.

СОЦИАЛИЗМ ВА ЖАМИЯТ

Восил ҚОБУЛОВ,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Мана, қарийб 73 йилдирки, СССРда социализм қурмоқдамиз. Бир вақтлар бир авлод ҳаёти мобайнида коммунизмга ҳам чиқиб олмоқчи бўлган эдик. Бу гапларни 1917 йили «ер — деҳқонга, фабрика-заводлар — ишчиларга, ҳукумат — шўроларга» деб бошлаган эдик. Кўп ўтмай синфий кураш авж олди, граждандлар урушини бошдан кечирдик. Жумҳуриятда эса ҳали ҳам босмачиларни «ғазаб» билан эслаймиз, сабабларини ўйлаб кўрмаймиз. Синфий кураш йиллари одамлар орасида инсоф, диёнат тарғиб қилган диндорларни хурофот тарқатувчи душманлар қаторига қўшиб юбордик. Кейин НЭП деган йўлга ўтдик, лекин ўттизинчи йилларга келиб қишлоқда коллективлаштиришни бошлаб юбордик, деҳқонларни қақшатдик, кейин улкан индустрияни барпо қилиб, фахрландик, партия қурултойлари минбаридан халққа алангали рапортлар бердик. Айни пайтда 1933 йилдаги даҳшатли очарчиликни бошдан ўтказдик.

Кейин уруш, миллионлаб қурбонлар берилди, лекин ниҳоят ғалаба қозонилди, хўжаликни тиклай бошладик. Урушдан кейинги йиллар қўриқ очдик, пахта мустақиллиги учун курашдик, дарёларни тўсавердик, саноат қурилишини давом эттирдик, Урта Осиё ва Сибирда янги-янги конлар очиб, хом ашёни кўпайтиравердик. Лекин ҳамма вақт ғалаба рапортларини беришдан тўхтамадик, мукофотлар кўпайиб бораверди, мукамал, етук ва ҳатто ривожланган деб аталмиш социализмга ҳам чиқиб олдик.

Сўнгги беш йил ичида ошкоралик даврига ўтиб, кўзимиз мошдек очила бошлади. Халқчиллик бошланди, мамлакатда қайта қуриш ишлари олдинга сурилди.

Маълум бўлдики, жон бошига таъминот бўйича бизнинг мамлакат дунёда йигирма саккизинчи ўринга тушиб қолибди, бу соҳада бизнинг жумҳурият СССРда ўн тўртинчи ўринни эгаллар экан. Соғлиқни сақлаш ва маориф ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Энг асосий масалалардан бири — мамлакатни жаҳон миқёсига олиб чиқиш мумкин бўлган омил — фан-техника тараққиёти оёқости қилинган, ҳозир у ҳеч кимга — министрга ҳам, корхона раҳбарига ҳам керак бўлмай қолганини эндигина сеза бошладик. Бизда муҳандислар сонини АҚШга қараганда уч марта кўп бўлса-да, чет элга лицензиялар сотишдан қирқ баравар кам даромад олар эканмиз.

Оғир саноат халқ хўжалигини таъминлаш мақсадида бунёд этилади. Энди тушундикки, Сталин беш йилликлари ва ундан кейин қурилган гигантлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ўзи «еб» ётган экан. Шу вақтгача деҳқон шўрликни арзон ва қулай машиналар билан таъмин қилолмаймиз. Енгил саноатни замонавий механизмлар билан таъмин қилиш учун ҳарбий заводларни конверсия қилиш йўлига ўтишга мажбурмиз.

Ресурслар-чи! Уттизинчи йилларда миллионлаб одамлар турли йўллар билан ҳибсга олиниб, қамоқларга жўнатилди, уларни Сталин бобомиз қурилишларда ишлатиб адон тамом қилдик. Турғунлик йилларида эса ўрмонларни кесиб тугатдик ҳисоби. Сибирдаги нефть конларидан чиққан газлар ҳали ҳам бекорга ёниб кетмоқда. Миллиард-миллиард сўм сарф қилинган мелиорация ва суғориш ишларига яна аллақанча миллиард сўмлаб маблағ ажратилмоқда.

Жумҳуриятда эса пахта деб Оролни қуритдик, тупроқни адо қилдик, табиатни ғорат этдик. Фан-техника ниқобида катта-катта заводлар қуравердик, лекин улар ишлаб чиқарган маҳсулот жумҳуриятга наф келтирмади. Натижада биз фақат хом ашё берадиган ўлкага айландик. Ҳозир, иқтисодий мустақилликка ўтиш керак бўлганда нима қилишни билмай ўтирибмиз.

Ошкоралик ва халқчиллик сари ўсган халқ ҳаракатга келди, ўтган вақтлар ҳисоботини талаб қилиб, бугунги муаммолар ҳақида гапир бошлади. Энди халққа нима дейиш керак!

Тўрт-беш йилдан бери матбуотда турғунлик даврида ўтган воқеалар, Сталин, Брежнев, Ўзбекистонда Рашидов ва «рашидовчилик»ни тор-мор қиламиз деб марказдан, бутун иттифоқдан «доно»ларни таклиф этдик, натижада яна минглаб бегуноҳ одамлар жабр чекди, маънавиятга зарба берилди.

Жамият асосида иқтисод ётади, сиёсат эса иқтисод тараққиётига мос бўлиши керак, бўлмаса жамият емирилиш томон юз ўгиради.

Йигирманчи ва ўттизинчи йиллар марксизм классикларининг хаёлига ҳам келмаган, капитализмга ҳам, социализмга ҳам ўхшамаган бир тузум юзага келди. Бу, бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштириш, бозорни чеклаб қўйиш, шахсий фаолиятни «ўлдириш», кўпчилик меҳнатқашларни давлатни бошқаришдан четлаштириш билан боғлиқ эди. Марказлашган иқтисод режаларининг уч-учига тўғри келмаслиги, қимматли ресурсларнинг бекорга сарфланиши, ҳеч кимга керак бўлмаган жуда катта объектларнинг қурилиши авж олди.

Асосий сабаб шунда эдики, иқтисодий система сиёсий бошқарувнинг бевосита давомига айланиб кетган ва шу билан марксизмнинг асосий қонунлари бутунлай аксинча бажарилганди. Буларнинг ҳаммаси Лениндан олинган цитаталар билан асослаб бериларди. Партия қўмиталари хўжалик бошқаришни қўлга олди, кўпгина вазирликлар эса иқтисодий муассасадан сиёсий идораларга айланди. Сиёсий ва иқтисодий ҳокимият ҳукмрон номенклатура қўлига ўтиб кетди, каттаю кичик раҳбар ва раҳбарчалар «умумхалқ фаровонлиги» байроғи остида билган ишларини қилаверди.

Кўпчилик уларга бўйин эгишга аввал мажбур этилди (Сталин қатағони йиллари) кейин эса улар бунга ўрганиб қолишди. Чунки буйруқни сўзсиз бажарганларгина яшаш «имтиёзи»га эга бўла оларди, холос.

Давлат — ягона хўжайин, ҳамма унга хизмат қилиши керак, деган қараш илдиз отди. Натижада ҳар бир киши мустақил тафаккур юритишдан маҳрум этилди. Иш ҳақи том маънода ўз кучини йўқотди, одамлар юқоридан белгиланган маошга қаноат қилиш билан чекланди.

Натижаси — ҳаммага маълум. Мамлакат иқтисодий инқирозга юз тутди, аҳолининг социал аҳволи оғирлашди. Ҳамма нарсаялпи маҳсулот, давлат бойлиги каби умумий кўрсаткичлар билан ўлчанадиган, аҳоли жон бошига келаётган даромад ҳеч кимни қизиқтирмайдиган бўлиб қолди. Иқтисодийёт соҳасидаги «силжишлар» табиий бойликларни ўйламай, бебилиска сарфлаш ҳисобига амалга оширилди.

Компартиянинг шу йилги Февраль пленумида бу масалада очикчасига гапирилди. Марказқўмнинг XXVIII съездага ҳаракат дастури лойиҳасида аввало яқнаҳокимлик ва аппаратбозлик системасини тубдан ўзгартириш масалалари кўтарилди. Дастурда «Утмиш кишанларини абадул-абад улоқтириб ташлашимиз керак» — дейилган ва жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақиллиги кўзда тутилган. Бундан кейин КПСС яқнаҳокимликка даво қилмайдиган бўлади, ҳокимият халқ қўлига топширилади.

Бу мақсадлар амалга оширилишида Иттифоқни мустақил жумҳуриятлар федерациясига айлантириш, суверен жумҳуриятларга сиёсий ва иқтисодий мустақиллик бериш асосий муамлодир. Менмича, ҳозир Иттифоқ Олий Кенгаши юзлаб қонунларни муҳокама қилишдан аввал фе-

дерация масаласини кўриб, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик дастурини ишлаб чиққанда, сўнгра муаммоларни ҳал қилишни жумҳуриятга ҳавола этганда, ишимиз тезлашарди.

Ҳап фақат марказ ва жумҳурият алоқалари устида бўлмаслиги керак. Бу ерда занжир бениҳоя узун: «инсон — оила — корхона — ноҳия — шаҳар — вилоят — жумҳурият — иттифоқ». Инсон, яъни оддий фуқаро учун буларнинг ҳаммаси — «марказ». Агар иттифоқ ва жумҳуриятлар орасидаги муаммолар ҳар бир одамга етиб келмаса, «халқ фаровонлиги» деган гап яна қуруқ сафсатага айланиши мумкин. Юқоридаги занжир узилмас, бир-бирига узвий боғлиқ ҳалқалардан иборат.

Кибернетика фани бу соҳада тўрт муаммони ҳал қилиш керак деб билади.

Аввало, ҳозирги иқтисодни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиш зарур, кейин аниқ мақсад қўйиш, бу мақсадга эришишнинг энг қисқа йўллари топилмас керак бўлади.

Бу масалалар шу йил 11 февраль куни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида муҳокама қилинган эди. Кенгашда жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка ўтиш йўллари ҳақида Ўзбекистон КП МКнинг биринчи котиби ўртоқ И. А. Каримов ва унинг қатнашчилари аниқ таклифлар билан чиқди. Дастлаб Ўзбекистонда чиқаётган маҳсулотларнинг тўла ҳисобини қилиш кераклиги ҳақида сўз юритилди. Пахта, пилла, қоракўл ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ашё ва тайёр маҳсулотлар сифатида сотилганда ички ва халқаро баҳоларда қанча туриши, жумҳуриятдан ташиб кетилаётган рангли металллар, газ ва бошқа маҳсулотлар баҳоси ҳам ҳисобга олиниши керак. Шундагина жумҳурият тупроғидан четга олиб кетилаётган ва шу ердан келтирилаётган маҳсулотлар миқдори, уларнинг баҳоси ҳақида ҳаққоний мулоҳазалар юритиш, миллий даромадни тўғри ҳисоблаш ва «қарз» деган балодан қўтилиш йўлини қидириш мумкин.

Ушбу кенгашда шу мақсадга етиш йўлларида қилиниши керак бўлган ишлар режаси ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу, аввало, тайёр маҳсулотни кўпайтириш, бунинг учун қайта ишловчи соҳаларни кенгайтириш билан боғлиқдир. Маҳсулотлар баҳосини қайтадан кўриб чиқиш, шу маҳсулотларнинг жумҳуриятда қолиши керак бўлган қисмини кўпайтириш ҳам муҳим вазифадир. Ҳозирдаёқ жумҳурият тасарруфига ўтадиган корхоналар ва бирлашмалар ҳақида бир фикрга келиш, хўжаликни комплекс тараққий эттириш йўллари белгилаб чиқиш керак.

Деҳқонларга ер бериш, деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, шу йўл билан қишлоқ аҳолиси фаровонлигини кўтаришга алоҳида аҳамият берилди. Кадрлар тайёрлаш, ишсизликка барҳам бериш, кам таъминланганларни, кўп болали оилаларни, аёллар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат

ветеранларини социал муҳофаза қилиш таъкидланди.

Нега биз иқтисодий мустақиллик ҳақида гапирдик, бунинг социализмга нима алоқаси бор! Менимча, социализм ҳалол меҳнат қилаётган покдил одам учун фаровон ҳаётни таъминловчи, бировлар ҳисобига яшамоқчи бўлган муттаҳамлар (улар ким бўлмасин) томирини қирқа оладиган бир жамият бўлиши керак. Ҳозирча биз бунинг аксини кўриб турибмиз. Бу тузумда аслида жамият ўз фуқароларига муравват қилиши, унинг ҳамма қонуний эҳтиёжларини таъминлай олиши лозим. Бу жамиятда мулк шакллари турлича, ҳамманинг ҳуқуқи тенг бўлиши, яъни «йўлбошловчи» ва «йўловчилар» бўлмаслиги керак.

Бундай жамиятда эркин бозор бўлиши, деҳқон билан истеъмолчи ўртасида ҳозиргидек даромаднинг ярмига шерик бўладиган корчалонлар камроқ бўлиши керак. Социалистик тузумда халқнинг сиёсий, иқтисодий, миллий ва маданий талаблари қонуний ҳал қилиниши, бу соҳада фақат юқорининг буйруғи билан иш тутиш одати тарк қилиниши шарт.

Шунинг учун ҳам иқтисодий мустақиллик шароитларини ишчи, деҳқон ва зиёлилардан бошлаш, марказ шу одамларга ҳаққоний хизмат ва раҳбарлик қилолмаса, унинг баҳридан ўтиш керак. Бу ерда гап партия ва ҳукумат, вазирликлар устида бормоқда.

Агар деҳқон ер олиб, ўз оиласи ва бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин қилолса, унга йўл очиб бериш, керак бўлса унга ерни ва зарурий сармоғини умрбод топшириб қўйиш зарур. Ишчи ишлаётган корхонасида шундай даромад қилсинки, ўз оиласини олган маоши ҳисобига бемалол боқадиган бўлсин, шундан ортган фойдагина юқори ташкилотлар билан баҳам кўрилиши мумкин.

Олимлар ва мутахассислар бирлашиб иқтисодий мустақиллик йўллари рақамлар билан шундай аниқ белгилашлари керакки, жумҳурият раҳбарияти қўлида рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар бўлсин. Фақат шундагина мустақиллик йўлидаги «жанг»ларда ғолиб чиқиш, халқимиз фаровонлиги, демак реал социализм томон бирор қадам қўйиш мумкин бўлар. Иқтисодий мустақиллик учун курашда жумҳурият раҳбариятига биз таянч бўла олишимиз керак.

Биз «кураш» дедик, чунки мустақиллик равон йўл эмас, бу йўлга тезкорлик билан ўтиш ақл, идрок ва сабр талаб қилади.

Жумҳуриятимиз иқтисодий мустақиллигига боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳал қилишда турли соҳаларда ишлаётган илм аҳлининг баҳамжиҳат равишда ягона режа асосида ишлаши мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, бунинг учун етакчи олимларнинг «Иқтисодий мустақиллик муаммолари» номли жамиятини тузиш керакдир. Ҳар ҳолда бу соҳада жон куйдириш, қуруқ гап эмас, аниқ натижалар билан чиқиш ҳар бир онгли олимнинг олий вазифасидир.

Давоми. Боши 19-бетда.

саломлашарди. Депутат И. В. Курчатова деярли ҳамма сессияда сўзга чиқар, бу мўтабар минбардан туриб фанимиз ютуқлари билан бир қаторда камчиликлар, қилинадиган ишлар тўғрисида баралла сўзларди. 1960 йилнинг 15 январидан у СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида сўзлаган нутқида шундай деди: «Мен Россияда тутилганимдан ва ўз ҳаётимни буюк Советлар мамлакатининг атом фанига бағишлаганимдан бахтиёрман. Халқимиз, ҳукумати бу фан ютуқларини фақат инсоният бахт-саодати йўлида хизмат қилдиришига имоним комил». Бу сўзлар буюк олимнинг катта давралардаги энг сўнги нидоси экани ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

1960 йилнинг 7 февраль куни И. В. Курчатова саҳарлаб Барвихида дам олаётган дўстини зиёрат қилгани келади. Икки дўст бу учрашувдан хурсанд, қалин қор қоплаган боғ йўлкасида сайр қилишар, мириқиб суҳбат қуришарди. Бир вақт Игорь Васильевич тўсатдан боши айланиб, скамейкага ўтириб қолади... Юрак фалажи шу лаҳзада уни... абадиятга олиб кетади.

Совет халқи Союзлар уйининг колонна залида ўзининг буюк фарзанди билан видолашарди. Куни кеча унинг оташин нутқини тинглаган партия ва ҳукумат раҳбарлари, дўстлари энди унинг хоки қаршисида хомуш туришарди. И. В. Курчатовнинг вафоти фақат оиласи учунгина эмас, бутун совет халқи ва фани учун оғир жудолик эди. Кўринишидан салобатли, файз ёғилиб турган бу улкан зот бор йўғи 57 йил умр кўрибди, холос.

Академик И. В. Курчатовнинг совет фанига қўшган ҳиссаси таърифга сиғмайди. Унинг илмий ишлари ҳозирда бепойн мамлакатимизнинг ҳамма жойида, ҳамма соҳаларида давом этмоқда. Унинг муборак номи Атом энергияси институтида, атом электр станцияларида, кемаларда, неча-неча корхоналарда, кўчаларда яшамоқда.

Эндиликда Менделеев даврий системасидаги 104-элемент курчатовий деб юритилмоқда, унинг номидидаги медал эса олимлар кўксини безамоқда. У ҳақда кинофильмлар яратилди, китоблар ёзилди. Олимнинг таълимоти ва ишларини давом эттираётган шонли совет олимлари, инженерлари Ватанимиз қудратини ҳар томонлама ошириш билан унинг номини абадийлаштирмоқдалар.

САМАРҚАНД ХАЁЛИ

ТАРИХИЙ БАДЕАДАН ПАРЧА

МУАЛЛИФДАН

Ватан ҳудудини фидойи ва жасоратга қодир фарзандлар тилаги, орзу-интилишлари кенгайтиради. Шоҳ Бобур ўз она диёрига сиғмай бегона ерларда бир салтанат туздиким, унинг чегаралари шаксиз ва чексиз эди. Бироқ, шоир Бобур ўз юраги сарҳадларини шу қадар кенгайтирдиким, юракка сиғган бу диёр жаҳонга сиғмайди. Шоҳ Бобур салтанати асрлар ўтиб, замонлар бухронларига дош беролмай

Мовароуннаҳр нотинчлиги Улугбек мирзонинг фожиаги ҳалокатидан сўнг [1450 йил] кучайди. Падаркуш Абдуллатиф ҳам олти ой ўтмай ўлдирилди. Ундан кейин тахтга Шоҳруҳ мирзонинг набираси, Иброҳим мирзонинг ўғли, Улугбекнинг кўеви Абдулла мирзо ўтирди. Унинг подшоҳлиги икки йилдан ошмади. Навбат Бобурнинг бобоси Абусаид мирзога етди. У тирклигидеяқ тахтни катта ўгли Султон Аҳмад мирзога топширди. Султон Аҳмад мирзо вафотидан сўнг Самарқанд тахтига Султон Маҳмуд мирзо ўтирди.

Бир ярим асрлик давр темурий мирзоларнинг бир-биринга уруш очиб, бир-бирини сўйиб, бирининг кўзини иккинчиси ўйиб, бири қўбидек қочиб, иккинчиси унга қора лочин каби ташлаиб, боболари тиклаган салтанат иморатини талон-тарож қилишлари билан хосдир. Заргар Темур томонидан ясалган тенги йўқ узуннинг кўзи бўлган Самарқанд кўпқари ўртасида ташланган улқдек гоҳ бу мирзо, гоҳ у мирзо ўртасида талаш эди. Темур қурдирган Кўксаройда деярли ҳар йили бирон бир мирзо оқ кигизга ўтказилиб, кўктошга чиқарилар ва тахт ҳукмдори деб эълон қилинарди.

Ҳижрий тўққиз юз биринчи йилда [милодий 1495/96 йил] Самарқанд тахтида Бобурнинг амакиси Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Бойсунгур мирзо ўтирар эди. «Султон Маҳмуд мирзо ҳаётида улуг ўғли Султон Масъуд мирзога Ҳисорни бериб, Бойсунгур мирзога Бухорони бериб, ўғлонларига руҳсат бериб эди. Бу воқеада [яъни Султон Маҳмуд мирзо ўлимида — Х. Д.] ҳеч қайси ҳозир эмасди... Самарқанд ва Ҳисор беклари иттифоқ билан Бухорога Бойсунгур мирзога киши йибориб ва келтуруб, Самарқанд тахтига ўлтүргүздилар. Бойсунгур мирзо подшоҳ бўлганда ўн саккиз яшар эди».

Уша йилнинг рамазон ойида тархонийлар фитнаси юз берди. Бу фитна самарқандлик беклар ва сипоҳийлар томонидан бўлиб, улар Бойсунгур мирзонинг адолатсизлигидан, яъни подшоҳ улардан кўра Ҳисорлик беклару сипоҳийларга кўпроқ эътибор ва ихтилот қилишдан туғилган норозиликдан бошланди.

Айниқса, улар Бойсунгур мирзонинг марҳум отаси умароси бўлмиш шайх Абдулла барлос авлодларига бўлган муносабати — бек ўғлонлари машағта ва бузуқчиликка ҳаддан берилиб кетганларини кўрмаганга олаётганидан қаттиқ норози эди. Самарқанд беклари билан алоқа боғлаган Бухоро ҳокими Дарвиш Мухаммад тархон [Бу шахс Абдуали Тархон номи билан ҳам машҳур] Қаршига бориб, Бойсунгур мирзонинг укаси, Султон Маҳмуд мир-


қунпаякун бўлди, шоир Бобур диёри эса барқарор қолди. Унинг шоҳ асари «Бобурнома» эса мана шу диёр дарвозасидир.

Бу китобни битаётганда Бобур мирзонинг сочларига оқ тушиб, салтанат азмига қўл силтаган, кўпроқ шёър ишқида ёнмоқ истаган ёшда эди. Аградаги ўзи Зарафшонбоғ деб ном берган боғда ўтириб умр дафтарини қораларкан, кўз ўнгидан бошдан кенган аламли ва ширин, умидсиз ва саодатли кунлар ўтар, хаёлида гоҳ нилий осмонга сингиб кетай деб турган Гўри Мир сағанасининг нилий гўмбазини, гоҳ Қорадарё ялангликлари, гоҳ Кўҳак сувининг мавжиди танга сочаётган ой — Самарқанд ойи — Мовароуннаҳр ойи — Туркистон ойи жонланарди.

Бу китобни битаётганда у ўз умрини бошқатдан, хатоликларни такрорламай, душманлар фитнасига учмай, дўстлар қаҳридан ранжимамай яшашга тайёр эди — фақат Самарқанд номини Обираҳмат сувига бир марта бўктириб эса, чўғдек порлаб турган Қува анорини ўзи узиб, Қорасув билан тилимласа бўлди. Аммо, умр — қайтмас, умр — шамол эканини билгани учун ҳам қаламидан тўкилган ҳар бир сатр мана шу соғинч изтиробини билан йўғрилди, холос.

Бу китоб сатрлари фақат жангу жадал, жангоҳлардаги лахта-лахта оққан қонлар, ёру дўстларнинг ўлими, душманни қувган кезде дилда жўшган сурур, душман қувганда бечоралиғ туйғуларигина эмас, бу сатрлар йироқда қолган она ҳақидаги ташвиш, илк туғилган гўдак ўлими изтиробини, хасталанган фарзанди учун жонини садақа қилишга тайёр она ҳолати, она юртдан қувғин юрак фиғонлари ҳамдир... Мен «Самарқанд хаёли» эссесини ёзишдан мақсадим Бобур Мирзонинг Самарқандни уч марта эгаллагани тарихини сўйлаш эди. Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган парчада Самарқанд тахтини биринчи бор қандай қўлга киритгани ҳақида ҳикоя қилинади.

зонинг бошқа хотини — Зухрабеги оғадан бўлган Султон Али мирзони тахтга ўтиришга, салтанат ишини қўлга олишга кўндирди. У Султон Али мирзони подшоҳ кўтариб Бойсунгур мирзо турган



Боги Навга келди. Дарвиш Мухаммад тархон бошчилигидаги самарқандлик тархонийлар Бойсунгур мирзони тутқун қилиб, уч-тўрт яқин киши билан Аркка келтирдилар. Уларнинг нияти тутқун мирзони, одатга биноан, Кўсаройда ўлдирishi эди. Бироқ, уларнинг режаси амалга ошмади. Туйқусдан Бойсунгур мирзо кечқурун номоз ўқиш учун таҳорат олиш баҳонаси билан Бўстонсаройнинг шарқи-шимолий тарафидидаги бир уйга киришга рухсат сўради. Тархонийлардан қайилган соқчилар Бойсунгур мирзо кириб кетган уй эшигин олдида бориб турдилар.

«Хожа Кафшарда машхур шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг катта ўғли, Хожаго Хожа, Хожа Қалонхона номлари билан машхур бўлмиш Хожа Мухаммад Абдуллоҳ отасидан мерос қолган ҳовлида яшар эди. Асли Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидан бўлган Хожа Аҳрор Султон Абусандиннинг истаги ва илтимоси билан Самарқандга кўчиб келиб, Хожа Кафшар маҳалласида ўрнашган эди. Хожа Кафшар шаҳарнинг жануб томонида ва бир тошнинг учдан бир улуши (тўрт минг кадам) чамаси олисроқдадир» [Абу Тоҳирхўжа Самарқандий, «Самария»].

Хожа Аҳрорнинг мазори ҳам шу маҳаллада эди. «Хонлар, бошларида хонлик жигаси ва белларида подшоҳлик камари бўлган ҳолда, унинг узангисида яёв югурган», «Хожаи Хожагони коргоҳ, қилан муқбилон Убайдуллоҳ 895 [1489] йилда ражаб ойининг биринчи кечасида, жумъадан қайтишли шанба оқшоми гурубдан бир ярим соат чамаси ўтган вақт... Самарқанднинг жанубий тоғи эстагида бўлган Камангарон қишлоғида ўлди» [«Самария»].

Фитначи тархонийлар қочоқ мирзони ким кўрқмай яшириши мумкинлигини билгандек, тонг сахарлаб тўғри Хожа Мухаммад Убайдуллоҳ уйига келиб, ундан Бойсунгур мирзони кўлларига топширишни талаб қилдилар. Хожа «Йўқ» деб жавоб берди. Хожанинг уйига бостириб кириб, қочқин мирзони қўлга олиш учун эса тархонийлар журъат қилолмасди. Зеро, Хожа Убайдуллоҳ хонадонига Самарқанд, нафақат Самарқанд, бутун Мовароуннахру Хуросон аҳолисининг ихлоси гоят баланд эдики, бу билан келишмай иш туттиш бошларига фақат фалокат келтиришини улар жуда яхши тушунарди.

Эртаси кун Бойсунгур мирзога содиқ қолган одамлардан — Хожа Абулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек бошлиқ жуда кўп беклар билан сипоҳилар Хожанинг хонадони атрофида тўпланди. Уларга шаҳар фуқароларининг кўпчилиги ҳам келиб қўшилди. Улар Бойсунгур мирзони ўзларига бош қилиб, янги подшоҳ, аслида эса тархоний беклар қўлида кўчирчоқ бўлиб қолган Султон Али мирзо тарафдорлари қўнган Аркин қамал қилдилар. Каттиқ жанг бўлди. Султон Али мирзо тарафдорлари Аркин бир кун ҳам ҳимоя қилолмади. Кечаси Мухаммад Мазид тархон Арқдан қочиб чиқиб, Чорраҳа дарвозаси орқали Бухорога от сурди. Султон Али мирзо билан Дарвиш Мухаммад тархон ўзларини узоқ ҳимоя қилолмасликларини англаб, Арқдан чиқиб таслим бўлди.

Бу ишларнинг бошида турган икки шахс — Хожа Абулмакорим билан Аҳмад Ҳожибек ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

«Хуштабъ ва мардона киши бўлган Аҳмад Ҳожибек «Вафой» тахаллуси билан ғазал машқ қиларди. Девони Самарқанд аҳли ичида хийла машхур эди». Алишер Навоий Самарқандда яшаганда Аҳмад Ҳожибек билан дўст тутинган, унинг паноҳида бўлган. Биз бу икки буюк инсон ҳақида алоҳида тўхталиш ниятимиз борлиги учун гапни мухтасар қиламиз.

Мавлоно Хожа Абулмакорим ҳақида «Самария» асарида шундай маълумотлар бор: «Мухтасари виқоя»га шарҳ ёзганлардан бўлиб, Мухаммад Шайбонийхон шоҳ Будоқ султон ўғли даврида фикҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди. Шайбонийхон у кишидан қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан буюриб, у кишини арра билан шаҳид этдирди. Дерларким, ўзи ҳам бир неча кундан кейин Марада, шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда қилч дами билан боши кесилиб, шаҳид бўлди».

УзССЖ ФА муҳбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, бу ҳикоятнинг пайдо бўлиши хусусида Абу Тоҳирхўжа ривоятда хатоллик мавжуд. Уша давр воқеалари тасвирланган тарихий асарларда Шайбонийхон билан шайхулислом Абулмакорим орасида бўлган можароларнинг маънавида «фатво» масаласида ҳеч гап йўқ. Бу воқеаларни тасвирлаб ёзган Мухаммад Солиҳ, Камолитдин Биноий асарлари ҳам шулар жумласига киради.

Мухаммад Солиҳ ривоятчи, Шайбонийхон Самарқандни биринчи марта олиб, Султон Али мирзо ва унинг яқин кишиларини ўлдирганда, бир қатор самарқандлик нуфузли одамлар қаторида Хожа Абулмакорим ҳам авф этилган. Аммо кейинчалик қўлга вазиятдан фойдаланиб, шаҳарнинг Бобур мирзо томонида қўлга киритилишига кўмаклашган. Унинг бевосита ташвиқоти билан Самарқанд шаҳрининг кўчманчи ўзбекларга қарши олти ойлик мудофеаси олиб борилди. Мана шундай «хиёнаткор» кишини ўлдирish учун жаҳонгирлик дағдағасини қилиб турган Шайбонийхон баҳона ахтариб юрмаса керак. Ҳерман Вамбери ҳам Хожа Абулмакорим ўлими ҳақида ёзганда, фатво масаласи тўғрисида сўйламайди. Фақат, мажор олими шайхулислом Абулма-

корим билан Хожа Яхёени бир киши санаб хатога йўл қўяди. Бу ҳақда кейинчалик, ўз ўрнида яна бир бор гапириш ниятимиз бор. Бойсунгур мирзо Аҳмад Ҳожибек уйда кўниб, Мир Алишер Навоий байтлари битилган ўн икки устунли кенг айвонда Арқ қамали натижасини кутарди.

«Катта-катта кўзли, қўба эрдил, ўрта бўйли Бойсунгур мирзо адолатпеша ва фазилатлиг подшоҳзода эди. Бухорони бошқарганда устози Сайид сўзига кириб, матъун — шиа бўлди. Самарқандга келиши билан яна пок эътиқодга қайтди». Лекин чоғир ичшини ташламади. Ҳозир ҳам Ҳасан шарбатчи билан басма-бас чоғир смирарди. Косани бўшатиб, ҳазрат Алишербек байтларини пичирлаб қайта-қайта ўқиб, таҳсин ифода қилиб бош чайқарди. Ҳамма темирйоздалар қаби у ҳам ғазал машқ қиларди. Тахаллуси «Одиллий» эди. Самарқандликлар унинг ғазалларини суярдилар. Бобур «кам уй бўлмай эдиким, мирзонинг ашъори у уйда бўлмағай эди» деб ёзади.

Таслим бўлган Дарвиш Мухаммад тархонни Бойсунгур мирзонинг олдида, айвон супасидан пастда тиз чўктирдилар.

— Нега бундоқ ишга қўл урдинг, ит! — деди овозини кўтармай ғазал билан сармаст мирзо.

Дарвиш Мухаммад тархон бошини кўтармади. У балки, тиз чўккан кўйи, тиззасига оғзидан оқиб тушаётган қон томчиларига қараб, сўроққа жавоб тополмасди.

— Вофодорлигини унутиб, бошимга шамшир кўтариб келганинда не ишга бош суққанингни англамадингми!

— Ҳа, подшоҳим, ўлим! — деди.

Тархоннинг икки ёнида турган сипоҳийлар бандини ташқарига судрадилар. Ҳовлисида қон тўкилишидан кўрқиб ўтирган Аҳмад Ҳожибекнинг елкасидан тош кўчгандек бўлди. Ҳозиргина ўзига ҳукм «ўлим» эканини тан олган Дарвиш Мухаммад тархон дарвозага етганда, обғини остонага тираб, жон аччиғида дарвоза четига устунга ёпишди. Аммо сипоҳийлар унинг қўлларини қайириб олиб чиқдилар. Бир неча лаҳзадан сўнг унинг кесилган бошини товоққа солиб Бойсунгур мирзога кўрсатдилар ва Арқ дарвозасидаги қозиклардан бирига илеб қўйдилар.

Бойсунгур Мирзо ўз биродари бўлмиш Султон Али мирзони Кўсаройга олиб бориб, кўзларига мил тортишини буюрди. Бу ҳукмин айтганда нафис ғазалларни яратган чораги «жиз» этмади. Фақат атрофида ўтирган бекларга қараб, «Ўз соҳибига вафодорлиг қилмаган кимсаларга қўшилишдан олдин, ҳеч бўлмаса «Улар манга вафодорлиг қилармикан» деб ўйлаш керак эмас-миди!» — деб қўйди.

«Султон Али мирзони Кўсаройга чиқариб, кўзларига мил тортидилар. Жарроҳнинг ихтиёри билан ё беҳост миллидан Султон Али мирзонинг кўзларига осибо [зарар] етмади». Жаллод бу ишнинг атайини қилгани ҳақиқатга кўпроқ яқин. Зеро, у подшоҳзодага, гарчи у тутқун ва жиноятчи бўлган тақдирдаям, қўл кўтаришининг охири бахайр бўлмаслигини тушунандир балки...

Султон Али мирзо бу ҳолни ҳеч кимга билдирмади. Кўсаройдан қочиб, ўзини Ҳўжа Аҳрорнинг кичик ўғли Хожа Мухаммад Яхё уйига олиб боришларини сўради. У ерда икки-уч кун яшади. Учинчи кун тунда яширинча қочиб, Бухорога — қатл қилинган Дарвиш Мухаммад Тархоннинг иниси Мухаммад Мазид тархон хузурига йўл олди. Бу ишдан воқиф бўлган Самарқанд аҳли ҳайрон қолди. Улар Султон Али мирзо ўз оғасининг жонига қасд қилганда қочоқ ака Хўжа Аҳрорнинг тўғриқ ўғли хонадонидан, қочоқ ва ўз голиб укасини мағлуб қилиб, унинг кўзига мил тортиргач, қўзи «кўр» мирзо Хўжа Аҳрорнинг кичик ўғли хонадонидан бошпана топганини, «улуғи улуғига мураббий бўлди, кичиги кичигига муқаввий бўлганини» турлича шарҳлардилар. Бу воқеа Хўжа Аҳрорнинг икки фарзанди орасидаям бир оз совуқчилик тушишига сабаб бўлди. Аммо Султон Али мирзо Хожа Мухаммад Яхёенинг уйдан Бухорога қочиб кетгач, бу совуқчилик очик адоватга ўтди.

Шунинг учун ҳам бир неча кундан сўнг Хожа Яхё ҳам Бухорога кетишга мажбур бўлди. Балки бу ишни у олдиндан Султон Али мирзо билан келишиб қилгандир! Ким билади тагин... Тарих фақат қадимий китобларда битилган сўзларни тан олади. Аммо биз тарих асарини битмаётганимиз сабабли гумон қилишга ҳаққимиз бор. Қолаверса, гумон қилишдан кўрққан тарихчи тарихчи эмас. Тарихчи ҳам фақат битиклардаги сўзларгагина сўянмасдан, озгина бўлса-да, гумон билан ҳаёл қилмоққа эғаллигини англамоғи лозим.

Воқеанинг бу тарзда кечаётганидан ташвишга тушган, энг аввало, Самарқанддаги ғалабасидан кўнгли маст Бойсунгур мирзо Бухорога қўшин тортиди. Бухорога яқин ерда Самарқанд қўшинини Султон Али мирзо ва тархон беклари бошчилигидаги Бухоро қўшини қарши олди. Уртада қақшатқич уруш бўлди. Бухорониклар ўз юртларини ҳимоя қилганлари учун ҳам голиб чиқди.

ПОПУЛЯЦИЯ НИМА?

Бундан 25—30 йил муқаддам заҳарли илонларни истаганча овлаш мумкин эди. Академиямиз Зоология ва паразитология институтининг илхонасига Урта Осиёнинг турли жойларидан кўзойнакли илон, кўлвор, чарх илон, қалқонтумшук илон, чўл қора илони олиб келинар эди. Дастлаб илонларни тутқунликда сақлаш усулларини ишлаб чиқиш, ҳар бир илон учун қулай шароит яратиш борасида изланиш олиб борилди. Масалан, кўзойнакли илон тутқунлик шароитига тез мослашар ва узоқ яшар, бошқа тур илонларнинг эса умри қисқароқ эди.

Ҳар турли илонларнинг тутқунлик шароитига бир хил мослашмаслиги ва яшаш муддатининг турлича бўлиши турнинг биологик жиҳатдан ўзига хослигини таъкидлайди. Ҳақиқатан, тур, тур ичидаги гуруҳлардан ўзининг биологик ва морфофизиологик мустақиллиги билан ажралиб туради. Олиб борилган кузатишлар бир турга мансуб илонлар орасида ҳам тутқунлик шароитига турли хил муносабатда бўладиган гуруҳлар мавжудлигини ошкор этди. Масалан, тутқунликда кўлвор илоннинг умри турлича бўлиши тасодифий эмаслиги аниқланди. Туркманистондан ушланган кўлвор илонлар Нурота тоғидан келтирилган худди шундай илонларга қараганда тутқунлик шароитида икки баробар зиёдроқ яшайди, демак икки ҳисса кўпроқ

заҳар беради. Бугина эмас, мазкур илонлар ўзининг катта-кичиклиги, ранги билан ва, энг асосийси, заҳар таркибининг биокимёвий хоссаси билан ҳам ўзаро фарқланади. Катакда яшайдиган илонларнинг атроф муҳитга муносабати ҳам бир хил эмас. Туркманистон ва Кавказдан келтирилган илонлар катакда анча фаол ҳаёт кечиради, яқинлашиб келаётган одам шарпасини сезиши биланоқ яширинишга интилади, бунинг иложи бўлмаса, товуш чиқариб одамни қўрқитмоқчи бўлади. Нурота тоғидан келтирилган худди ана шундай илонлар эса анча камҳаркат бўлиб, катакнинг бир бурчагида узоқ вақт қимирламасдан ётади.

Бир турга мансуб ана шундай икки гуруҳ илонларнинг хулқ-атворидаги тафовутлар уларнинг ҳаёт тарзида ўзига хос қонуниятлар борлигини, аниқроғи, бу қонуниятлар уларнинг ташқи муҳитга муносабати меъёрини билдиради. Бундай қонуниятлар меъёри икки жойда яшайдиган бир турга мансуб илонлар учун ҳам ҳар хил экан.

Лекин гуруҳлар орасидаги тафовутлар ҳамма вақт ҳам ҳайвонларнинг ташқи кўринишида намоён бўлавер-

майди. Масалан Харьков, Псков ва Брест вилоятларидан ушланган оддий қора илонлар ҳар хил шароитда яшашига қарамай, ташқи кўриниши ва катта-кичиклиги жиҳатидан ўзаро фарқ қилмас эди. Лекин мазкур илонлар заҳари солиштирилганда оқсилларнинг миқдори ва электр майдонидаги ҳаракат тезлиги каби хусусиятлари билан учала популяция вакиллари бири-бирдан ажралиб турар эди. Бундай фарқларни ҳар бир популяциянинг ўзи яшаб турган шароитга мосланиш жараёнида юзага келган микроэволюцион ўзгаришлар деб қарамоқ керак. Демак, тўқима оқсиллари даражасида юз берган ўзгаришлар популяциянинг айна шароитга мосланиши учун етарли бўлган, яъни бундай ўзгаришлар илоннинг ташқи кўринишида юз бермаган. Мазкур қонуниятлар фақат илонларга эмас, балки ҳайвонот оламининг барча вакиллари ҳам тааллуқлидир.

Популяцияларнинг бир хил бўлмаслиги биологик қонун, ундан ҳеч нарса истисно эмас, бунга исталган таннинг исталган белгиси бўйсуннади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, биологиянинг турли соҳалари

Бу тало-тасирда Аҳмад Ҳожибек ва бир неча самарқандлик рақиблар қўлига асир тушди. Асир сипоҳийлар ўша заҳотиёқ ўлдирилди. Аммо тархонийларнинг бутун қаҳрини бечора Вафойи — Аҳмад Ҳожибек чекди. «Аҳмад Ҳожибекни Дарвиш Муҳаммад тархоннинг қонининг туҳмати била бекзатона ўлдирдилар».

Султон Али мирзо орқага қочган акаси кетидан қўвиб Самарқандга қараб юрди. Бойсунгур шаҳарга кириб, дарвозаларни бекитди. Оғани можаросидан хабар толган бошқа теурийзодалар ва бошқа ҳукмдорлар ҳам Самарқанд тахтини сўраб воқеаларни яқинроқдан кузатиш, қулай пайтни қўлдан чиқармаслик истагиде Туроннинг кўҳна пойтахти томон отландилар. Бобур мирзо Андижондан, Султон Ҳусайн мирзо Қундуздан чиқдилар. Султон Масъуд мирзо ҳам пайсалламай Шаҳрисабзга келиб қўнди.

Бобур «Бобурнома»да ёзади: «Уч-тўрт ой бу уч тарафидин Самарқандни муҳосара қилдук. Ҳожа Яҳёе Султон Али мирзо қошидан келиб иттифоқ ва яқинқатлик сўзини орага солди. Сўзини кўришмакка қўюб, Самарқанддин икки-уч шаръий қўйроқ Сўғд тарафидин мен чериким била бордим. Ул тарафдин Султон Али мирзо черики била келди».

Андижонга қайтаётганда бундан бир неча ой илгари Ҳисордан келиб Бобур мирзога юкуинган Султон Масъуд мирзо мўғул аскарлари билан Самарқандга — Бойсунгур мирзо паноҳига қочди. Зоминга етганда Ҳамза Султон ҳам ўз аскарлари билан кетишга ижозат сўради. Унинг ҳам нияти Самарқандга бориш эканини билган Бобур, ичидан эл кетса-да, рози бўлди. Қолаверса, Бобур мирзонинг ўйига жаҳонгир бобосининг қонуллари битилган «Тузук Темурий»даги пурҳикмат сўзлар келди: «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликини унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим... Менинг душманим бўлган Тўхтамышон берган туз ҳақини унутиб, вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб, менинг олдимга келганлари учун уларни лаънатладим. «Булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилармиди!» — дедим».

Тўқиз юз иккинчи [1496 — 1497] йилнинг қишини Бойсунгур мирзо қўлга келиши билан бошланмиш тайин бўлган жангларга тайёргарлик билан ўтказди. Аммо тинчлик бўлмади. Султон Али мирзо юборган Абдулқарим ашрит бошчилигидаги қўшин Самарқандга яқинлашганидан хабар топиб, унга қарши Маҳди Султон Бойсунгур мирзонинг илгорини шаҳардан олиб чиқди. Аммо бу жангда тағин самарқандликларнинг омади юриш-

мади. Боз устига бир пайтлар Бобур мирзо паноҳидан ҳузурига қочиб келган Маҳди Султон билан Ҳамза Султонлар вафосизлик қилиб, жанг майдонини ташлаб фирдавсмонанд шаҳар атрофида тинмай айланаётган чавандозлар даврасида ёриб киришни мўлжаллаб турган Шайбонийхон ҳузурига қочдилар. Самарқанд яқинидаги жанг тафсилотини эшитган Бобур мирзонинг юраги яна бир қарра рақиб бўлмиш Бойсунгур мирзога ачишди. «Бобосин ҳикматини унутган неварга ҳоли шундоқ бўлур!» — деди ўзига.

Ҳиёнаткор султонларнинг қочиши Бойсунгур мирзо лашкарининг сонига унчалик таъсир қилмаган бўлса-да, руҳига жиддий зарар етказгани шак-шубҳасиз эди. Аммо баҳор келиши билан қорлар эриб, ёмғир ёғиши табиий ҳол бўлганидек, бу даврда жанг қилиш ҳам худди шундай табиий ҳол бўлгани учун Бойсунгур мирзо Самарқанддан яна қўшин билан ташқарига чиқди. Султон Али мирзо шунни кўтиб турарди. Шиндат билан юриб Самарқанд яқинидаги Ҳожа Кордзанга келиб қўнди. Бу вазиятдан фойдаланган Ҳожа Абулмақорим, андижонлик беклардан Вайс Лоғарий ва Муҳаммад Боқир, Қосим дўлдой, шунингдек, Бойсунгур мирзога яқин анчагина киши Султон Али мирзодан яширин Бухорони бориб босмоқчи бўлиб отландилар. Аммо уларнинг режасидан бухороликлар воқиф бўлдилар ва бу ниёт амалга ошмади.

Утган йилнинг кузида келишилган битим бўйинча Бобур мирзо Андижондан, Султон Али мирзо Бухородан чиқиши керак эди. Бухоро қўшинининг Самарқандга отланиб чиқганини эшитган Бобур мирзо шошилич йўл босиб, Самарқандга яқин Ерайлоқ деган жойга қўнди. Бир-икки кундан кейин у Шерозни қўлга киритиб, Самарқандга яна яқинроқ Ййпор даштга кўчиб ўтди. Уша кунни Бобур мирзонинг қошига Бойсунгур мирзо тарафида турган бекларнинг бир нечаси келиб юкунди. «Сўзлари бу эдиким, Бойсунгур мирзо кўчуб ёнғоч, биз [ундан] айрилиб, подшоҳ қўллуғига келдук. Охир маълум бўлдиким, булар даъво била Бойсунгур мирзодан айрилиб, Шерозни сақлагали келган энандурлар. Шероз киши мундоғ бўлгач бўлуб келубтурлар». Бобур мирзо ичидан қуюлиб келаётган бобосининг сўзларини эшитмаганга олди ва ўз аҳволи Бойсунгур мирзо аҳволидан асло фарқ қилмаслигини тан олди. «Бобосин ҳикматини унутган неваралар ҳоли қандоқ бўлур!» — деди алам билан ўзига-ўзи.

Қўшин Шероздан чиқиб Қорабулоққа, ундан сўнг сув кечиб Ём тўғрисига келиб тушди. Уша куннинг ўзиёқ баъзи беклар Ҳиёбон яқинида Бойсунгур мирзо навкарлари билан жанг қилди.

бўйича тадқиқотларда ҳайвоннинг ташқи белгиларига асосланиб хулоса чиқариш ҳозирги кунда етарли эмас. Демак, тўлиқ маълумот олиш учун тирик таннинг ҳар хил ҳаётий даражаларини, яъни ҳужайра, аъзо, оқсил, жонивор ва популяция даражасидаги кўринишларини тадқиқ этиш зарур.

Ҳайвонларнинг муайян уюшмаларидаги турли-туманлик масаласига қайтайлик. Барча ҳайвон турлари ичда ранги, катта-кичиклиги, ташқи муҳит омилларига турлича муносабатда бўладиган гуруҳлар бор. Яъни, ирсий белгиларнинг хилма-хиллигини кўрсатадиган далилларга дуч келамиз. Бундай ҳодиса полиморфизм деб аталади. Полиморфизм барча турлар ва даярли барча синф вакиллари орасида тарқалган.

Баъзан мутахассис ҳам маълум турга мансуб ҳайвонлар орасидаги ташқи тафовутни кўра олмайди. Кузатишлардан маълумки, бир қарашда айнан бўлиб кўринган ҳайвонлар орасида уларнинг биологик турли-туманлиги яшириниб ётади. Полиморфизм доимо кўзга яққол ташланавермайди. Шунинг учун ҳам биз турларнинг биологик турли-туманлиги ҳақида ҳали тўла тушунчага эга эмасмиз.

Илонхонага келтирилган илонларни ўрганиб, шу нарса аниқландики, уларнинг исталган бир гуруҳидан илонлар бир-биридан ўсиши, вояга етиши, сер-

пуштлиги, дармондори ва намликка муносабати жиҳатидан фарқланар экан.

Турнинг умумий ўзгарувчанлик даражаси яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқдир. Нисбатан турғун шароитда ўзгарувчанлик имконияти камаяди, агарда яшаш муҳити ўзгарувчан ва турлича бўлса, алоҳида белгиларнинг ўзгарувчанлиги ҳам кескин ошади.

Мисол учун сувда ва қуруқда яшовчиларнинг личинкаларини олайлик. Улар доимо сувда ривожланади. Кўпчилик бақа турларининг вояга етганлари эса қуруқликда яшайди. Сув муҳити личинкаларнинг ривожланиш даврида нисбатан турғун бўлади. Қуруқликда эса бу ҳайвонлар турли хил яшаш шароитларини танлаб олади. Шундай қилиб, сувда яшайдиган личинкаларда ҳар хил белгиларнинг ўзгарувчанлиги вояга етган ҳайвонлар (қуруқликда яшайдиганлар)га қараганда анчагина кам бўлади. У личинкаларда 5—10, вояга етганларида эса 10—30 фазини ташкил этади. Вояга етган бақаларнинг сувда яшайдиган турларида ҳар хил ривожланиш босқичида ўзгарувчанлик даражаси бунчалик катта бўлмайди.

Ҳайвонларнинг яшаш шароити тубдан ўзгаргандан юз берадиган ҳодисаларга яна бир мисол келтирамиз. Илонхонамизда илонлар табиатдаги-

дек қиш мавсумида уйқуга кетмайди. Улардан йил бўйи заҳар олинади. Заҳарли илонларда ёзда тугилган болаларининг бир қисми ўлмасдан қолади. Бундай илонлар тез ўсади ва қисқа муддатда вояга етади. Ана шундай илонларни табиатдан ушланганлари билан қиёслаганда илонхонада ўсган бир яшар илон катта-кичиклигига ва вазнига кўра даладан ушланган 2—3 яшар илонга тенг келиши маълум бўлди.

Ҳар бир биолог «популяция»нинг маъносини яхши билади, лекин бу сўзнинг аниқ таърифи кўпинча тадқиқотчининг илмий вазифасига боғлиқ. Популяция ўзаро урчидиган ягона (бунда генетик яқинлигига амал қилинади) ёки бир ерда яшайдиган ҳайвонлар йиғини ёки ўсимлик ва ҳайвонлар тўдасининг тур даражасидаги таркибий қисми деб таърифланади.

Демак, популяция узоқ муддатга ўзининг сонини идора қилиш учун барча зарур шароитларга эга бўлган жониворларнинг оддий йиғини ва улар ҳаётининг бирлигини белгилайдиган ҳамда маълум умумий хусусиятлари билан ажралиб турадиган оддий жониворлар уюшмасидир.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
УзССРЖ ФА Зоология ва паразитология
институтининг лаборатория мудири,
биология фанлари номзоли.

Сўнг кўшин Самарқанднинг шарқий тарафидаги, шаҳардан уч қуруқ масофадаги Хон юрти деган ерга кўчди. Қирқ-эллик кун давомида Бобур мирзо шу ерда манзил қурди, аскарлари гоҳ-гоҳ Хиебонга чиқиб жанг қилиб турардилар.

Темур тиклаган, буюк хилқат шарпасига айланиб қолган салтанатнинг ҳамма ерида нотинчлик ҳукм сурар, ҳатто Мовароуннаҳрга нисбатан бир оз тинчроқ бўлиб туюлган Хуросондаям ур-сур бошланган эди. Агар Самарқанд атрофида темурийзодалар бир-бирини қилич пешлаб чиққан бўлса, Хуросон тупроғида ўғил отага тиг кўтарган эди. Аммо ота билан ўғил низои беаёб гўдак — Султон Ҳусайн мирзонинг набираси ва Бадиуззамоннинг ўғли Мухаммад Мўмин мирзонинг гуноҳсиз қони тўкилишига сабаб бўлди. Бу золим давр даҳшатини англаш учун буюк Алишер Навоийнинг форс тилида битилган ғазалидан тўрт байтни эслатиб ўтмоқчиман:

Олами хоҳам, ки набад мардуми олами дар у
К-аз жафои мардуми олам набошад гам дар у.
Не бар рӯз ашки асиронаш намояд сели қатл,
Не ба шаб з-охи ғарибон киввати мотам дар у.
Не зи бедоди фалак дар вей дили бо сад олам,
Не зи шамшери ситам сад захми бемарҳам дар у.
Н-аз парирӯён дар ў хейли ҳамма ноодамий,
Не заҳорон дев аз жинси бани одам дар у...

Мазмуни: Бир олам истайманким, унда давримизнинг одамлари бўлмасин, бу оламда одамнинг жафосидан гам бўлмасин. На унинг кундузида кўз ёшининг ўлим сели кўринсин ва на кечасида ғариблар оҳидан мотам либоси бўлсин.

На унда фалак зулмидан юз аламли бир кўнгли ва на ситам қиличдан марҳамсиз чорасиз дил яраси бўлсин.

На унда одамгарчилиги йўқ парилардан бир тўда ва на одам жинсидан чиққан мингларча дев бўлсин...

Бобур кўшини Хон юртидан кўчиб Боғи майдоннинг орқасидаги Қўлба ўлангига келиб қўниши билан жанглار баттар авж олди. Даярли ҳар кун жанг бўларди. Бир савашда Самарқандда қамалганлар, бир жангда уларни қамаганларнинг қўли балаңд келарди. Шундай жанглarning бирида Бобур мирзо аскарлари ташқарига чиққан жуда кўп бек ва фуқароларни қўлга туширдилар. Уларни бир неча кун олдин шаҳарликлар ҳийласига учиб Ғори Ошиқон томондан ичкарига кирмоққа уруниб нобуд бўл-

ганлар қасосида ўша машҳур ғорнинг яқинида қатл этдилар.

Шундай қилиб, қўлга тушган самарқандликлар Ғори Ошиқонда нобуд бўлган Бобур мирзо аскарлари қасосида ўлдирилди. Мана шу воқеадан сўнг қамалдагилар шаҳардан бош чиқармай қўйишди. Бироқ, бу гал ҳам яқинлашиб қолган қишининг совуқ нафасидан қамал қилиб турганларнинг кўнглига ташвиш тушди. Шунга қарамай, улар гапни бир жойга қўйиб кутишга аҳд қилдилар. Улар шаҳар ичда бошланган оғир аҳволдан яхши хабардор бўлганлари учун ҳам «тангри инояти била бу кун қам бўлса олурбиз, тонгла ҳам бўлса олурбиз» — дедилар. Аммо кун совигани тўфайли Бобур кўшини Хўжа Дийдор кўрғони яқинида қишлов учун уйлар тиклашга қарор қилдилар.

Қамал қилиб турганларнинг аҳди қаттиқ эканини билиб Бойсунғур мирзо шаҳардан ҳуфя одам чиқариб, Туркистонга — кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Шайбонийхон қошига борди ва ундан кўмак тилади. Бобур мирзо билан Султон Али мирзо кўшини янги қурилган уйларга кирган кунларнинг бирида Шайбонийхон кўшини етиб келиб жуда яқинда тургани ҳақидаги хабар етди. Қамал бошчилари ваҳимага тушдилар. Чўнки, уларнинг кўп аскарлари совуқдан қотиб ён атрофдаги қишлоғу қўрғонга тарқалиб кетган эдилар. Хўжа Дийдордаги озчилик одам билан эса Шайбонийхонга рўпара бўлиш нодонлик бўларди. Аммо илож йўқ — душман яқин, жанггоҳ тайёр эди.

Бобур мирзо бор одами билан душманга қарши чиқди, ҳеч қутилмаганда Шайбонийхон жанг қилишдан қочиб Самарқандга қараб чекинди. Уялаган режаси амалга ошмаганидан Бойсунғур мирзо кўчманчиларини нохуш кўтиб олди. Совуқ муомаладан ранжиган Шайбонийхон ўз юртига қайтди. У бу шаҳарга яна қайтишни, қайтгандаям қандай куч билан қайтиш мумкинлигини уйлаган бўлса ажабмас. Қолаверса, у рақиблирининг аҳволи нақадар ночор эканини ўз кўзи билан кўрган эди.

Самарқанд қамали етти ой давом этди. Сўнги умиди — кўчманчи ўзбеклар нажотидан айрилган Бойсунғур мирзо озгина лашқари ва яқинлари билан Қундузга қочди. У ерда отасининг яхшиликларини кўп кўрган Хусравшоқ ҳукмрон эди. Йўлда, Термизга яқин ерда Амўни кечиб ўтаётганда Термиз ҳокими Сайид Ҳусайн Акбарнинг қўлига тушишига сал қолди. Хусравшоқ Бойсунғур мирзони яхши кўтиб олди.

Бойсунғур мирзо қочганини эшитган Бобур мирзо Самарқандни эгаллади. Бу, рабиулаввал ойининг охирида содир бўлди. Тарих тўққиз юз учинчи (1497 — 1498) йил эди.

ИСЛОМ—ИЛМ ДЕМАКДИР

Ойномамизнинг бултурги 6-сонида берилган шу сарлавҳали суҳбат юзасидан олинган хатларга Урта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфтий МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФнинг жавоблари.

Бу хат муаллифи бир оз саводлироқ бўлса керак, турли ўқиган атеистик китобларидан ихтибослар келтиради. Атеист кишилар қилган таржималардан фойдаланиб, Қуръони каримга, мусулмонларга катта бир тўхмат қиладики, буни Қуръоннинг «Аҳзоб» сураси 52-оятини таржима қилишидан билиб олсак бўлади. Бу таржимада: «Э Муҳаммад, сенга ушбу 9 хотиндан сўнг бошқани олмоқ ҳалол эмасдир, агар хотинларингдан бирини талоқ этиб, ўрнига иккинчисини олганингдагина ҳалол бўлади» деб ёзилган.

Оллоҳга қасамки, «Аҳзоб» сурасининг 52-оятда 9 хотин деган гап йўқ. Буни қаердан қўшиб олишди, буни ким қўшди, Қуръонга, мусулмонларнинг пайғамбарига нисбатан нега бундоқ тўхмат қилишади, мусулмонларни нима учун бундоқ ҳақорат қилишади, бунга, менимча, жавоб бериш керак бўлади. Наҳотки киши ўйламай-нетмай, Қуръон матни маъноларининг таржимасига ўзидан қўшиб ёзса, ўзининг фикрини Қуръоннинг сўзи деб айтса. Менимча, бундоқ бадкорликка журъат этадиган одам билан, нотўғри фикрлайдиган одам билан баҳс қилишнинг кераги йўқ.

Агар динга эътироз билдирадиган бўлсангиз, дин тўғрисида фикр айтадиган бўлсангиз, «Ислом-илм демакдир» суҳбатида айтиб ўтганимиздек, исломнинг ҳақиқий манбаларидан, ҳақиқий масдарларидан далил келтиринг, ана шунда ҳақиқатни айтган бўласиз, лекин бу хат муаллифига ўхшаб ўзининг фикрини қўшиб, мана бу Қуръон деб ёки мана бу ҳадис деб, аслини бузиб кўрсатиб далил қилиш менимча ҳеч қандай одобга тўғри келмайди.

Учинчи бир мактуб Сирдарё вилояти Гулистон ноҳияси Крестьянская қасабасининг Октябрь кўчаси 56-уй 15-хонадонда истиқомат қилувчи Гулҳаё Каримовадан. Бу хат муаллифи 10-синфни аъло тугаллашида ойноманинг катта ҳиссаси борлигини айтиш билан бирга, ойнома «Ислом — илм демакдир» суҳбатини босиб катта хато қилганлигини таъкидлайди ва ўзининг бир қанча эътирозларини, норозилиklarини айтиб ўтади.

Гулҳаё Каримованинг айтиши бўйича, дин инсонларни иккига бўлиб қўйган, яъни кофир, мусулмон деган. Бу дегани дин мусулмон бўлмаган одамни тан олмайди, уни мусулмон бўлмагани учун хўрлайди деган гап эмас. Ислом бошқа дин вакилларига қандоқ муносабатда бўлиши ўша суҳбатимизда ҳам, бошқа мақолаларимизда ҳам яққол айтиб ўтилган.

Яна бу хат муаллифи атеистик китоблардан олган ёки тасавурида дин деб тушунган нарсани танқид қилиш билан худди Исломни танқид қилиб, ҳақиқатни юзага чиқаргандек фахр билан ёзади. Бу албатта ёшларга хос нарсаси, буни кечирса ҳам бўлади.

Шулардан битта кашфиёти — бу қизнинг ислом 7 та хотин олишга рухсат берар эмиш, яъники ўз сўзи билан айтганларидек ожиза, занфаларга 7 тагача кундош устига тегиш мумкин экан деганидир. Бу ҳеч қандай асосга эга эмас, ёлгон, тўхмат, бўҳтон гап. Шунингдек, 7 ёшдан рўза тутиш ёки 13 ёшдан турмушга чиқиш ҳам. Йўқ, бу нарсалар мажбурий эмас. Исломда таклиф ёши инсон балоғатга етганидан сўнг бошланади.

(Боши ўтган сонда)

Бу қизнинг журъати ниҳоятда юқори даражага етиб, шарнат қонунларининг кўпи куракда турмайдиган қонунлар дейишгача бориб етади. Бу борада талоқ масаласини ўртага қўяди. Албатта, Гулҳаёни ўраб турган кишилар доирасида талоқ кулгили туюлади. Чунки исломдан ҳеч нарсани билмайдиган, исломнинг ҳеч бир нарсасига эътибор қилмайдиган одамлар талоқнинг нималигини қаёқдан билсин. Ваҳоланки, талоқ мусулмон кишиларга, мусулмон ақидаси билан, мусулмон ҳукмларига амал қилиб яшайдиган кишиларга чиқарилган битта қоида, қонунки, уни мусулмонлар татбиқ қилганларида ниҳоятда ҳикматли, ниҳоятда ажойиб ҳукм экани яққол намоён бўлади.

Гулҳаёнинг фикрича, ислом илмга, маърифатга қарши бўлган, шу боис афғон нодон, камбағал халқ эмиш. Афғонларнинг шундай бўлгани ҳам исломдан эмиш. Балки исломни тарк қилганларидан, исломдан узоқлашганларидан дур? Менимча, 10-синфни битирган, ўзини маданиятли ҳисоблайдиган қиз бутун бир афғон халқини нодон халқ, нодон мамлакат дейиши афғон халқи учун ҳақорат, бўҳтон, тўхмат бўлади. Чунки афғон халқи ўз маданиятига, илмига, ўзига яраша ғурурига эга халқ. Биз мусулмонларда бир халқ тўғрисида бундай гап гапириш ниҳоятда беодоблик бўлади.

Шундан сўнг Гулҳаёнинг Ленин ёмон одам бўлганими, у «дин — халқ учун афюндир» деган-ку деган эътирози ҳам бор. Менимча, «дин — халқ учун афюндур» деган сўзни Ленин эмас Маркс айтган. Узингиз ақидасига эришадиган кишилар нима деганини, ким қайси гапни айтганини билмай туриб, уларнинг этагидан маҳкам ушлашингиз мени жуда ҳам ажаблантиради. Лекин, майли, саволингизга жавоб берай. Аслида Маркс ҳам бундай демаган. «Капитал» асарининг инглизча нусхасидан шу гап топилганда Маркс «Дин — халқ учун нажотдир, юпанчдир» деб ёзгани маълум бўлди. «Юпанч» сўзи рус тилига «тинчлантирувчи» маъносига «афю» сўзи билан таржима қилинган, ўзбекчада эса «заҳар» маъносига ишлатиладиган бўлиб қолган.

Гулҳаёнинг фикрича, Ибн Сино, Умар Хайёмга ўхшаган кишилар ҳеч қачон худога, у дунёга ишонишмаган. Ибн Сино, Умар Хайём, уларга сафдош ўтган улўғ алломалар бу даъвони эшитишса нима дейишарди? Зотан, бу зотларнинг бари ўз даврида Оллоҳга бўлган чуқур эътиқодларини ёзиб, айтиб ўтишган, уларни динсиз дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Навоий исломнинг баъзи қондаларига қарши чиққани ҳам ҳеч қандай асосланмаган гап, эҳтимол, Гулҳаёнинг ўзи исбот қилиб берай.

Шунингдек, бу қиз ўзи ниҳоятда катта кофир эканлигини фахр билан айтади. Унинг айтишича, ақл-идрокли инсонлар ҳеч қачон худога ишонишмаган, рўза тутишмаган, намоз ўқишмаган. Худога оми, нодон халқ ишонган, холос. Ана холос, дунёда ҳозир худога ишонган кўпми ёки Гулҳаёга ўхшаган худосизлар кўпми, буни бир ўйлаб кўриш керак бўлади. Мен юқорида пешқадам олимлардан 290 таси ўртасида олиб борилган сўров-саволлар натижасини айтиб ўтдим. Яна такрорлашга ҳожат йўқ.

Хатининг ниҳоясида Гулҳаё «мен қандайдир юқори илоҳий куч борлигига ишонаман, лекин муфтий жаноблари айтган худога эмас» дейди. Бу, албатта, нотўғри тушунча. Менимча, буларни баҳс қилиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Агар ихтиёр ўзимда бўлса-ю «Фан ва турмуш» ходимларининг қатъий талаблари бўлмаса, бу хатларга эътибор ҳам бермас, вақтни ўтказиб жавоб ҳам айтиб ўтирмас эдим, аввалги гапларимни яна такрорлашга мажбур бўлмас эдим. Лекин узоқ давом этган диний саводсизлик таъсирида пайдо бўлган дин тўғрисида нотўғри

тушунчаларни бир оз бўлса-да юмшатишга фойда берармикан деган умидда мана шу фикрларни айтиб ўтишни лозим топдим.

Учинчи бир тонфа хатлар ҳам борки, булар чет эллардан келган. Шулардан бири, туркиялик Собир Сайхон исмли қардошимизнинг мактубига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу киши «Фан ва турмуш» ойномасидаги «Исломи-илм демакдир» номли суҳбатни бошқа муҳожир ватандошлар қатори кўзда ёш билан такрор-такрор, диққат-эътибор билан ўқиб чиққанлигини таъкидлаб, ҳам каминани табриклаб, жуда ҳам бир кўнгилли, хушхол сўзларни айтадики, бу киши ҳақиқатан юқори маданият эгаси, ўзбек миллатининг ажойиб бир намоёндаси экани хатнинг ўзидан кўриниб турибди. Бу киши жуда кичик пайтларида, яъники бир ёшлик вақтларида ватандан жудо бўлганликларига афсусланиб айтадиларки, биз ватанга боришни, она ватан тупроғини кўришни, қардошларимизни зиёрат қилишни жуда-жуда хоҳлаймиз деб.

Дунёнинг турли жойларида ўзбек халқининг вакиллари турли сабабларга кўра тарқалиб кетган, энг муҳими, энг асосийси — Сталин ва атрофидаги жаллодларининг зулмиситамидан ўзини, динини, имонини сақлаш учун ҳижрат қилишга, бошқа диёрларга сафар қилишга мажбур бўлган кишилар ва уларнинг авлодлари жуда ҳам кўп. Ўзбек миллатига мансуб шундоқ кишилар ҳозирги кунда Афғонистон, Хитой, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқа баъзи ғарб давлатларида истиқомат қилмоқдалар. Улар ҳозирги кунда ўзларини ўзбек миллатининг ажралмас қисми деб биладилар ва ўз миллати учун хизматга тайёр эканликларини билдирадилар.

Биродаримиз Собир Сайхонга жавоб тариқасида айтманки, сиз умид қилган, эркин ҳолда она юртингизга кириб бу ердаги халқингиз вакиллари билан учрашиб ва халқимиз учун, Ўзбекистон учун хоҳлаган хайрли ишингизни қила оладиган вақт иншооллоҳ яқинлашиб келмоқда. Сиз биздан илтимос қилиб, муфтий ҳазратлари, ана шу нарсаларда ёрдам беринг, халқимиз учун қилаётган ишларингизга раҳмат, яна кўпроқ ишларни қилинг деган мурожаатларни айтибсиз. Қадрдон, бу бизнинг муқаддас бурчимиз, албатта, бу борада баъзи ишлар қилинди ҳам. Мана, ҳукумат вакиллари билан келишиб, чет элларда юрган ватандошларимизни эътиборга олишимиз зарурлигини тушунтириб, анча ишларни қилдик.

Шу жумладан яқинда ўтган ҳаж сафарида Саудия Арабистонидаги халқимиз вакиллари билан мулоқотда бўлиб, у ердаги маҳаллий ҳукумат вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларга ҳақиқатни тушунтирдик. Мана, Оллоҳга шукурлар бўлсинким, ўша диёрдан халқимизнинг баъзи фарзандлари 59 — 60 йил айрилиқдан кейин ўз она юртларига келиш шарафига муяссар бўлдилар. Бу йилнинг аввалида қадрдонларимиз, қардошларимиз Файзулло Марғилоний ва Абдуқодир акалар келиб, узоқ мuddат она юртда туриб, бу ерда бўлаётган ишларни кўриб, хурсанд бўлиб қайтиб кетдилар. Ҳозирги кунда 9 нафар ватандошимиз келиб, биз билан бирга юрибдилар, Ватан билан танишптилар. Келажакда иншооллоҳ, яна шундоқ гуруҳларнинг келиши кўзда тутилмоқда.

Биз Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳат қилиб, чет эллардаги ватандошларимиз, ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг она ватанга эркин келиб кетишларини, она ватан равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшишларини йўлга солиш мақсадида марказий ҳукумат билан келишмоқчи ва улар турли идораларга керакли буйруқларни беришларини йўлга қўйиш ҳақида иш олиб боряпмиз. Иншооллоҳ, у нарсалар тезда йўлга тушиб кетади деган умидимиз бор.

Муҳтарам ватандошимиз Собир Сайхон! Сизга ниҳоятда юқори маданиятли даражада ёзилган хатингиз учун миннатдорчилик билдираман. Халқимиз маданияти ва равнақи учун бўлган шавқингиз, завқингиз учун ташаккур. Сиз мана шундоқ эътибор билан бизнинг суҳбатимизни ўқиб юқори баҳолаганингиз учун ташаккур. Иншооллоҳ, кўришиб ҳам қолармиз ва сиз орзу қилган пайтлар ҳам тезда етиб келар деган умиддамиз.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Муҳарририятимизга кўпгина муштарийлар кўнгириқ қилиб, бир қанча ойнома ва рўзномаларининг обуна баҳоси янги йилдан ҳатто икки, икки ярим баравар ошганлиги, лекин «Фан ва турмуш» ойномасининг нархи ҳусусида бирон маълумот йўқлигини айтиб, унинг баҳоси қанча бўлиши билан қизиқишмоқда.

Азиз мухлисларимизга шуни маълум қиламизки, муҳарририятимиз қадрли муштарийларимизнинг ғамини еб, инсоф юзасидан ойнома баҳосини атиги эллик фоизгагина оширди. Шундай қилиб, 1991 йилдан бошлаб «Фан ва турмуш» ойномаси битта сонининг нархи 60 тийин, ярим йилга 3 сўм 60 тийин, бир йилга 7 сўм 20 тийин. Индекс 75421.

БОЙҚУШ ШУНДАЙ ОВ ҚИЛАДИ

Бойқуш сичқон овлаётганида қулоқлари динглигидан ёки кўзи ўткирлигидан фойдаланадими! Буни аниқлаш учун АҚШдаги Стэнфорд дорилфунуни биолог олимлари ўн иккита бойқуш жўжасига ўнг томонини кўрсатувчи, силжийдиган махсус призмали кўзойнак тақиб қўйиш-

ди. Жўжалар қоронғи хона марказида пирпираётган нур ҳаракатларини кузатиб, ҳар замонда секундсекин чийиллаб қўйишарди ва уни қайсидир нуқтада тўхталишини пойлашарди. Кузатишлар бойқушларнинг фақат ўнг томонига қараётганини кўрсатди.

ҒАРОЙИБ БУЗОҚЧА

Табнат турли мўъжизасиз мўъжизалар ижодкоридир. Бу галги ғаройиб воқеа Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ноҳиясига қарашли Охунбобоев номли жамоа хўжалигида рўй берди. Беш оёқли бузоқча туғилганидан биринчи бўлиб хонадон бекаси Ойсара она Равшанова хабар топди.

Бешинчи оёқ таянч вазифасини ўтай олмасда, худди вертолёт парраклари каби ҳаракатланади. Мутахассислар фикрича аслида бузоқча эгиз туғилиши мумкин экан-у, аммо ривожланиш давомида қўшилиб кетган бўлса ажаб эмас эмиш.

Бир ёшдан ошган бу ғаройиб бузоқча қишлоқдагиларга текин томоша бўлиш билан бирга одатдагидай соғлом ўсмоқда.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти, Пастдарғом
ноҳиясидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.



«СИ АС» НИНИГ СИРЛАРИ

ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ ТИМСОЛИ

Свастика нишонга айланиши ҳақида сўз юритишдан аввал икки оғиз бут устида тўхталиб ўтиш керак, зотан унинг асоси бут шаклидан иборат. Шарқда хоч, салиб, санам, манот деб ҳам аталадиган бут насроний динининг рамзи ва топиниш ашёси ҳисобланади.

Ибтидоий жамоа тузуми даврига онд археологик топилмаларга қараганда, бутга сиғиниш одати қадим замонларга бориб тақалади. Ибтидоий одам гулхан ёқиш учун бир-бирининг устига кўндаланг қўйилган иккита ёғочдан фойдаланган, чунки бу усулда ўт чиқариш жуда қулай эди. Ибтидоий одам учун эса олов ҳаёт рамзи бўлган, қадимги юнонлар инсонга оловни ҳаёда этган Прометей ҳақида гўзал афсона яратганлари ҳам бежиз эмас. Модомки, олов шунчалик аҳамиятга эга экан, ўт чиқариш воситасининг аҳамияти бундан кам бўлмагани табиий ҳол. Чиндан ҳам кўндаланг қўйилган иккита ёғоч — бут шакли маълум даврлар ўтганидан кейин фетишга — диний эътиқод буюмига айланиб қолди.

Бора-бора бутга сиғиниш Миср, Осурия, Бобил, Қадимги Юнонистон, Қадимги Рим, Кичик Осиё ва кўҳна дунёнинг бошқа жойларига кенг тарқалиб кетиб, турли халқларнинг диний таълимотидан, шунингдек, будда динидан ҳам ўрин олди. Христиан дини пайдо бўлган дастлабки даврларда (II асрда) бут ҳали унчалик кучли мавқега эга эмас эди. Кейинчалик Исо Масихнинг бутга михланиши тўғрисидаги ривоят яратилиши натижасида у насронийликнинг асосий рамзига айланиб кетди.

Исломи дини пайдо бўлишидан олдин, яъни мажусийлик даврида Арабистондаги қабилаларда ҳам бутпарастлик одати мавжуд эди, яъни ҳар бир қабилга ўзининг худосига, уни ифодаловчи бут (санам)га топинган. [Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Шарқ шеърятинида маъшуқани санам деб аташ ана ўша даврдан қолган]. Маккадаги ибодатхона — Каъбада қабила худоларининг 360 та санам бўлган. Исломи дини шаклланиб, яқка худога сиғиниш расм бўлганидан сўнг бутлар Каъбадан чиқариб ташланган. Кўп худолликка эътиқод қиладиган қоққабилаларда, хусусан Африкадаги кўплаб қабилаларда бутпарастлик одати ҳануз давом этиб келади.

Бут ҳақида гапираётганимизнинг са-

баби — у свастиканинг асоси эканлигида, деб айтиб ўтдик. Чиндан ҳам бутнинг тўртала учини тўғри бурчак остида қайирсангиз, свастика ҳосил бўлади.

Свастика Қадимги Ҳиндистонда пайдо бўлган. Санскрит тилида «си» — «яхши», «ас» эса «бўлмоқ» деган маънони билдиради. Афсуски, у қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Эҳтимол, бирон манбада свастика фалон даврда пайдо бўлган, деган аниқ маълумот бордир. Лекин, ҳар қалай, бу тўғрида мавжуд маълумотлар асосида ҳам тахминий фикр юритиш мумкин. Санскрит тили Қадимги Ҳиндистонда милoddан аввалги биринчи асрда муомалада бўлган, демак свастиканинг ёши бундан кам эмас. Бу рамзий белги миждияликларга таниш бўлган дедик, улар тўғрисидаги илк маълумотлар эса милoddан аввалги IX асрга оиддир. Бинобарин, свастика энг камида 3000 йил олдин пайдо бўлган дейишга асосимиз бор. Буни ҳикоямиз аввалида тарихий романдан келтирилган парча ҳам тасдиқлаб турибди.

СВАСТИКАНИНГ МИНГ БИР МАЪНОСИ

Юқорида кўриб ўтдикки, санскрит тилида сўзма-сўз таржима қилинганда «свастика» — «яхши бўлмоқ» деган мазмунни англатади. Яъни, бу белги авваламбор эзгуликка интилиш рамзидир. Яхши бўлишга уриниш эса инсонга хос хусусият. Бинобарин, Афросиёбдаги сарой нақшларида тортиб Худоёрхон ўрдасининг безакларида ҳам акс этган свастика инсоннинг эзгуликка интилиш йўлидаги юксак орзуларининг гўзал бир тарзда ифодаланишидир. Масжид меҳробида, Оллоҳ сўзининг ёнида келиши билан эса у ҳаққа етишиш маъносини ҳам англатса ажаб эмас.

Озарбайжонлик тарихчи олим Қора Аҳмадовнинг ёзишича, свастикага бошқа тилларда берилган «чархи гардун», «чархи фалак» каби номлар ҳам унинг ҳаракат рамзи эканлигини тасдиқлайди. «Бошқа тиллар» деганда олим қайси тилларни назарда тутаётганини билмадиг-у, лекин юқоридаги сўзлар арабий ва форсий бўлиб, «айланувчи осмон», «айланувчи фалак» деган маъноларни билдиради.

Дарҳақиқат, свастикада айланма ҳаракат ифодаси мавжуд. Диққат билан қарасангиз, у учлари қайрилган томонга қараб айланишга мойилдек кўринади. Қани, тасаввурингизни бир си-наб кўринг-чи: у нимани эслатапти? Агар топишга қийналсангиз, бир свас-

тика устига бошқасини чизиб кўринг, фақат чизиклар бир-бирининг орасига тушсин, учлари ҳам бир тарафга қарасин. «Чархпалак-ку бу!» дейсизми? Ҳа, худди ўзи. Болалиқда ҳар биримиз ариқча устига қурган ўйинчоқ чархпалак, тик соҳилга сув чиқариб берадиган катта чархпалак бу. Яна ким биларди дейсиз, чархпалакни кашф этган илк муҳандисга свастика шакли турки бермаганмикан! Дарвоқе, свастика айланма симметрияга асосланганини «Симметрия» номли асарида машҳур немис математиги Герман Вейль ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Энди свастиканинг бошқа бир маъноси ҳақида. Урхун-Енисей ёзувларидаги сўнги ҳарф йиқилган (икки бурчагида турган) свастика шаклига ўхшаб кетади. Свастика инсон ҳаракатининг рамзи эканини назарда тутса, бу, эҳтимол, инсоннинг ҳаёти бу дунёда тугаши ва у дунёда давом этишини англатса керак. Шуниси қизиқки, бир қатор қадимий ёзувларда, масалан, финикия алифбосида, крит ёзувида, руник ёзувида сўнги ҳарф хоч (бут) шаклидадир (свастиканинг ўзаги хочдан иборатлигини унутманг). Қадимги Миср иероглифларининг охиригиси ҳам хоч кўринишида тасвирланган.

Ҳоч сўзи баъзи халқларда бирон ниманинг чеки, тугаши, йўқолиши маъноларида ҳозирги вақтда ҳам ишлатилади. Чунончи, русча «Бирон нимага крест қўйиш», озарбайжонча «Бирон нимага хоч қўйиш», ўзбекча «Бирон нимага чек қўйиш» иборалари бунга яққол мисолдир. Швеция-Норвегия руник ёзувларининг сўнги ҳарфи ноль маъносини билдиради. Балки хоч ҳам «ўлиш», «йўқ бўлиш», нолга, яъни ҳеч нимага айланиш маъноларини англатар!

«БЕШ КУНЛИК ДУНЁ»НИНГ РАМЗИМИ!

Шу жиҳатдан свастика билан 5 рақами ўртасида муайян муштараклик борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Миср иероглифларида, Кипр ва Крит-Микен ёзувларида 5 рақами инсон шаклида, Синай ёзувида — ўйнаётган одамлар шаклида тасвирланган («Мидия тарихи» асаридаги ва Қобистон қояларидаги свастика тасвирини эсланг). Бундан ташқари, свастика билан 5 рақамининг ёзилишида ҳам ўхшашлик кўрамиз: икковида ҳам камроқ жойни эгаллаши учун юқориги ва пастки чизиклар қайириб қўйилади.


Свастиканинг тугалланиши, йўқ бўлиш маъноси бор дедик, буни 5 рақамда ҳам кўриш мумкин: «беш кунлик дунё», «инсоннинг умри беш кунлик»

деган иборалар бор. Яна шуниси қизиқки, қадимги нота ёзувларида бешинчи нотанинг ишораси бешта чизиқдан иборат бўлиб, свастиканинг бир қўлини эслатади. Энг қадимги дафн одатларига кўра, марҳум оёқ-қўллари тирсак ва тиззадан букилган ҳолда дафн этиларди. Мидияликлар свастикаси эса айнан шу қиёфадаги одам шаклида бўлган.

Бешининг инсон ҳаётида тутган ўрнига жуда кўплаб мисол келтириш мумкин. Бу ҳақда академик Н. И. Конрад шундай деб ёзади: «...Мен «бешлик» ҳақида ўйлаганимда кўз ўнгимдан «бешликлар» саф-саф бўлиб ўтади. Мусо ва Конфуцийнинг «Беш китоби», қадимги Хитойдаги ва ҳинд Ведантасида кўрсатилган моддий оламнинг илк беш нусури [сув, ўт, дарахт, маъдан, тупроқ — Р. О.], кишилик жамияти ҳаётини бошқаришга доир беш омил [давлат ва халқ, ота ва ўғил, эр ва хотин, ака ва укалар, дўстлар, яъни бири бошқасига боғлиқ одамлар], давлатнинг беш вазифаси [қонун чиқариш, ижро этиш, маҳкама, тарбия, назорат], беш ҳиссий аъзо [кўрмоқ, эшитмоқ, ҳид сезмоқ, таъм билмоқ, қўл билан ўшламоқ], беш хил таассурот [сезинч, ғам, орзу, қўрқув, дард], беш асосий ранг, беш асосий овоз пардаси ва бошқа «бешликлар»ни кўраман».

Милоддан аввалги VI асрда ўтган Сун Тзи эса бундай дейди: «Табиятда беш ранг, музыкада беш сас [овоз] бор, лекин уларнинг алмашилишидан ҳосил бўладиган ранглар ва сасларни санаб чиқишнинг иложи йўқ», «Беш» рақамида тўлиқлик, яхлитлик ғояси мужассам. Буюк Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳоларнинг ўз ижодий фаолиятини беш асар — «Хамса» яратиш билан якунлашга интилгани ҳам тасодифий эмас. Беш дoston — мукамаллик, инсон ҳаётини бутунисича қамраб олувчи тўла-тўқислик демакдир. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, ҳатто ҳинд-араб беш рақамининг шакли юракнинг анатомик тузилишига ўхшаб кетиши ҳам бежиз эмас. Ҳар қалай, шаклида ҳам, қандай маъноларни англатишида ҳам свастика билан 5 рақами ўртасида муштарак жиҳатлар кўп.

Афросиёбдаги сомонийлар саройидан топилган свастика қаторлари.



Мозийга саёҳатдан XX асрга қайтайлик. Турли-туман рамзларнинг таъсир кучи ошган давр бўлди бу. Ҳатто эзгулик тимсоли ёвузлик нишонига айландики, бунга свастиканинг тақдири ёрқин мисолдир.

Қадимги юнонлар нигоҳидан тирик жон тошга айланиб қоладиган горгона Медуза ҳақида гўзал афсона яратишган. Марказида Медузанинг боши тасвирланган уч чизиқли свастика — трикветр антик даврда Сицилия оролининг нишони эди. Уч чизиқ ўрнига тўртта чизиқ тортилганда эса бу шакл ҳақиқий свастикага айланади.

«Китобимда тасвирини келтирмасдан шуни айтишим мумкинки, — деб ёзади юқорида тилга олинган «Симметрия» асарининг муаллифи Герман Вейль, — свастика инсониятнинг энг қадимий рамзларидан бири сифатида ўзаро холи цивилизацияларда маълум бўлган кўринади. 1937 йил кузида, гитлерчилар Австрияни босиб олиши арафасида, Венада симметрия мавзусида лекция ўқиётиб, свастика ҳақида бир-икки оғиз гапирдим. Шу кунларда свастиканинг даҳшати илон сочли Медуза бошининг даҳшатидан ҳам ўтиб тушди, деганимда аудиторияда гулдурос қарсақлар билан бир қаторда эътирозли бақирқларни ҳам эшитган эдим».

Хўш, Қадимги Шарқда эзгуликнинг рамзий ифодаси бўлган белги герман фашизмнинг нишонига қай тариқа айланиб қолди? Афсуски, бу саволга аниқ бир жавоб тополмадим. Ҳатто Д. Мельников ва М. Чёрнаянинг герман фашизмнинг пайдо бўлиши ҳақида муфассал ҳикоя қилувчи «Биринчи сонли жиноятчи [нацистлик режими ва унинг фюрери]» номли асарида ҳам бу тўғрида ҳеч нима дейилмаган. Фақат шу факт келтириладики, Гитлер свастикани нишон сифатида веналик фашистлар партиясидан, улар эса ўз навбатида веналик националистлардан ўғирлаб олишган экан. Лекин веналик националистлар свастикани қарердан олишган, қайси маънода нишонга айлантиришган — бу тўғрисида гап йўқ.

Шу ўринда бир тахмин туғилади. Маълумки, ҳинд-эрон тилларида сўзлашган халқлар ўзларини орийлар —

меҳмондўст, ҳимматли, озод одамлар деб аташган. Свастика шу ҳудудда эзгулик тимсоли сифатида тарқалган эди, бинобарин, у орий халқларининг ўзига хос рамзий ифодаларидан бири сифатида нишонга айланган бўлиши мумкин. Утган аср ўрталарига келиб эса буржуа реакцион ирқий назария намояндалари «олий ирқ» ҳақидаги ғайриилмий назарияни яратишди. Герман фашистлари «орий ирқи»ни жаҳонга маданият тарқатган ягона ирқ тарзида изоҳлаб, унга асосан немисларни киритишган. «Орий ирқи» ҳақидаги сохта назарияларнинг орий халқлари масаласига ҳеч қандай алоқаси йўқ, албатта. Лекин, башарти свастика орийларнинг рамзий ифодаларидан бири бўлган десак, ўзларини «орий ирқи»га мансуб билган немис фашистлари уни ўзларига нишон қилиб олишмаганмикан!

Ҳар қалай, шундай бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, свастика фашистлар қўлида жуда машъум роль ўйнади. Чунотчи, нацистлар партиясини тарғиб қилишда унинг нишонидан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, ўттинчи йиллар бошида ҳатто конфет қоғозларига ҳам свастика тасвири туширилган эди. Кейинчалик эса Гитлер партиясининг ҳар бир аъзоси онласида свастика тасвири бор байроқ сақлаши шарт бўлди. Қолаверса, свастика шакли байроққа хонадон соҳибасининг қўли билан тикилиши маъқулроқ ҳисобланган.

Свастика муҳрга, гербли қоғозларга, энгдаги боғичларга, самолёт, танк ва ҳоказоларга ўтди. Европани қонга бўяб, жаҳонни даҳшатга солди. 50 миллиондан зиёд кишининг ёстиғини қуритган иккинчи жаҳон уруши свастика билан бевосита боғлиқ. Бир замонлари сермаъно геометрик шакл бўлган белги мудҳиш тус олди, дунёни ўраб олишга уринувчи ўргимчак тўридек бир жирканч туйғу уйғотди одамларда.

Бироқ... «Итнинг тумшуги теккани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди» деган нақл бор Шарқда. Бинобарин, свастикага фашизм нишони сифатидагина эмас, балки кўҳна Шарқнинг қадимий рамзий белгиларидан бири сифатида ҳам қарашга ўрганиш керак. Зотан, у шунчаки бир нишон эмас, балки қадимги шарқ халқларининг ҳаёти, урф-одати, билими, дунёқарашига бевосита алоқадор бўлган рамзий ифодадир.

Шу ҳақда ўйласам, Кўҳна Шарқнинг олис-олис ўтмишига хаёлан нигоҳ ташласам, таассуротлар тўлқин-тўлқин бўлиб келиб, бениҳтиёр сатрларга тизилади:

Минг йиллар эзгулик тимсоли бўлиб
 Енгандинг қасрлар пештоқларида.
 Тарихдан саҳв ўтди — осиди сени
 Асрим жаллодлари байроқларига.
 Чорек аср машъум тамға бўлсанг-у
 Наҳот дунё сени лаънатлар мангу?
 Ҳайхот, ўнлаб аср шу дунёни сен
 Адолат, покликка чорлагандинг-ку?!

Ўтмишга бир қиё боқ!



ҚАДИМИЙ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ТИКЛАШ

Хоразм маданияти ўтган барча даврларда канал қурилишига асосланиб келган. II — III асрларда — Гавхўра, VI — VII асрларда — Чирмонёб, XIII асрда — Довдон ва XIX асрда Хонёб шоҳарикларнинг бунёд этилиши бу ўлкада маданиятнинг юксалиши, кўтарилиши билан бирга кечган. Ва ҳар гал бу ўлкада маданиятнинг инқирозга юз тутиши ўша суғориш шохобчаларининг ишдан чиқиши билан боғланган. Ҳозир ҳам шундай, биз улкан ҳалокат ёқасида турибмиз. Демак, сув таъминотини яхшилаш зарур.

Қоқ чўлнинг ўзида жойлашган Бирлашган араб амирликларининг ҳозирги юксалиши нафақат нефть билан, балки шу шароитда мавжуд сув бойликларидан тежамкор, оқилона фойдалана билганликларига ҳам боғлиқдир. Чунки бу мамлакат аҳолиси фақат сизот сув ва тозаланган денгиз суви билан яшайди. Сувсизлик муаммоси бу ерда йўқ. Кичкинагина Қувайт мамлакатига эса иссиқхоналарда гул ва сабзавот етиштирилади, у ҳам тозаланган денгиз суви билан таъминланган.

Маълумки, Қизилқум ва Қорақум чўллари остида жуда катта чучук сув денгизи мавжуд. Фақат ундан фойдалана билишимиз керак, холос. Бу ишни, албатта, замонавий технология асосида, режали равишда амалга ошира билмоғимиз керак. Ҳамма гап сувни ниҳоятда тежамкор сарфлашни билишда.

ТУРАРЖОЙ-БОШПАНА МАСАЛАСИ

Маҳаллий аҳоли Шўро ҳокимиятига қадар асосан икки хил тураржой бунёд этиб келган.

Дехқон ва ҳунармандлар лойсувоқли пахса, синч уйларда яшашган. Чорвадорлар эса кўчиб юришга қулай бўлган ўтовларда яшашган. Бошпананинг иккала хили ҳам кўп асрлар давомидаги кескин ўзгарувчан шарт-шароитларга мослашув натижасида саралаб олинган. Доимий шамоллар, қишдаги қаҳратон совуқ ва ёздаги саратон жазираси, барча-барчаси ҳисобга олинган. Қуруқ иқлим шароитида тупроқ ва лой энг яхши қурилиш ашёсидир. Чунки у шундоққина оёқ остида, сувтекин. Борди-ю уй девори қалинроқ урилса, у иссиқликни узоқ сақлайди. Ҳарорат кескин ўзгарган маҳалда бу айниқса зарурий омилдир.

Умуман, ҳозир Оролбўйида қад ростлаган, бир-бирига ўхшатиб қурилган 4—5 қаватли уйлар кишининг

Оролбўйини қайта тиклаш дастури муаллифининг сўнги йилларда олиб борган ишланмалари асосида, чунончи тарихий таркиб топган аҳоли муҳитини ўз аслига келтириш, қўриқхона масканларни ташкил этиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш вазифаларини жамулжам қамраб олади.

Бугунги кунда табиатнинг бизга ато этган бойликларини асраб қолиш, аждодларнинг заҳматкаш қўллари билан бунёд этилган ажойиб маданият кўркамликларининг чиройига чирой қўшиш ҳеч бир кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Чунки маданиятли, ҳиссиёти ва руҳияти соғлом, ўтмиш билан боғланган, ундан ажралиб қолмаган, ўзини табиатнинг бир парчаси деб ҳис эта олган инсоннинг яшаб қолиши гаровда турибди. Дарвоқе, яқин йиллар-

дидини ўлдириб, атроф-муҳит файзини йўқотади. Қолаверса, бу уйлар маҳаллий аҳолини ўз қурилиш анъанасидан узоқлаштириб қўяди, анъанавий турмуш тарзига раҳна солади. Биз эса Оролбўйи аҳолисига пахса, синч ва хом ғиштли уйлар лойиҳаларининг бир қанчасини таклиф этаёلمиз. Бу услуб меъморларимизнинг Ўрта Осиёнинг ўзига хос эски шаҳарлари шароитида ниҳоятда ихчам, гўзал, бир-икки қаватли уйлар бунёд этишларига шарт-шароит яратиб беради. Энди «эски шаҳар» атамаси албатта бир кун бузиб юбориладиган ёки ўз-ўзидан нураб тугайдиган даҳаларни эмас, балки шаҳар кўригига-кўрк қўшадиган, кўҳна тарихимизни эслатиб турадиган серфайз, гўзал маскан тушунчаларини англададиган бўлади.

ЎТОВларни тиклашимиз, умуман шу юртга хос кўчманчи чорвадорликни ривожлантиришимиз зарур. Чунки, кўчманчилар чўли доимо шаҳарликларни гўшт-ёғ, қолаверса кийим-бош билан таъминлаб келган. Кўчманчи чорвадорлик чўлга файз бағишлайди, унинг биз илғамаган имкониятларини очиб беради.

Умуман, қадимий тураржой анъаналарини тиклаш баробарида дехқон ва ҳунармандларнинг ўтроқ яшаб маҳаллалар ташкил этишлари, чорвадорларнинг эса ўтовларда яшаб Оролбўйи чўлларида анъанавий чорвачиликни тиклашларига эришиш мумкин.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪМИНОТ

Анъанавий тураржойлар, албатта, муайян маданий-маиший хизмат билан таъминланиши зарур. Оролбўйидаги Нукус, Мўйноқ, Тўрткўл каби шаҳарлар бош режасининг амалга оширилиши тажрибаси умумшаҳар муҳандислик таъминоти тармоғи қоғозда қолиб келаётганини кўрсатди. Шу боисдан, чўпон овуллари артезиан қудуқлари ва ҳатто шўр сувларни чучуклаштириб берувчи қуёш қурилмалари билан таъминлаш лозим. Яқин Шарқ мамлакатлари тажрибаси шуни тақозо этади.

ДАРОМАДЛИ СОҲА

Оролбўйи минтақасида қадимий Хива, Кўҳна Урганч билан бир қаторда янги саёҳат масканлари мавжудки, улар Мовароуннаҳрнинг IV асрдан то XIX асргача бўлган оралиқдаги маданияти намуналаридир. Фақатгина Эллиққалъа ноҳиясининг ўзида Қадимги юнон ва рим маданиятига оид ўнларча қалъалар мавжуд. Ана шу теварак-





нигина эмас, балки келгуси асрларни ҳам режалаб яшаш вақти келди. Ҳа, фақат 90-йилларни эмас, балки XXI асрдаги истиқболни ҳам кўра олиш вақти етилди!

Оролбўйининг экологик ҳалокатини бартараф этмоқ учун, унинг атрофидан кўчиб кетаётган қасаба ва қишлоқларни ўз ҳолига қайтарибгина қолмасдан, шу билан бирга ушбу заминда унинг миғ йиллик маданий обидаларини, анъаналарини, ҳунарларини, барча унутилган бойликларини қайтаришни мақсад қилиб қўйиш керак.

Мен шу юртининг фарзандиман, бинобарин, унинг қадимий маданиятидан хабардорман, ажойиб меъморчилик санъатига садоқат ила хизмат этаман. Шу ишга умримни бахшида этганман. Қуйида ўз дастуримни баён этмоқчиман.

атроф яхши ободонлаштирилса, замонавий маиший хизмат ташкил этилса, бинойидек маблағ манбага айланади. Бироқ, ҳар жиҳатдан марказга боғланиб қолган ҳозирги шароитда биз ўз бойлигимиздан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган эмасмиз. Лекин, Муस्ताқиллик декларациясини эълон қилган жумҳуриятда бу масаланинг ижобий ҳал этилишига ишонаман.

Шундай қилиб, Кўҳна Урганч кўриқ шаҳарида тижорат-саёҳат ширкати — «Қадимий Хоразмнинг олтин ҳалқаси» ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Хоразм, Тошхувуз вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ва Қозоғистон ССЖ сановат корхоналари пайчилик асосида шерик бўлиб қолишади. Унда Ғарб ширкатларининг иштироки ҳам кўзда тутилмоқда.


Энди «Қадимий Хоразмнинг олтин ҳалқаси» маршрути билан танишинг.

1-Йўналиш, «Қадимий Хоразм маданияти изидан» [милоддан аввалги IV асрдан милоднинг VI асригача].

— Эллиққалъа манзили — Қизилқум чўли ўзра ётган 50 та қалъа ҳақида ахборот берилади. Айни кезларда бу манзилгоҳларда илмий-тадқиқот ишлари давом этаверади.

- Султон Увайс тоғларидаги тош қоялар манзараси,
- Шоҳсанам — афсонавий шаҳар,
- Қорақумдаги скиф қабилалари манзилгоҳларига

«ҚАДИМИЙ ХОРАЗМНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ» — ТИЖОРАТ САЁҲАТЧИЛИГИ ДЕМАҚДИР.



- ⊕ — мавжуд тайёрагоҳлар
- ⊕ — лойиҳадагилари
- △ — мавжуд меҳмонхоналар
- ▲ — лойиҳадагилари

сайр уюштирилади. [Бу ердан Катта Қорақум автомобиль йўли барпо этиш режалаштирилган].

2-Йўналиш. «Хоразмшоҳлар даври ва Олтин Урда» [X — XIV асрлар].

— Кўҳна Урганч харобалари [Хоразмнинг уйғониш даври].

— Миздахқондаги Мазлумхон сулув қасри [ер остидаги қаср].

3-Йўналиш — Хиванинг беш минораси»

— Ичан қалъа ва Дишан қалъадаги обидалар билан таништирилади.

4-Йўналиш. «Устиюрт бўйлаб».

— Сарикамиш кўлига саёҳат.

— Девкескан қалъаси ҳикоятлари. Бу қалъа Кушон давлатининг шимолӣ дарвозаси ҳисобланган.

КЎҲНА УРҒАНЧНИНГ ТИКЛАНИШИ

Хоразмнинг қадимий пойтахти Кўҳна Урганчни кўриқхона сифатида сақлаб қолишнинг ўзи кифоя қилмайди. Энди бу шаҳарнинг ўша қадимий қиёфасини тиклаш вақти келди. Шу боисдан кўриқхона ҳудудида 2,5 миғ аҳоли яшаш учун бир-икки қаватли уйлар қуриш, устахоналари, расталари, меҳмонхоналари бўлган марказ барпо этиш мўлжалланмоқда. Кўҳна Урганчда ҳозирда унутилиб бораётган ганчкорлик, нақшошлик, мисгарлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлигининг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган. Ҳатто Шарқ қандолатчилиги, Хоразм пазандачилиги яна ўз ўрнини топади. Чеварлик, каштачилик, гиламдўзлик санъатлари ҳам бу шаҳар кўриқига-кўриқ қўшади. Шаҳарда халқ сайиллари, байрамлари, миллий спорт мусобақалари, халқ бахшларининг айтишувлари бўлиб туради.

Бу тадбирларнинг барчаси ўлкада халқаро саёҳатчиликнинг тараққий этишига ҳисса бўлиб қўшилади. Маданий тараққийёт эса ўлкадаги халқ оммасининг дунёқарашини янада бойитади, маънавий савиясининг кўтарилишига хизмат қилади. Бу атрофда халқнинг турмуш даражаси ҳам юксалади.

Кўҳна Урганчни ривожлантиришнинг режасига кўра келгуси йилдан бошлаб тажриба тариқасида қадимий иморатсозлик анъаналари асосида шахсий уйларни қуришга киришила бошланади.

Шаҳарда меҳмонхоналар билан бир қаторда карвонсаройлар ҳам қурилади, пешайвонли пахса, синч уйлар билан бир қаторда шаҳар атрофида гўзал ўтовлар жойлашадик, у ерда саёҳатчилар бир-икки кун бемалол ҳордиқ чиқарадилар. Шунинг ҳам айтиши керакки, бу манзил халқаро «Буюк ипак йўли» дастурининг муайян бир қисмига айланади.

Хоразм ўлкасининг қадимий маданий марказларини замонавий учун хизмат қилдириш ҳозирги авлод зиммасидир. Бу тадбир Оролбўйини ободонлаштириш билан мустаҳкам боғлиқдир.

Биз, меъморларнинг фикрича, Оролбўйи минтақаси қонуний йўл билан ўзига хос иқтисодий минтақа деб ажратиб қаралиши, жумҳуриятлар ва вилоятлараро чегаралардан қатъи назар, барча кучларни бирлаштирган ҳолда шу минтақани ривожлантиришга киришилиши лозим. Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ўртасида тузилган шартномалар ҳам ана шу юксак тадбирни амалга ошириш учун йўл очиб беради.

Владимир АРТЕМЬЕВ,
меъмор.

МИС КОСАДАГИ МЕҲРИГИЁ

Металлдан турли буюмлар ясаш қадимий санъатлардан биридир. Инсон биринчи бор металлни (олтин, мис ва ҳоказо) табиатда тайёр ҳолатда учратган ва ўз эҳтиёжи учун ишлатиш йўлларини ижод этган. Масалан, Ўзбекистон заминда мисни милоддан аввалги III минг йилликнинг охириларидан бошлаб турмушда қўллай бошлаганлар. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича (милоддан аввалги V аср) Сирдарё билан Амударё оралигида яшаган массагет қабилалари олтин билан мисни кўп ишлатишган. Қурол-яроғлар мисдан, безак ва тақинчоқлар олтиндан тайёрланган (кумуш ва темир мутлақо ишлатилмаганлигини ёзади).


Жумҳуриятимизнинг турли ноҳияларида олиб борилётган археологик қазишмалар натижасида топилаётган турли-туман тақинчоқлар, хўжалик буюмлари, ҳарбий қуроллар ҳам ўша тарихий сўзларни тасдиқлайди.

Асрлар ўтиши билан ҳунармандчилик такомиллашиб бораверган. Қўли гул усталар бири-бирини такрорламайдиган кўринишдаги идишлар ва бошқа хил эҳтиёж буюмлари яратишган. Ҳар бир соҳада бўлгани каби заргарлик ва мисгарликда ҳам ривожланиш ва инқирозга юз тутиш ҳоллари такрорланиб турган. Масалан, IX—XII асрларда юз берган инқироз ва етишмовчиликлар сабабли жуда кўп мис идишлар эритиб юборилган. Бироқ мисдан турли-туман эҳтиёж буюмларини ясаш XVIII аср бошларида яна юқори босқичга кўтарилган ва бу жараён то XIX аср ўрталаригача бўлган ораликда такомиллашиб борган, янгидан-янги кўринишдаги мис идишлар ясалган ва уларга нафис нақшлар ва ҳикматли ёзувлар туширилган.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Қарши, Хива шаҳарларида мисгарлик устахоналари, расталари ташкил этилган. Усталар кўп рақибларни етиштириб чиқаришган. Бу даврларда қўли гул кандакорлар ишлаган мис идишлар хили ниҳоятда кўп. Чунончи, чой-жуш — чой қайнатишга мўлжалланган мис идиш, офтоба ёки обдаста, мис кўза, дастшуй (қўл чайишда тутиб туриладиган идиш), сатил (челак, пақир), жом, лаган, товоқ ва ҳоказо. Умуман мисдан ишланган буюмларнинг хили ҳам кўп, вазифаси ҳам тур-

лича. Масалан, тоси маъжун — доривор гиёҳларни сақлашга хизмат қилган, кашкул — дарвешларнинг идиши, довул — ов пайтида чалинадиган ноғора, шамдон эса ҳар бир уйда энг зарурий буюмдир.

Усталар мис идишларни ясашда икки хил усул қўллашган. Аввало мис эритилиб қолипларга қуйилган ва мис бўлаги оловда тобланиб махсус сандонларда болғаланган. Тайёр буюмлар тозалангач, наққош усталар қўлига ўтган. Улар махсус, лекин содда ас-



боблар (паргар-циркул, пўлат қалам ва болғача) ёрдамида идиш ёхуд буюмга нозик ва нафис гул ва нақшларни туширишган, ажойиб оятлар, ҳикматли сўзларни битишган. 1981 йили Жиззах вилоятининг Бахмал ноҳиясидан топилган мис коса жуда кўп мутахассисларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Коса тахминан XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида болғалаш усулида ишланган. Косанинг сиртига пўлат қалам воситасида босиб чизиш ҳамда болғалаш йўли билан нақшлар ишланган. Айниқса, ундаги нафис ёзувлар идишга алоҳида файз ва салобат бахш этган. Косанинг ички ва ташқи томонидан кумуш ҳал берилиши идишни янада жозибали қилиб юборган. Афсуски, халқимиз ичидан чиққан ва қадимдан камтарлик, андишлик руҳида тарбияланган устанинг

номи идишда ўз аксини топмаган. Косага «аш-шифо ва-л-офият», яъни «шифо ва соғлиқ» ибораси битилган бўлиб, бу жумла орқали инсонга шифо ва соғлиқ тиланган.

Ҳўш бу коса қайси мақсадларда фойдаланилган? Энг аввал бу косани табиблар ишлатган бўлиши мумкин. Халқимизга маълумки, табобатчилик илми юртимизда жуда қадим замонлардан ривож топган. Утмиш шифокорлари беморларни даволашда ширинсухан, хушмуомала бўлишни уқтирганлар. Юнонлик Букрот (Гиппократ)нинг «беморни дори билан эмас, балки ширин калом билан шифолаш афзал» каби бебаҳо сўзларига Ибн Сино ҳам амал қилган ва «бемор борки, сўз билан даволаса бўлади» деган. Ҳақиқатан халқимиз ширин калом шайдосидир. Шу боис ўша мис косадан дори истеъмол қилган беморнинг руҳи албатта таскин топган. Ширинсўз шифокор беморга шу идишда ўзи тайёрлаган суюқ дорини ичирар экан албатта шифо топиб соғайиб кетинг, деб қайта-қайта айтган, бемор қалбидаги тушкунликни йўқотган. Натижада беморнинг шифо топишига умиди кучайган...

Коса никоҳ тўйи маросимларига хос расми одатни бажаришда ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Қадим-қадимдан келин-куёвга янги ҳаётга қадам қўяр эканлар бир косадан шарбат (ширинлик), сут (оқлик) ёки сув (ёруғлик) ичириб одат тусини олган. Сурхондарё вилоятидаги Ангор ноҳияси ҳудудида жойлашган Болаликтепадан топилган VI—VII асрларга оид сарой хоналаридан бирининг деворида тўй маросимини акс эттирувчи рангли тасвирий лавҳа бор. Унда меҳмонлар қуршовида ўлтирган келинга куёв қадаҳ тутқа-заяпти. У гўё «олинг, шу шифобахш ичимлик сизга шифо бўлсин ва доимо саломат бўлинг», деяётгандек.

Демак, мис коса бизни ўтмишимиздаги энг гўзал урф-одатлар, ажойиб тилакларга тўла қалб эгалари бўлган боболар ва момолар санъати билан боғлайди.

Уткир АЛИМОВ,
Ойбек номидаги Ўзбекистон
халқлари тарихи
музейининг катта илмий ходими.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР
«Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 9 [431] 1990 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Абдувоҳид ТУРАЕВ
қайтарилмайди. Бадиий муҳаррир Уста ВАЛИ

Журналимиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88
Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП (П) Гоголь кўчаси 70-уй.

Теришга 19.07.1990 йилда берилди. Босишга 17.08.1990
йилда ружат этилди. Қоғоз 60×90/в. Ботиқ босма.
Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли
намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нухсаси 495571.
Буюртма № 3699. Нашр № 402. Нархи 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»